

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 351.86:32(575.1)

РАХМАТОВА ДИЛНАВОЗ ЖУРАКОБИЛОВНА

ГЕОСИЁСИЙ РАҚОБАТ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

Ихтисослик: 09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: С.А.ЧОРИЕВ, фалсафа фанлари
доктори,
профессор

**Бухоро – 2021
МУНДАРИЖА**

К И Р И Ш.....	3
1-БОБ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ	
§1. Геосиёсат, геосиёсий рақобат ва миллий хавфсизлик тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	13
§2. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концепцияларининг асосий йўналишлари.....	30
1-боб хулосалари.....	47
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	
§1. Ўзбекистон шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси ва хусусиятлари.....	50
§2. Ўзбекистонда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар.....	68
2-боб хулосалари.....	83
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ТИЗИМИНИНГ ФАЛСАФИЙ- КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ	
§1. Шахс хавфсизлигини таъминлашнинг асослари ва омиллари.....	86
§2. Давлат хавфсизлиги – миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳати.....	101
§3. Ижтимоий хавфсизлик – барқарор ижтимоий тараққиёт шарти.....	116
3-боб хулосалари.....	131
ХУЛОСА.....	133
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	140

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XX аср охири – XXI аср бошларида авж олган геосиёсий рақобат натижасида шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига, барқарор тараққиётга таҳдид соладиган омиллар, тенденциялар, инқирозлар ниҳоятда кўпаймоқда. Энг аҳамиятлиси, бу таҳдидлар давр ўтгани сайин тобора мураккаблашиб, кўлами кенгайиб бормоқда. Оқибатда мамлакатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тизим билан унга таҳдид солаётган омиллар ўртасида зиддият вужудга келмоқда. Мазкур зиддиятларни бартараф этиш учун, энг аввало, геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш концепциясини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Шу муносабат билан ушбу концепциянинг назарий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё илм-фанида геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари жиддий тадқиқ этилмоқда. Бу борада, айниқса, миллий хавфсизлик ҳолатини муфассал ифодалашга, унинг таркибий қисмларини аниқ белгилашга, таҳдид омилларини тугал аниқлашга, уларни бартараф этишга хизмат қиладиган яхлит янги концепцияни шакллантиришга интилинмоқда. Ижтимоий аҳамияти беқиёс бўлган бундай вазифани бажариш мақсадида тизимли илмий тадқиқот ишларини амалга ошираётган илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар, университетларга грантлар, маблағлар, ресурслар тақдим этилмоқда. Ижтимоий, молиявий жиҳатдан пухта қўллаб-қувватланаётган изланишлар миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги ғоялар, назариялар, таълимотларнинг вужудга келиши билан якун топмоқдаки, уларнинг барчасини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан тадқиқ этиш зарурияти тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган геосиёсий омиллар ҳам кўпаймоқда. “Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида,

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш муаммолари барча замонларда барча мамлакатларда турли ракурсларда, турли муносабатлар билан кенг тадқиқ қилиб келинган масалалар туркумига киради. Шу сабабдан мутафаккирларнинг кўплаб асарларида мавзуга доир аҳамиятли фикрлар баён этилади. Масалан, Платон хавфсизликни шахс, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш орқали таъминлаш мумкин, деб таъкидлайди³. Муаммо юзасидан қимматли фикрларни Конфуций, Аристотель, Н. Макиавелли, Т. Гоббс, Ж.Ж. Руссо, Н. Бердяев ва бошқаларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин⁴.

Бироқ ўтган асрнинг сўнгги чорагига келиб, миллий хавфсизликка таҳдидларнинг ниҳоятда кўпайиши мавзуни ижтимоий фанларнинг энг диққатга сазовор муаммоларидан бирига айлантди. Шу боисдан хорижда, МДХ мамлакатларида, республикамизда қатор диссертациялар, монографиялар, мақолалар илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. Хусусан, хорижда нашр этилган Д. Белл, Ж. Болтер, П. Бьюкенен, А. Зиновьев, П. Кеннеди, А. Тойнби, Э. Тоффлер, Э. Фромм, Ф. Фукияма, Ф. Хайек, С. Хантингтон⁵ ва бошқаларнинг асарларида турли мамлакатларда миллий хавфсизликка таҳдид солаётган янги омиллар батафсил таҳлил қилинади ва уларнинг ижтимоий оқибатларига доир башоратлар илгари сурилади.

³ Платон. Диалоги. – Харьков. Фолио, 1999. – С. 157.

⁴ Аристотель. Политика // Соч. в четырёх томах. Т. 4. - М.: Мысль, 1984; Макиавелли Н. Государь // Избр. соч. - М.: Мысль, 1982; Гоббс Т. Сочинения. Том 2. - М.: Мысль, 1991; Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты. - М.: Канон-пресс – 2000; Бердяев Н. Судьба России. Опыты по психологии войны и национальности. - М.: 1918.

⁵ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. - М.: Academia, 2004. - С.944; Болтер Дж.А. Человек тьюринга: западная культура в компьютерный век // Социология культуры: современные зарубежные исследования. - М.: Наука, 1987; Бьюкенен П. Смерть Запада. - М.: АСТ, 2007; Зиновьев А.А. Запад. Феномен западнизма. - М.: Наука, 1995; Кеннеди П. Вступая в XXI век. - М.: Весь мир, 1997; Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. - Москва: АЙРИС ПРЕСС, 2006; Тоффлер Э. Шок будущего. - М.: АСТ, 2003; Фромм Э. Бегство от свободы. - М.: Акад. проект, 2007; Фукияма Ф. Конец истории и последний человек. – М. АСТ, 2007; Хайек Ф. Дорога к рабству. - М.: Фонд Либерал, миссия: Новое изд-во, 2005; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ, 2006.

Кейинги йилларда МДХ мамлакатларида ҳам муаммога бағишланган фундаментал илмий ишлар қилинди. Масалан, О. Вознесенская, В. Карпов, Д. Павлов, Н. Крючек, М. Кузнецов, Е. Лукашева, Ф. Люшев, С. Махов, Д. Самойловларнинг⁶ асарларида шахс хавфсизлигининг асосий хусусиятлари, уни таъминлаш услублари ва воситалари хусусида фикр юритилади. В. Аверченков, В. Ерохин, О. Голембиовскаянинг асарларида давлат хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ривожланиши тарихи ўрганилади⁷. А. Воронов, Г. Туманов, В. Фризко, А. Поздышовларнинг⁸ илмий ишларида жамият хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий, информацион ва ҳуқуқий муаммолари тадқиқ этилади.

Ўзбекистонда ҳам муаммо турли ракурсларда кенг тадқиқ этилган. Жумладан, З. Аюпова, И. Каримов, Н. Муҳаммадиев, Б. Тўраев, Э. Икромов, Я. Хайрутдинов, С. Чориев, М. Юнусов, Ж. Яхшиликков⁹ асарларида шахс хавфсизлигининг ижтимоий, маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий, ахборот-психологик аспектларига эътибор қаратилади. И. Каримов, Х. Абдулқосимов, З. Бабакалонов, Х. Бахрамов, Б. Каримов, А. Расулов, М. Раҳманкулов, Ҳ. Саломоваларнинг¹⁰ илмий ишларида давлат ва жамият хавфсизлигини

⁶ Вознесенская О. Безопасность личности в чрезвычайных ситуациях: философско-политологический анализ: Дисс...канд. филос. наук. - М., 2000; Карпов В., Павлов Д. Основы теории обеспечения безопасности личности, общества и государства. - М.: Юридич.инс-т., 2010; Крючек Н., Кузнецов М. Личная безопасность в чрезвычайных ситуациях. - М.: НЦ ЭНАС, 2010; Лукашева Е.А. Право. Мораль. Личность. - М.: Наука, 1986; Люшев Ф. Конституционная защита прав и свобод личности. - М.: Прогресс, 1993; Махов С. Безопасность личности: основы, принципы, методы. – Орёл, 2013. - С.220; Самойлов Д. Основы личной безопасности. - М.: Элита-Стиль, 2012.

⁷ Аверченков В., Ерохин В., Голембиовская О. История развития системы государственной безопасности России. - М.: Изд. Флинта, 2016. - С.192;

⁸ Воронов А. Общественная безопасность: административные, информационно-правовые проблемы обеспечения: Автореф. дисс. ... докт. юрид. н. - М., 2006. - С. 426; Туманов Г., Фризко В. Общественная безопасность и ее обеспечение в экстремальных условиях // Советское государство и право, 1989. - №5.; Поздышов А. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности: теоретико-методологические проблемы: Автореф. дисс. докт. юрид. н. - М., 2003.

⁹ Аюпова З. Права человека и гарантии их защиты.// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2008, - №1; Каримов И. Юсак маънавият – энгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.; Тўраев Б. Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги социал муаммо сифатида // ЎзМУ хабарлари, 2013, - №3.; Хайрутдинов Я. Глобализация и ее влияние на уровень жизни населения. // Общественные науки в Узбекистане, 2004. - №2-3.; Чориев С. Ҳозирги замоннинг мафкуравий қиёфаси. – Т.: Ижод дунёси, 2003; Юнусов М., Икромов Э. Фуқаролик муҳофазаси. - Т.:Академ, 2002.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.37; Абдулқосимов Х. Иқтисодий хавфсизлик. - Т.: Академия, 2006; Бабакалонов З., Бахрамов Х. Фуқаролик жамияти институтларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки.// ЎзР ИИВ Академияси ахборотномаси, 2012. - №1; Каримов Б. Гармонизация взаимоотношений государства,

таъминлаш, улар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш йўллари ҳақида фикр юритилади.

Лекин янги аср воқелиги муаммони ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан муфассалроқ ўрганишни, миллий хавфсизликни таъминлаш концепциясининг назарий-методологик асосларини мустаҳкамлашни тақозо қилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-173 рақамли “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геосиёсий рақобат шароитида Ўзбекистон миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“миллий хавфсизлик”, “геосиёсий рақобат” тушунчаларининг янги мазмуни ва таркибини таҳлил қилиш;

геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги замонавий концепцияларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиқ бериш;

Ўзбекистоннинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги концептуал ёндашувини умумлаштириш, қиёсий таҳлил қилиш ва асослаш;

геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизликка таҳдидлар характери ўзгаришини асослаб бериш;

геосиёсий рақобат шароитида Ўзбекистон миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг фалсафий-концептуал асосларини ишлаб чиқиш.

общества и человека как основа справедливого общества.// Фуқаролик жамияти, 2011, - №1; Расулов М. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза//https://uz.m.wikipedia.org/wiki/ijtimoiy_himoya.; Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. - Бухоро: Дурдона, 2018. - Б.171.

Тадқиқотнинг объекти геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизлик ҳолати билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал хусусиятларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, тарихийлик ва мантиқийлик каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий хавфсизлик триадаси (шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги)нинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-мафкуравий каби ички ва ташқи омиллардан ҳимояланганлиги даражаси шахс, давлат ва жамиятнинг таҳдидбардошлиги, уларга қарши турувчи ижтимоий механизмнинг мавжудлиги билан диалектик алоқадорлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

замонавий миллий хавфсизлик концепциясининг тартиблилик ва тизимлилик, детерминистик ва диалектик тараққиёт тенденциялари асосида шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, иқтисодий ва маънавий-мафкуравий хавфдан ҳимоя қилувчи механизмни такомиллаштириш омиллари аниқланган;

тараққиёт стратегиялари ва концепциялари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реал ҳаётда ўз ифодасини топиши, таълим ва тарбия уйғунлиги, қонун устуворлиги ва демократик қадриятларнинг амал қилиши шахс, давлат, жамият ҳамда миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг концептуал асоси эканлиги реал ижтимоий воқелик асосида фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

Ўзбекистонда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиёт асосларини яратишда либерал иқтисодий ривожлантириш, табиий хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиниши янада мустаҳкамлаш, ижтимоий фаолликни юксалтириш, миллий кадрларни асраш ва ташқи сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, конструктив сиёсат олиб бориш каби концептуал ёндашувлар социометрик кузатув воситасида фалсафий нуқтаи назардан аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда замонавий миллий хавфсизлик концепцияларини шакллантириш тажрибаси умумлаштирилган бўлиб, бу натижалар Ўзбекистон миллий хавфсизликни таъминлаш Концепциясининг янги таърифини тайёрлашга доир таклифларни илгари суришда назарий-методологик асос вазифасини ўтаган;

илмий ишда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммолар очиқ берилган бўлиб, бу натижалар мавзуга доир илмий ва маърифий тадбирларни йўлга қўйишда фойдаланилган;

тадқиқотнинг асосий амалий натижаси Ўзбекистонда миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг концептуал асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий хавфсизлик ҳолати ва уни таъминлаш жараёнига доир илмий тасаввурлар, ғоялар ва назарияларни такомиллаштириш, шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги билан боғлиқ

масалаларни илм-фан позициясидан тадқиқ қилиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, турли ижтимоий институтларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш, “Миллий хавфсизликни таъминлаш Концепцияси”нинг янги таҳририни ишлаб чиқишга қаратилган ишларида қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий хавфсизлик ҳолати ва уни таъминлаш жараёнини, замонавий миллий хавфсизлик концепцияларини тадқиқ қилиш орқали олинган илмий натижалар асосида:

миллий хавфсизлик триадаси (шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги)нинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-мафкуравий каби ички ва ташқи омиллардан ҳимояланганлиги даражаси шахс, давлат ва жамиятнинг таҳдидбардошлиги, уларга қарши турувчи ижтимоий механизмнинг мавжудлиги билан диалектик алоқадорлигига оид назарий мулоҳазалар ва амалий тавсиялардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ПЗ-20170915198 рақамли “Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий тартибларнинг трансформацияси: тарихи ва амалиёти” мавзуидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 89-03-2551-сон маълумотномаси). Натижада, шахс, давлат, жамият хавфсизлигининг моҳияти ва омилларини аниқлашга хизмат қилган;

замонавий миллий хавфсизлик концепциясининг тартиблилик ва тизимлилик, детерминистик ва диалектик тараққиёт тенденциялари асосида шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, давлат

суверенитетини мустаҳкамлаш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, иқтисодий ва маънавий-мафкуравий хавфдан ҳимоя қилувчи механизмни такомиллаштириш омиллари аниқланганлигига доир назарий мулоҳазалар ва аргументлар Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг “Маънавий-маърифий ишлар концепцияси”, “Маърифат тарғиботчилари жамияти” фаолияти ҳамда “Маънавият тарғиботчиси” нодавлат таълим муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини, “Худудлардаги маънавий-маърифий муҳит харитаси”ни, “Ўзбекистон халқаро майдондаги ижобий имиджини мустаҳкамлашга қаратилган концепция” сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 7 июлдаги 02/08-696-сон маълумотномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган таклифлар, тавсиялар Ўзбекистонда миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг концептуал асосларини ижтимоий воқелик таҳлили асосида очиб беришга илмий жиҳатдан хизмат қилган;

тараққиёт стратегиялари ва концепциялари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реал ҳаётда ўз ифодасини топиши, таълим ва тарбия уйғунлиги, қонун устуворлиги ва демократик қадриятларнинг амал қилиши шахс, давлат, жамият ҳамда миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг концептуал асоси эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясининг 2019 йил 5 ноябрь кундаги IX Съездида тасдиқланган Дастурнинг I бўлимидаги “Партиянинг давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари”да белгиланган “Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишда, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида

фаол қатнашиш” ва “Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти изчил ва барқарор ривожланиши, ҳар бир фуқаро томонидан ўз қобилиятлари ва салоҳиятини амалга ошириш учун кенг шароитларни яратиш” деб номланган бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг 2020 йил 21 августдаги 01-27/370-сон маълумотномаси). Натижада, партия фаолиятининг иш самарадорлигини янада оширишга, Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Бунда тадқиқот натижалари партия фаолиятидаги долзарб масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарор таракқиёт асосларини яратишда либерал иқтисодиётни ривожлантириш, табиий хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қобилиятини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий фаолликни юксалтириш, миллий кадриятларни асраш ва ташқи сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, конструктив сиёсат олиб бориш каби аниқланган концептуал ёндашувлардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Тафсилот”, “Ассалом, Қашқадарё”, “Шарҳ”, “Менинг фикрим” каби телекўрсатувларида ҳамда “Замондош”, “Мозий” радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 21 июлдаги 04-05/2225-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабин ва радиотингловчига, яъни кенг жамоатчиликка шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг асослари ҳақида маълумот беришга эришилган ва бу илмий жамоатчиликнинг муносабатини аниқлаш имкониятига эга бўлишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та илмий мақола (7 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

1-БОБ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Янги аср воқелиги миллий хавфсизликни таъминлаш концепциясини муттасил такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида мазкур концепциялар ҳар 3-5 йилда қайта кўриб чиқиладигани сабаби ҳам шундан. Бинобарин, бизнинг мамлакатимизда ҳам миллий хавфсизлик таъминлаш концепциясини илдам такомилга етказиб бормоқ даркор. Бунинг учун эса, энг аввало, мазкур йўналишдаги замонавий концепциялар ижтимоий фалсафа позициясидан муфассал таҳлил этилмоғи лозим. Биринчи боб ана шу илмий вазифани бажаришга бағишланган.

Замонавий миллий хавфсизлик концепцияларини таҳлил қилишнинг назарий асосини миллий хавфсизлик ҳақидаги илмий мулоҳазалар ташкил этади. Чунки мазкур тушунчага илмий таъриф бермасдан, миллий хавфсизликнинг асосий таркибий элементларини муфассал аниқламасдан, шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар, уларни бартараф этиш механизмлари тўғрисида тасаввурга эга бўлмасдан туриб, замонавий миллий хавфсизлик концепциялари моҳиятини тўғри тадқиқ этиб бўлмайди. Шу боисдан бобда миллий хавфсизлик мазмуни ва таркибини аниқлашга, мутахассисларнинг мавзуга доир мулоҳазаларини таҳлил қилишга эътибор берилди.

Замонавий миллий хавфсизлик концепциялари ҳақида объектив ва тизимли тасаввурларни шакллантириш учун жаҳоннинг турли қитъаларида жойлашган, турли ижтимоий ва географик шароитларда фаолият кўрсатаётган, турли тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган мамлакатларнинг концепциялари таҳлил қилинмоғи даркор. Шунинг назарда тутган ҳолда Европа, Осиё, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка қитъаларидаги етакчи мамлакатларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш концепциялари таҳлил учун танлаб олинди. Бобда мазкур таҳлилнинг натижалари

келтирилади ва уларнинг умумий жиҳатларига оид фалсафий мулоҳазаларни илгари сурилади.

§1. Геосиёсат, геосиёсий рақобат ва миллий хавфсизлик тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили

Шахс, давлат ва жамиятнинг ҳимояланганлиги даражасини юксалтириш масаласи барча замонларда ҳам долзарб саналган. Бироқ XXI аср арафасига келиб, шахс маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатадиган, давлат ва жамият яхлитлигига раҳна соладиган омил ва воситалар, методология ва технологиялар шу қадар кўпайиб кетдики, миллий хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни янги реалиялар контекстида таҳлил қилиш, миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концепцияси асосларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда. Ушбу стратегик вазифани бажариш учун, аввало, “миллий хавфсизлик” тушунчасини ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилмоқ мақсадга мувофиқ.

Кишилиқ жамияти яралганидан буён инсон ва социум турли хавф-хатарлардан холи бўлмаган. Шу боисдан уни хавфдан холи қилиш, хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча замонларда ҳам ўз даври мутафаккирлари диққатини тортиб келган. Умуман олганда, хавфсизлик деганда хавф-хатар ва таҳдидларнинг мутлақо йўқлиги назарда тутилади. Бироқ шахс, давлат ва жамият учун бундай вазиятнинг нореаллигини инобатга олган ҳолда мавзу хусусида илк мулоҳаза юритган мутафаккирлар хавфсизликни хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати билан боғлайдилар. Бошқача айтганда, хавфсизлик – объектга хавф ва таҳдид солувчи омилларни бартараф қилиш имкониятининг мавжудлиги, бу таҳдидларга қарши турувчи механизмнинг мавжудлиги демакдир. Бунда объект вазифасини шахс, давлат, жамият ўтайди. Айнан шу учликни илмий манбаларда миллий хавфсизлик объектлари триадаси деб юритилади. Миллий хавфсизликнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри талқин қилиш, уни

таъминлаш механизмини муфассал тасаввур этишда ушбу мулоҳазалар назарий-методологик асос вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, миллий хавфсизлик деганда шахс, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги даражаси, бу таҳдидларга бардошлилиги меъёри, уларга қарши турувчи ижтимоий механизмнинг мавжудлиги тушунилади. Мазкур тушунчани илмий муомалага илк мартаба 1904 йилда АҚШнинг собиқ президенти Т.Рузвельт киритган¹¹. Кейинчалик тушунча мазмуни доираси ижтимоий муносабатлар, глобаллашув ва интеграция жараёнлари, шунингдек, хилма-хил кўринишдаги таҳдид ва таҳликаларни изоҳлаш билан узвий боғлиқ равишда кенгайиб борди.

Ўтган асрнинг охирларида авж олган геосиёсий рақобат “миллий хавфсизлик” тушунчаси мазмуни ва таркибий элементларини янада муфассалроқ таҳлил этишни тақазо қилмоқда. Маълумки, “геосиёсат” тушунчаси XIX асрдаёқ илмий муомалага киритилган. Уни илк бор Швециялик олим Р. Челлен кўллаган. Бу даврда Европанинг етакчи мамлакатларида қудратли давлат барпо этиш масаласи тенденциявий тус олган эди. Р. Челлен шу мақсадда амалга оширилган сиёсий ҳатти-ҳаракатларни геосиёсат сифатида талқин қилган эди¹². Германиялик олим Ф. Ратцель эса масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратди. Ҳар қандай давлат ўз сиёсатини мамлакатнинг географик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Олим ана шу алоқадорликни геосиёсат деб тушунади¹³. Кейинчалик эса қатор тадқиқотчилар давлат сиёсати характериға нафақат муайян мамлакатнинг географик ҳолати, балки бошқа минтақалар ва мамлакатлардаги вазият ҳам таъсир кўрсатишини эътироф эта бошладилар. Хусусан, Мюнхендаги геополитика институти директори К. Хаусхофер герман миллати учун муҳим бўлган макон Германия ҳудудлари билан

¹¹ Общая теория национальной безопасности // Под общ. ред. А.А.Прохожева. – М.: Изд.РАГС, 2005. – С.344.

¹² Грицанов А. Новейший философский словарь. Сост.– Минск, 1999. – С. 157.

¹³ Ўша ерда. – С. 157.

чекланмаслигини таъкидлади. Бинобарин, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, геосиёсат деганда мамлакатнинг турли минтақалардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилган ташқи сиёсат соҳаси тушунила бошланди.

Мамлакатларнинг геосиёсати мақсади ва йўналишлари давр ўтиши билан унинг тенденциялари, халқаро вазиятнинг ўзига хос хусусиятларига монанд равишда ўзгара борди. Профессор С. Чориев бу жараённи куйидагича ифодалайди:¹⁴

№	Даврлар	Халқаро вазиятнинг хусусияти	Геосиёсат мақсади ва йўналиши
1	XVII-XIX асрлар	Вестфалия ва Венада халқаро муносабатларнинг асосий принципларини эътироф этувчи шартномалар имзоланди. Бироқ ушбу шартномалар мамлакат ичкарисида исталган сиёсий режимни ўрнатишга имкон қолдирарди.	Мақсад: Мамлакатнинг сиёсатини географик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш. Йўналишлар: Мамлакатнинг географик имкониятларини умумлаштириш, ундан оқилона фойдаланиш йўллари топиш
2	XX аср 20-45 йиллари	Мамлакат манфаатларини қондириш имконини берадиган ҳудуд чегараси кенгайиб кетди. Ўзга географик ҳудудларни маҳв этиш учун шарт-шароит яратиш зарурияти туғилди.	Мақсад: Ўз мафкурасини маҳв этилиши зарур бўлган географик ҳудудга сингдириш. Йўналишлар: мамлакатнинг шу географик ҳудудга бўлган

¹⁴ Қаранг: Чориев С. Ҳозирги замоннинг мафкуравий қиёфаси. – Т.: Ижод дунёси, 2003. Б.19-20.

			даъвосини асослаб бериш, ўша ҳудуд аҳолисига "фаровон ҳаёт" ваъда қилиш.
3	XX аср 45-90 йиллари	Иккинчи жаҳон урушининг якунланиши ва немис фашизмнинг тор-мор этилиши икки қутбли дунёни вужудга келтирди. "Совуқ уруш" бошланди.	Мақсад: Кишилар онги учун кураш Йўналишлар: Ўз мамлакати танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигини асослаб бериш, ўз мафкураси тарафдорларини кўпайтириш, қарши мафкуранинг ривожланиши ва тарқалишига йўл бермаслик.
4	XX аср сўнгги ўн йили	Совет Империясининг барҳам топиши янги мустақил давлатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.	Мақсад: Ўзга минтақалардаги ўз мавқеи ва таъсирини кучайтириш Йўналишлар: Ўз турмуш тарзини, маданиятини тарғиб этиш, информатсион, психологик, технологик уруш

Геосиёсат мазмуни, мақсади ва йўналишларининг ўзгариши жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ўртасидаги геосиёсий рақобатни мисли кўрилмаган даражада кескинлаштирди. Бугунги кунда бу рақобат иқтисодиёт соҳасида

геосиёсий кучларнинг жаҳон иқтисодий саҳнидаги позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида, сиёсат соҳасида геосиёсий кучларнинг сиёсий режимини сингдириш мақсадида, ижтимоий соҳада мақбул турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида, мафкуравий соҳада муайян ғоя ва мафкураларни тарқатиш мақсадида олиб борилмоқда¹⁵. Бундай кескин геосиёсий рақобат “миллий хавфсизлик” тушунчаси мазмуни ва таркибини янги воқелик контекстида таҳлил қилиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Кундалик ҳаётда одатда миллий хавфсизлик деганда давлат хавфсизлигининг таъминланганлиги даражаси тушунилади. Айрим илмий манбаларда ҳам мазкур икки тушунча синоним сифатида қўлланилади. Масалан, К.Кокунов ўз диссертациясида “давлат хавфсизлиги” ва “миллий хавфсизлик” тушунчаларини айнан бир хил тушунчалар сифатида талқин қилади¹⁶. Бундай методологик ёндашув юқорида келтирилган миллий хавфсизлик триадасини яхлит тизим сифатида тасаввур қилишга ҳалал беради. Натижада миллий хавфсизликнинг таркибий компонентларини аниқ ифодалаш, мавжуд хавф ва таҳдидларни триада объектларига мутаносиб равишда таснифлаш қийин кечади.

Биз келтирган таъриф устида юзаки мулоҳаза юритишнинг ўзиёқ миллий хавфсизлик мураккаб тизимдан иборат эканлигини намоён этади. Унинг таркиби қуйидаги тизим ости таркибларини ўз ичига олади:

- а) шахс хавфсизлиги;
- б) давлат хавфсизлиги;
- в) жамият хавфсизлиги.

Ушбу тизим ости таркибларининг ҳар бири кўплаб элементлардан таркиб топади. Бинобарин, миллий хавфсизлик тизимининг таркибий-функционал таҳлили, биринчидан, биз ўрганаётган объект ҳақида илмий тасаввурларни шакллантириш, иккинчидан, миллий хавфсизликка таҳдид

¹⁵ Қаранг: Рустамов Р. Геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасидаги атрибутив ўзгаришлар, муаммолар ва ечимлар: Фалс.ф. бўйича фалф. докт. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд: СамДУ, 2019. – Б.13.

¹⁶ Кокунов К.А. Вызовы и угрозы национальной безопасности России в условиях глобализации: Дисс. на соиск. уч.степ. канд. полит. наук. – М.: Акад. МИД РФ, 2009. – С.15.

солаётган омилларни таснифлаш, учинчидан, миллий хавфсизликни таъминлаш механизми деталларини аниқлаш имконини беради.

1. *Шахс хавфсизлиги* – миллий хавфсизлик таркибидан жой олган биринчи тизим ости таркибидир. У шахснинг ҳаёти ва фаолияти, жисми ва соғлиғи, манфаат ва эҳтиёжлари, маънавий қиёфасига таҳдид соладиган омиллардан ҳимояланганлик ҳолатини англатади.

Таъкидлаш жоизки, “шахс хавфсизлиги” тушунчаси илмий манбаларда XX аср охирларига келиб пайдо бўлди. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, таъкидлаб ўтганимиздек, XX асрга қадар “хавфсизлик” тушунчаси давлат билан боғланарди, холос. Йигирманчи асрга келибгина хавфсизлик нафақат давлатни, балки жамиятни ва шахсни ҳам турли хавф-хатарлардан ҳимоялашни тақозо қилиши англаб етилди. Шу даврдан бошлаб шахс хавфсизлигининг мазмун-моҳияти, асосий жиҳатлари таҳлилига бағишланган кўплаб илмий ишлар нашр этилди. Бу ўринда шахс хавфсизлигининг мазмуни ва уни таъминлаш муаммоларига бағишланган О.Вознесенская, В.Карпов, Д.Павлов, Н.Крючек, М.Кузнецов, Е.Лукашева, Ф.Люшев, С.Махов, Д.Самойлов ва бошқаларнинг аҳамиятли илмий ишларини тилга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ¹⁷. Мамлакатимизда ҳам кейинги ўн йил ичида шахс хавфсизлигининг ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий, ахборот-психологик аспектларига бағишланган кўплаб эътиборга лойиқ илмий ишлар нашр этилди¹⁸.

Жамиятда шахс хавфсизлигини таъминлаш учун, энг аввало, мазкур жараённинг объекти ва субъектини муфассал тасаввур этмоқ лозим. Зотан,

¹⁷ Қаранг: Вознесенская О. Безопасность личности в чрезвычайных ситуациях: философско-политологический анализ. Дисс... канд. филос. наук. – М., 2000. Карпов В., Павлов Д. Основы теории обеспечения безопасности личности, общества и государства. – М.: Юрич.инс-т., 2010; Крючек Н., Кузнецов М. Личная безопасность в чрезвычайных ситуациях. – М. НЦ ЭНАС, 2010; Лукашева Е.А. Право. Мораль. Личность. – М.: Наука, 1986; Люшев Ф. Конституционная защита прав и свобод личности. – М.: Прогресс, 1993; Махов С. Безопасность личности: основы, принципы, методы. – Орёл, 2013; Самойлов Д. Основы личной безопасности. – М.: Элита-Стиль, 2012.

¹⁸ Қаранг: Аюпова З. Права человека и гарантии их защиты // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2008, №1.; Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008; Тўраев Б. Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги социал муаммо сифатида // ЎзМУ хабарлари, 2013, №3; Юнусов М., Икромов Э. Фуқаролик муҳофазаси. – Т.: Академ, 2002; Хайрутдинов Я. Глобализация и ее влияние на уровень жизни населения // Общественные науки в Узбекистане, 2004. – №2-3; Чориев С. Оламга негатив муносабат: хавфсизликка таҳдид // Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида. Респ. илмий-наз. конф. мат. – Қарши: Насаф, 2007.

шахс хавфсизлигининг объектини, табиийки, шахс, унинг субъектини эса давлат, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, меҳнат жамоалари, ижтимоий синфлар, гуруҳлар ва шу қабилар ташкил қилади. Шунинг учун тутиш керакки, инсоннинг ўзи ҳам ўз хавфсизлигини таъминлаш субъекти ҳисобланади¹⁹. Ўз ҳаёти ва фаолияти, жисми ва соғлиғи, маънавий қиёфаси учун шахсий масъулият қарор топмас экан, шахс хавфсизлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шахснинг хавфсизлиги унинг жисмоний ва маънавий хавфсизлигининг таъминлангани ҳолатидан таркиб топади. Жисмоний хавфсизлик шахс ҳаёти ва фаолияти, жисми ва соғлиғининг ҳимояланганлиги, унда зарурий жисмоний тайёргарликнинг қарор топтирилгани, фавқулодда ҳолатларга тайёрлик даражаси билан боғлиқ. Жамиятда шахс ҳаётини қадрлаш, соғлиғини асраш, жисмоний имкониятларини ошириб бориш, ҳаётининг фаолият хавфсизлигини таъминлаш механизмининг мавжудлиги унинг ижтимоийлашуви жараёнини жадаллаштиради, ижтимоий фаоллигини юксалтиради.

Маънавий хавфсизлик эса шахс маънавий қиёфасининг турли таҳдидлардан ҳимояланганлиги ҳолатини намоён этади. Ҳар қандай жамиятда шахс онги ва дунёқараши жамият эҳтиёж ва манфаатларига мутаносиб равишда шакллантирилмоғи, турли таҳдидлардан ҳимояланмоғи шарт. Чунки шахс маънавий хавфсизлиги инсон мавжудлигининг асосий манбаларидан биридир. Шахс маънавий қиёфасига таҳдид нафақат унинг маънавий таназзулига, балки аста-секинлик билан жамият ва давлатнинг ҳам инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Инсоният тарихида бу ўзаро алоқадорлик кўплаб бор ўз исботини топган. Шу боис шахс маънавий хавфсизлиги масалалари мутафаккирларнинг жиддий эътиборига сабаб бўлган²⁰.

¹⁹ Қаранг: Безопасность личности. Охрана труда (Информационный ресурс) // http://ohrana-bgd.ru/bgdobsh/bgdobsh1_25.html

²⁰ Қаранг: Платон. Диалоги. – Харьков: “Фолио”, 1999. – С. 157; Аристотель. Политика // Соч. в четырёх томах. Т. 4.– М.: Мысль, 1984. – С. 588; Беседы и суждения Конфуция. – СПб.: Издательство «Кристалл», 1999. – С.1120; Макиавелли Н. Государь // Избр. соч. – М.: Мысль, 1982. – С.375; Гоббс Т. Сочинения. Том 2. – М.: Мысль, 1991. – С.63; Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты. – М.: Канон-пресс – 2000. – С.59; Достоевский Ф. М. Полн. собр. соч. Т. 28. Ч. 1. – С.63; Бердяев Н. Судьба России. Опыты по

Барча замонларда ҳам шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган омиллар бўлади. Давр хусусиятларига монанд равишда уларнинг айримлари долзарб характер касб этади, бошқалари эса вақтинча хавотир уйғотмайди. Мазкур омиллар турли-туманлиги билан характерланса-да, уларни маълум тарзда таснифлашнинг иложи бор. Бизнинг фикримизча, шахс хавфсизлигига таҳдид солаётган омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган ижтимоий омиллар; мазкур омиллар шахс ҳаёти ва фаолиятини издан чиқаришга, унинг одатий турмушини бузишга, ўз интеллектуал салоҳияти ва қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятларидан маҳрум қилишга, шаъни ва дахлсизлигини таъминлашдан мосуво қилишга, оиласига таҳдид солишга ва шу кабиларга дахлдор бўлиши мумкин;

б) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган иқтисодий омиллар; мазкур омиллар шахснинг иш жойига эга бўлиш ва меҳнат қилишга бўлган интилишларини чеклаш, меҳнат турини мустақил танлашига халал бериш, моддий эҳтиёж ва манфаатларини қондириш манбаларидан маҳрум этиш, унинг мол-мулкига дахл қилиш, молиявий имкониятларини чеклаш ва шу кабилардан иборат бўлади;

в) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган сиёсий омиллар; шахс конституцион ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши, лавозимларга эга бўлиш имкониятларидан маҳрум қилиниши, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг поймол этилиши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир ишончли ахборотларга эга бўлиш имкониятларининг камайтирилиши, ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатиш шаклларининг чекланиши ва шу кабилар ана шундай омиллар туркумига киради.

г) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган маънавий омиллар; бу омиллар шахс фазилатлари ва хислатлари, эътиқоди, ҳаётий позицияси, амал

қиладиган принципларининг шаклланиши жараёнига қарши қаратилган бўлиши мумкин.

Биз шахс хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларнинг асосий тоифаларини аниқлаш билан чекландик. Бу тоифалардаги таҳдидларнинг барча кўринишларини ифодалаб беришга уринмадик. Бироқ таҳдидларнинг келтирилган шаклдаги таснифи ҳам ҳар қандай жамиятда шахс хавфсизлигига раҳна соладиган омиллар тизими ниҳоятда мураккаб характерга эгаллигини англаб олишга етарли бўлади, деб ўйлаймиз.

Шахс хавфсизлиги қатор объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсири остида таъминлана боради. Бунда объектив шарт-шароит вазифасини, энг аввало, шахснинг турмуш даражаси ўтайди. Маълумки, турмуш даражаси кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши меъёрини англатади. Мазкур эҳтиёжларнинг тўлақонли қондирилиши шахснинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий шаклланишига салмоқли таъсир ўтказади. Бинобарин, шахс турмуш даражаси баланд бўлса, у ўзининг жисмоний ва маънавий хавфсизлигини таъминлай олади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, турмуш даражаси шахс жисмоний ва маънавий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган потенциал имконият, холос. Шахс эса ушбу имкониятлардан ўз хавфсизлигини таъминлаш йўлида фойдаланиши ҳам, бу имкониятларни бесамар соғуриши ҳам мумкин. Иккинчи ҳолатда, юқори турмуш даражаси том маънода хавфсизлик омили вазифасини ўтай олмаслиги ҳам мумкин.

Шахс хавфсизлигини таъминловчи субъектив омил эса бир мақсадга қаратилган маънавий тарбия билан боғлиқ. Маънавий тарбия шахс маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган жараён эканлиги бизга маълум. Ушбу жараён, фикримизча тўрт асосий йўналишни қамраб олади: а) шахс фазилатлари, хислатлари ва хосиятларини шакллантириш; б) шахс дунёқараши ва эътиқодини қарор топтириш; в) шахс фаол ҳаётий позициясини юзага келтириш; г) шахс амал қиладиган принципларни мустаҳкамлаш. Мазкур йўналишларда амалга оширилган мақсадга мувофиқ

маънавий тарбия шахс маънавий қиёфасини турли иллатларнинг илдиз отишидан суғурта қилади, ғайриинсоний эътиқод ва мафкуралар таъсирига тушиб қолишдан асрайди, пессимистик ва регрессив ҳаётий позициянинг қарор топишидан ҳимоя қилади, принципсизликнинг шаклланишидан муҳофаза этади. Худди шунинг учун ҳам маънавий тарбияни шахс хавфсизлигини таъминловчи қудратли омил сифатида эътироф этамиз.

2. *Давлат хавфсизлиги* – миллий хавфсизлик таркибидан жой олган иккинчи тизим ости таркибидир. У давлатнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатини англатади. Давлат хавфсизлигининг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш учун уни жамият хавфсизлигидан тафовутлай билиш керак. Айрим ҳолларда “давлат хавфсизлиги” ва “жамият хавфсизлиги” тушунчалари синоним сифатида талқин қилинади. Аслида бундай эмас. Гап жамият соҳаларининг (иқтисодий, ижтимоий ёхуд маънавий) турли таҳдидлардан ҳимояланганлиги ҳолати, даражаси ҳақида эмас, муҳим сиёсий институт бўлмиш давлатнинг, унинг органларининг тўла-тўқис фаолият кўрсатиши учун мавжуд шарт-шароит ҳақида бораётир. “Давлат хавфсизлиги, - деб ёзади Д.Ирошников, - ҳокимиятнинг ягона институти бўлган, қонунчилик, ижроия ва суд компонентларини ўзида мужассам қилган, тегишли маъмурий ва куч ишлатувчи таркибларга таянадиган бошқарув аппаратининг тўлақонли, узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳолатдир”²¹. Шунингдек, давлат хавфсизлигини муайян институционал тизимга қиёслаш ҳам унчалик тўғри эмас. Давлат хавфсизлиги ушбу институционал тизим воситасида юзага келтирилган ҳолатдир.

Миллий хавфсизлик триадасининг ушбу объекти ҳам кўпгина мамлакатларда ижод қилган мутахассислар томонидан турли ракурслардан атрофлича ўрганилган. Шу боисдан мавзунинг мазкур аспектига бағишланган илмий ишлар талайгина. Улар туркумига мамлакатимизда ва

²¹ Ирошников Д. Принципы правовой политики России в сфере государственной безопасности // Право и государство: теория и практика. – Москва. 2010, - №7. – С.143.

хорижда нашр қилинган ўнлаб монография, диссертация ва мақолаларни киритишимиз мумкин²². Мазкур нашрларда давлат хавфсизлигининг ўзига хос хусусиятлари, унга таҳдид солувчи омиллар, уни таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан кўплаб эътиборли хулосалар қилинган.

Давлат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар хусусида илмий позициядан мулоҳаза юритиш учун, энг аввало, унинг таркибини тўғри ва муфассал тасаввур қила билмоқ лозим. Мавзу устида илмий изланишлар олиб борган мутахассисларнинг мулоҳазалари, энциклопедик маълумотлар асосида фикрлайдиган бўлсак, давлат хавфсизлиги қуйидагилардан таркиб топади:

1) конституциявий тузумнинг ҳимояланганлиги; мамлакат Конституцияси асосида белгиланган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлар тизимининг барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга иштироки, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг мустақиллиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги – буларнинг барчаси конституцион тузумни ҳимоя қилиш орқали таъминланади. Шу боисдан давлат хавфсизлигини таъминлашда мазкур таркибий элементни эътибордан четда қолдириб бўлмайди;

2) давлат суверенитетининг муҳофазаланганлиги; суверенитет давлат ҳокимиятининг ниҳоятда муҳим сиёсий атрибутларидан бири ҳисобланади. У давлатнинг мамлакат ичкарасидаги нуфузи, ташқи сиёсат борасидаги мустақиллиги билан боғлиқ. Ваҳоланки, давлатнинг нуфузига путур етса, у жамият барқарорлиги ва тараққиёти манбаи бўла олмайди. Ташқи сиёсат юритишда мустақилликнинг етишмаслиги эса миллий манфаатларни ҳимоя

²² Қаранг: Аверченков В., Ерохин В., Голембиовская О. История развития системы государственной безопасности России. – М.: Изд. Флинта, 2016; Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: Академия, 2007; Каримов Ф. Давлат ва жамият хавфсизлиги ва унга таъсир этувчи асосий омиллар // Шарқ машъали. – Тошкент, 2017. - №2; Каримов Ф. Хавфсизлик масалаларини ўрганиш борасида айрим концептуал қарашлар // Шарқшунослик, 2016. - №1; Мамадалиев Ш., Тожибоев М. Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий асослари // ЎзР ИИБ Академияси ахборотномаси, 2011, - №2.

қилишга халал беради. Бинобарин, суверенитет давлат хавфсизлигининг муҳим элементларидан биридир;

3) ҳудудий яхлитликнинг таъминланганлиги; XX асрга келиб, давлат ҳудудининг турли таҳдидлардан дахлсизлиги халқаро ҳуқуқнинг фундаментал принципларидан бирига айланди. Мазкур принцип БМТ Низомининг 2-моддасида, кейинчалик Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларацияда қатъий қайд этилди. Шунга қарамасдан, янги аср реалиялари давлат ҳудудига қаратилган таҳдидларни кескинлаштирмоқда. Вужудга келган вазиятда ҳудудий яхлитликни таъминлаш давлат хавфсизлигининг муҳим элементи сифатида сақланиб қолмоқда;

4) мамлакатнинг муҳофаа қобилияти; давлатнинг ўз фуқаролари ва ҳудудини муҳофаза қилишга тайёрлиги даражаси давлат хавфсизлигининг яна бир элементи. Одатда муҳофаа қобилияти деганда давлатнинг ҳарбий ва ҳарбий-иқтисодий имкониятларини назарда тутадилар. Аслида ушбу тушунча бир қадар кенгроқ ҳажмга эга бўлиб, давлат ва халқнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-руҳий имкониятларини ҳам ўз ичига олади.

Ижтимоий фалсафада давлат хавфсизлигининг юқорида келтирилган таркибий элементларини заифлаштиришга хизмат қиладиган ҳар қандай омил давлат хавфсизлигига таҳдид деб баҳоланади. “Совуқ уруш” барҳам топганидан кейин, - деб ёзган эди И.Каримов, - ялпи хавфсизликка асосий таҳдидни этник, минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизм солмоқда. Айниқса, бундай қарама-қаршилиқлар айрим мамлакатлар қўлида уларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ёки стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айланмоқда”²³.

Бундан ташқари, минтақанинг геостратегик мавқеи, қўшни мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам давлат хавфсизлигига

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 37.

тахдид вазифасини ўташи мумкин. Масалан, “Ўзбекистон амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарам ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим халқанинг стратегик марказидир. Яъни, бу ярим халқа атрофида бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари мавжуд”²⁴. Ушбу минтақадан турли геосиёсий кучларнинг ўз манфаатларини излаши эса давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

Шунингдек, мамлакат ичкарасида турли ижтимоий иллатларнинг (масалан, маҳаллийчилик, коррупция, таниш-билишчилик, миллатчилик ва ҳоказо) авж олиб кетиши, салбий жараёнларнинг тенденция даражасига кўтарилиши ҳам давлат хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланиши мумкин.

Давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган омилларни бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайтириш учун ушбу мақсадга хизмат қиладиган механизмни вужудга келтириш ва уни муттасил такомиллаштириб бориш тақозо қилинади. Мазкур механизм қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, мафкуравий жараёнларни таҳлил қилиб берадиган хизматлар; бундай хизматлар туркумига аналитик марказлар, таҳлилий материаллар тайёрлаш билан шуғулланувчи агентликлар, илмий-тадқиқот институтлари ва шу кабилар кириши мумкин;

б) мавжуд таҳдидларни бартараф этувчи чора-тадбирлар мажмуини амалга оширувчи хизматлар; одатда бу тадбирлар махсус хизматлар, армия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан рўёбга чиқарилади.

в) махсус хизматлар ўртасидаги халқаро алоқалар; давлат хавфсизлигининг таъминланиши турли давлатларнинг махсус хизматлари ўртасидаги халқаро алоқалар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Глобаллашув шароитида давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган кўплаб омилларни махсус

²⁴ Ўша ерда. – Б.37-38.

хизматлараро муносабатларни йўлга қўймасдан туриб бартараф этиб бўлмайди. Бундай омиллар туркумига, масалан, жиноий йўллар билан топилган маблағни “ювиш” механизми, терроризмга молиявий ҳомийлик қилиш, уюшган жиноятчилик, кибержиноятчилик ва шу кабилар киради;

г) давлат хавфсизлигини таъминлаш дастури; жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида мазкур дастурларни қабул қилиш орқали давлат хавфсизлигига хизмат қиладиган стратегик ресурслар бир мақсад атрофида мужассам қилинади. Шунингдек, мазкур дастур давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган инфраструктурани шакллантириш ва ривожлантириш чораларини, зарурий ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини яратиш тадбирларини, молиявий ресурсларнинг манбаларини қамраб олади.

Биз давлат хавфсизлигини таъминлаш механизмининг энг асосий элементларини тилга олдик, холос. Табиийки, у бошқа қатор элементларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

3. *Жамият хавфсизлиги* – жамият ҳаётий фаолиятининг мақбул ҳолати, шарт-шароити ва характерини ифодаловчи тушунча; бундай мақбул ҳолат ва шарт-шароит фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар учун ўз иродасига монанд равишда фаолият кўрсатиш имконияти яратилганида юзага келади. Турли мамлакатларда аҳолининг ижтимоий хавфсизлик тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократик тараққиёт ва унинг аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, ижтимоий турмуш даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қилади²⁵.

Жамият хавфсизлиги кенг маънода кишиларнинг ижтимоий ва моддий муҳофазасини таъминлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуини англатади. Тор маънода эса жамият хавфсизлиги деганда жамият аъзоларининг ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, тинч ва хотиржам турмуши учун яратилган шарт-шароитлар, ёрдамга муҳтож

²⁵ Қаранг: Расулов М. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ijtimoiy-himoya-uz/>.

фуқароларга ғамхўрлик қилиш механизмининг шаклланганлиги ва шу кабилар назарда тутилади. Унинг асосий мақсади жамият аъзоларининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш, турли аҳоли қатламларининг меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳалардаги имкониятлардан тенг фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ.

Жамият хавфсизлиги миллий хавфсизлик триадасининг ўзига хос объекти сифатида мамлакатимиз ва хорижда мутахассислар томонидан анча кенг тадқиқ қилинган. Жумладан, хорижий илмий манбаларда жамият хавфсизлиги мазмуни ва таркибини очиб беришга, уни таъминлаш шарт-шароитларини аниқлашга, турли вазиятларда унга нисбатан юзага келадиган таҳдидлар моҳиятини ифодалаб беришга ҳаракат қилинса²⁶, мамлакатимизда тайёрланган илмий ишларда кўпроқ жамият хавфсизлигининг турли аспектлари моҳиятини ёритишга, давлат ва ижтимоий институтларнинг ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги ролини таҳлил қилишга, уларнинг фаолияти самарасини ошириш йўллари белгилашга эътибор қаратилади²⁷.

Миллий хавфсизлик триадасининг бошқа объеклари каби жамият хавфсизлиги ҳам ўз таркибига эга. У жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларини қамраб олади. Жамият хавфсизлиги қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1) иқтисодий хавфсизлик барқарор иқтисодий тараққиёт суръатлари таъминланган, моддий эҳтиёжлар оптимал даражада қондирилган, иқтисодий манфаатларнинг миллий ва халқаро даражада ҳимояланганлиги ҳолатини

²⁶ Қаранг: Воронов А. Общественная безопасность: административные, информационно-правовые проблемы обеспечения: автореф. дисс. ... докт. юрид. н. – М., 2006; Туманов Г., Фризко В. Общественная безопасность и ее обеспечение в экстремальных условиях // Советское государство и право, 1989, – №5; Поздышов А. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности: теоретико-методологические проблемы: Автореф. дисс. докт. юрид. н. – М., 2003; Шумов В. Государственная и общественная безопасность. Моделирование и прогнозирование. – М.: URSS, 2016.

²⁷ Қаранг: Абдулқосимов Х. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.: Академия, 2006; Бабакалонов З., Бахрамов Х. Фуқаролик жамияти институтларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки // ЎЗР ИИВ Академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2012. - №1; Каримов Б. Гармонизация взаимоотношений государства, общества и человека как основа справедливого общества // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2011. - №1; Расулов А. Хуфёна иқтисодиёт ва иқтисодий хавфсизлик. – Т.: Академия, 2006; Раҳманкулов М. Обеспечение верховенства Конституции, надежная защита прав и свобод человека – важнейший приоритет государственной политики // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2017. - №2.

англатади. Мутахассислар иқтисодий хавфсизликнинг соҳалари ҳақида гапирганда “энергетик хавфсизлик”, “саноат хавфсизлиги”, “озик-овқат хавфсизлиги”, “техноген хавфсизлик” ва шу каби кўплаб тушунчаларни қўллайдилар;

2) ижтимоий хавфсизлик жамият аъзоларининг тинч ва хотиржам турмуши учун яратилган шарт-шароитлар, ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлиги, жамиятда ижтимоий адолат норма ва принципларига амал қилиниши ҳолатини ифодалайди. Бу ўринда ижтимоий хавфсизликнинг ўзига хос соҳалари сифатида “экологик хавфсизлик”, “демографик хавфсизлик”, “ҳаётий хавфсизлик”, “оила хавфсизлиги”, “ахборот хавфсизлиги” ва ҳоказолар ҳақида гапириш мумкин;

3) мафкуравий хавфсизлик миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳимояланганлиги, жамият аъзоларида миллий ғояга садоқат руҳининг қарор топганлиги, турли ғайриинсоний ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлиги, маънавий-маърифий тарғибот ва мафкуравий профилактика тизимининг самарадорлиги даражасини ифодаловчи тушунчадир.

Жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар талайгина. Табиийки, бу таҳдидлар замон руҳиятига монанд равишда ўзгариб боради. Лекин ҳарқалай, характериға қараб уларни таснифлаш имкони бор. Бизнинг фикримизча, жамият хавфсизлигига қарши қаратилган таҳдидларни қуйидаги йўналишларға бўлиш мумкин:

а) иқтисодий таҳдидлар – мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиётига хавф солаётган, кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришға ҳалал бераётган жараёнлар ва ҳодисалар; иқтисодиёт учун таҳдид солувчи омиллар фақат иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Масалан, валюта курсининг ўзгариши, иқтисодий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, техник ва технологик қолоқлик, энергия танқислиги ва энергетик қарамлик, гиперинфляция ва шу кабилар иқтисодиёт билан боғлиқ омиллардир. Бироқ бирор бир касаллик эпидемияси, табиий офат ва шу

кабилар ҳам, гарчи иқтисодий соҳадан йироқ омиллар бўлса-да, иқтисодий таҳдид даражасига кўтарилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодий таҳдидларни юзага келтирувчи манбасига қараб ички (айтайлик, мамлакат ичкарисида содир бўлган иқтисодий, ижтимоий ёхуд сиёсий воқеалар) ва ташқи таҳдидларга (жумладан, бирор муҳолиф давлат ёки ташқи сиёсий кучлар томонидан уюштирилган жараёнлар) таснифлаш мумкин;

б) ижтимоий таҳдидлар – жамият аъзоларининг одатий турмуш тарзини издан чиқаришга, фуқаролараро тотувлик ва ҳамжиҳатликка путур етказишга, адолатсизлик ва бошбошдоқликни келтириб чиқаришга хизмат қилувчи омиллар; бундай омиллар объектив (масалан, мураккаб демографик вазият, экологик инқироз) ва субъектив (масалан, ижтимоий тенгсизлик), ички (масалан, фуқаролараро келишмовчилик) ва ташқи (масалан, ижтимоий вазиятни издан чиқарувчи технологияларнинг қўлланилиши) характерга эга бўлиши мумкин;

в) мафкуравий таҳдидлар – бирор давлат, ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ғояси ва мафкурасини кўрқитув ва зўравонлик йўли билан тикиштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар; шунингдек, мафкуравий таҳдид деганда “жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси тушунилади”²⁸.

Жамиятни юқорида келтирилган турли таҳдидлардан ҳимоялашнинг умумэтироф этилган йўллари йўқ, албатта. Бироқ мавзуга бағишланган манбаларда шу мақсадга хизмат қиладиган кўплаб омиллар тилга олинади. Улар туркумига қуйидагилар киради:

1. Иқтисодиётни либераллаштириш; бозор механизмларига давлат ҳокимияти аралашувини камайтириш, бир томондан, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлашувига, иккинчи томондан эса, иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишига хизмат қилади.

²⁸ Фалсафа. Қомусий луғат // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: “Ўзб. файл. миллий жам. нашр”, 2004. – Б.250.

2. Мулкчилик шаклларининг тенглигини таъминлаш; мулкчилик шакллари тенглиги таъминланган жамиятдагина барча субъектлар эркин иқтисодий муносабатлар иштирокчисига айланадилар, бу эса жамият иқтисодий тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлашга замин яратади.

3. Аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали механизмларини жорий қилиш; жамиятдаги ишсизлик миқдорининг максимал даражада камайтирилиши мамлакат иқтисодиётига таҳдид соладиган омилларни камайтиради.

4. Ижтимоий адолат норма ва принципларига амал қилинишини мустаҳкамлаш; ушбу чора орқали жамият ижтимоий хавфсизлигига таҳдид соладиган кўплаб омилларни (масалан, камбағаллик, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, “ижтимоий лифтнинг” ишламаслиги ва ҳоказо) бартараф этиш мумкин.

5. Ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш; турли ижтимоий гуруҳлар орасидаги шерикчиликнинг тенденциявий характер касб этиши ҳам жамият ижтимоий хавфсизлигини таъминлайди.

6. Миллатлараро тотувликни таъминлаш; кўпмиллатли мамлакат шароитида жамиятдаги барқарорлик, фаровонлик ва хотиржамликнинг муҳим омили турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги соғлом, ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган муносабатнинг шаклланганлиги билан боғлиқ.

7. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш; ҳар қандай жамиятда ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш механизми муҳим аҳамиятга эга. Ушбу механизмнинг ижтимоий талабларга уйғун равишда замонавийлаштириб борилиши ижтимоий норозиликларнинг олдини олади, адолат принципларининг қарор топишига пойдевор яратади.

8. Миллий ғояни тарғиб қилиш тизимини модернизация қилиш; миллат орзулари, стратегик мақсадларининг тизимли равишда ва замонавий тарғибот технологиялари асосида тарғиб этилиши жамият аъзолари орасидаги

хамжихатлик ва ҳамфикрликни кучайтиради, миллий тарқоқликнинг олдини олади.

9. Мафкуравий профилактика тизимини қарор топтириш; жамиятни мафкуравий таҳдидлардан муҳофаза қилиш учун ғайриинсоний ғоялар тарқалишининг олдини олишга хизмат қиладиган аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

Мазкур омиллар бошқа самарали таклифлар билан тўлдирилиши мумкин, албатта. Бироқ тилга олинган омилларнинг ўзи ҳам жамият хавфсизлигига таҳдид соладиган омиллар қанчалик кўп ва салмоқли бўлса, уларни бартараф этишга хизмат қиладиган омиллар миқдори ҳам шунчалик кўплигини англаб олишга етарли бўлса керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, миллий хавфсизлик шахс, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги даражаси, бу таҳдидларга бардошлилиги меъёри, уларга қарши турувчи ижтимоий механизмнинг мавжудлигини ифодаловчи тушунчадир. Унинг таркиби шахс хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги каби тизим ости таркибларини ўз ичига олади, мазкур тизим ости таркиблари эса, ўз навбатида кўплаб элементлардан таркиб топади. Миллий хавфсизлик триадаси объектларининг ҳар бирига қарши қаратилган таҳдидлар, ушбу таҳдидларнинг таъсирини камайтиришга хизмат қиладиган омиллар мавжуд.

§2. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концепцияларининг асосий йўналишлари

Жадаллик билан янгиланиб бораётган дунё турли халқлар ва давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган омиллар сонини кўпайтирмоқда. Бу омиллар гоҳ ижтимоий-иқтисодий, гоҳ сиёсий, гоҳ эса маънавий-маданий жараёнларга бориб тақалмоқда. Таҳдид омиллари бир ҳолатда шахс хавфсизлигига, бошқа бир вазиятда давлат хавфсизлигига, учинчи бир жиҳатда жамият хавфсизлигига раҳна солмоқда. Бу миллий хавфсизликни таъминлаш масалаларига тизимли ёндашувни тақозо

қилмоқда. Шунингдек, шахс, давлат, жамиятни нафақат юзага келган таҳдидлардан ҳимоялашга, балки унинг стратегик хавфсизлигини таъминлашга, келгусида юзага келажак таҳдидларнинг олдини олишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан жаҳоннинг барча минтақаларида давлатлар томонидан миллий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган концепциялар ишлаб чиқилмоқда ва қабул қилинмоқда. Тўғри, мазкур стратегик ҳужжатлар турли мамлакатларда турлича номланади, бироқ уларнинг ҳаммасида давлатнинг миллий хавфсизлик масалаларига муносабати, концептуал ёндашуви ўз ифодасини топган. Бу концепциялар таҳлили бугунги кундаги миллий хавфсизликни таъминлаш тенденцияларини илғаб олиш имконини беради.

Миллий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган стратегик ҳужжатлар орасида “АҚШ миллий хавфсизлик Стратегияси” алоҳида ўрин тутди. Бу бежиз эмас. Мамлакат жаҳон иқтисодиётида етакчи ўринда туради, унинг халқаро сиёсий жараёнларга таъсири беқиёс, замонавий ижтимоий ва маънавий-маданий жараёнларда ҳам АҚШ таъсири йиллар сайин кучайиб бормоқда. Бунинг устига, АҚШ хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стратегик ҳужжат мамлакат Президенти, давлат раҳбарининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, Миллий хавфсизлик кенгаши ходимлари иштирокида Брукинг Институти, Карнеги Маркази, Халқаро муносабатлар Кенгашида фаолият кўрсатаётган жаҳоннинг энг нуфузли сиёсий технологлари, аналитиклари, файласуфлари, иқтисодчилари, махсус хизмат ходимлари, ҳарбий соҳа билимдонлари ва шу қабилар томонидан тайёрланади. Улар жаҳон иқтисодиёти, халқаро сиёсий муносабатлар, ижтимоий ва маданий соҳаларга доир тенденцияларни таҳлил қилиб, яқин келажакда АҚШ хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган жараён ва омилларни аниқлаб, ифодалаб берадилар. Мазкур тенденциялар ўзгаргани заҳоти Стратегия мазмуни ҳам янгиланади. Шу боисдан яқин ўтмишда бу стратегик ҳужжат 1993, 1994, 1995, 1996 йилларда, кейинчалик эса 2002, 2006 ва 2010 йилларда янгиланган.

2015 йилнинг февраль ойида АҚШнинг юқорида зикр этилган институтлар томонидан ишлаб чиқилган янги миллий хавфсизлик Стратегияси эълон қилинди. Ушбу ҳужжат ҳам аввалгилари каби АҚШнинг умумсайёравий етакчилигини сақлаш, дунё бўйлаб америкача демократия ва турмуш тарзини тарқатиш мақсадларига бўйсундирилган, айрим ўринларда баландпарвоз риторика ва ноаниқ муддаолар билан йўғрилган бўлса-да, унда янги геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятга баҳо берилган, ушбу вазиятда мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган омиллар умумлаштирилган, уларни бартараф этиш билан боғлиқ стратегик тадбирлар аниқланган, мазкур тадбирларни рўёбга чиқарадиган ташкилий ва таркибий тузилмалар баён этилган.

Ҳужжатда баён этилишича, АҚШнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги асосий мақсади мамлакатнинг умумсайёравий миқёсдаги етакчилигини таъминлашдан иборат. Бу қуйидагиларни тақозо этади:

- АҚШ, унинг фуқаролари, иттифоқчилари ва шерикларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- очик халқаро иқтисодий тизим доирасида фаолият кўрсатадиган, давлат тараққиётига хизмат қиладиган, мустақкам, инновацион ва ўсиб бораётган миллий иқтисодиётга эга бўлиш;
- мамлакат ичида, хорижда умуминсоний кадриятларни эътироф этиш;
- қонун устуворлигига асосланган ва АҚШнинг етакчилик роли билан таъминланадиган халқаро тартибни қўллаб-қувватлаш;
- умумсайёравий таҳдидларга самарали халқаро ҳамкорлик ёрдамида қарши туриш имкониятларини кенгайтириш²⁹.

Стратегияда мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий омиллар аниқлаб берилган. Бу омиллар туркумига қуйидагилар киритилади:

²⁹ Қаранг: Марин А. Стратегия национальной безопасности США // Зарубежное военное обозрение, 2015, – №6. – С.5.

- АҚШ худуди ва инфраструктураларига фожеали оқибатларни олиб келувчи хужум;
- АҚШнинг хориждаги фуқаролари ва иттифоқчиларига нисбатан куч ишлатилиши ёки куч ишлатишга таҳдид;
- умумсайёравий иқтисодий инқироз ёки кенг қўламли иқтисодий рецессия хавфи;
- оммавий қирғин қуролларининг тарқатилиши ёки қўлланилиши;
- юқумли касалликларнинг умумсайёравий эпидемияси;
- иқлимнинг ўзгариши;
- энергетик бозорлардаги йирик зиддиятлар;
- заиф ва “шакланмаган” давлатлар билан боғлиқ негатив оқибатлар (шу жумладан, оммавий қотилликлар, ихтилофларнинг бошқа давлатлар худудига кўчиб ўтиши, трансмиллий жиноий гуруҳлар, терроризм ва хоказо)³⁰.

Ҳужжатда АҚШ хавфсизлигига таҳдид солаётган омилларни аниқлаш ва констатация қилиш билан чекланилмаган, албатта. Унда мазкур таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қиладиган стратегик вазифалар, уларни бажариш имконини берадиган ресурслар ҳам аниқлаб берилган. Масалан, Стратегияда қайд қилинишича, бугунги кунда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун икки вазифага эътиборни қаратиш зарур. Биринчидан, қайд қилинишича, миллий хавфсизликни таъминлаш учун мамлакатни янгилаш чораларини амалга оширмақ даркор. Бу вазифани мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, уни технологик жиҳатдан тараққий топтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётига янгича тус бериш орқали рўёбга чиқариш режалаштирилган. Иккинчидан, миллий хавфсизлик АҚШнинг умумжаҳон миқёсидаги етакчилигини таъминлашни тақозо қилмоқда, деб таъкидланади. Бу вазифани эса ўзга мамлакатларга намуна этиб кўрсатиш, кучли шериклар билан ҳамкорлик қилиш, Америка

³⁰ Қаранг: National Security Strategy.– Washington D.C.: The White House, February 2015 // https://obamawhitehouse.archives.gov/sites/default/files/docs/2015_national_security_strategy_2.pdf

кудратидан фойдаланиш, жаҳондаги асосий жараёнларга таъсир кўрсатиш орқали кучлар нисбатини ўзгартириш йўли билан бажариш режалаштирилган.

“АҚШ миллий хавфсизлик Стратегияси” бугунги кунда АҚШ ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг, ҳукмрон доиралар ижтимоий фаолиятининг асл мақсадлари ва мазмунини англаб олиш, уларнинг келгусидаги саъй-ҳаракатларининг асосий йўналишларини башорат қилиш имконини беради. Шунингдек, мазкур ҳужжат янги асрда жамият, давлат ва шахс хавфсизлигига таҳдид солаётган ва солиши мумкин бўлган замонавий тенденциялар, омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўллари излашда ўзига хос назарий-методологик асос вазифасини ҳам ўтайди.

Европа Иттифоқида ҳам миллий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан буён минтақанинг барча мамлакатларида Европадаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Кўхна қитъа яхлитлигини асраш, бунга таҳдид солиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий омилларни аниқлаш, уларнинг минтақа хавфсизлигига таҳдиди меъёрини белгилаш, бу омилларга қарши турувчи механизмни шакллантириш масаласи диққат марказида туради. Бу туркумдаги масалалар муҳокамаси Европа мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ янгича қарашларни дунёга келтирди. Ушбу қарашлар 2016 йилнинг 14 ноябрда қабул қилинган ва “Мудофаа Шенгени” номини олган стратегик ҳужжатда ўз ифодасини топди. Ҳужжат уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида Европа Иттифоқининг ташқи ихтилоф ва инқирозларга муносабат билдириш ва таъсир кўрсатиш имкониятларига баҳо берилади. Иккинчи қисмда шарқ ва жанубдаги ҳимояга муҳтож Иттифоқ аъзоларининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш йўллари

баён этилади. Учинчи қисм Европа Иттифоқи ва унинг фуқароларини ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилиш масалаларини ўз ичига олган³¹.

Ҳужжат қабул қилинганидан сўнг минтақадаги мамлакатларнинг қарийб барчаси миллий хавфсизлик билан боғлиқ стратегияларини қайта кўриб чиқа бошладилар. Масалан, Италияда 2014-2015 йилларда “Халқаро хавфсизлик ва мудофаа бўйича Оқ китоб” ишлаб чиқилган эди. У 2016 йилда юқоридаги ҳужжатда илгари сурилган концептуал ғоялар асосида янада такомиллаштирилди ва декабрь ойида қайта қабул қилинди³². Испанияда 2011 йилга қадар миллий хавфсизликни таъминлаш бобида бирор бир ҳужжат мавжуд эмас эди. 2013 йилдагина молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида шундай стратегияни тайёрлашга қўл урилганди. 2017 йилда “Шенген мудофааси” асосида Испаниянинг янги Миллий хавфсизлик стратегияси ишлаб чиқилди³³. Тез орада Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари ҳам миллий хавфсизликни таъминлаш концепцияларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштиришга киришдилар. Шу тариқа Европада хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ яхлит позиция шаклланди.

Европа мамлакатларида қабул қилинган концепцияларга асосланганидан бўлсак, минтақадаги барча мамлакатларнинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги асосий мақсади Кўхна қитъа яхлитлигини асраш, евроинтеграцияни давом эттириш орқали мамлакатнинг барқарор тараққиётига эришишдан иборат. Мамлакатларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш моделлари ҳам бир-бирига ўхшайди. Масалан, Италиянинг “Халқаро хавфсизлик ва мудофаа бўйича Оқ китоби”да ушбу моделнинг уч асосий таркибий қисми қайд қилинади: Европа мамлакатлари

³¹ Голуб Ю., Алексеев Д. Европейская безопасность в новых условиях взаимодействия России и Запада // Современная Европа, 2017, – №2. – С.61.

³² Первалова А.А. “Белая книга международной безопасности и обороны перспективы Италии в североатлантическом альянсе // Известия Уральского федерального университета. Сер. 3, Общественные науки, 2017, – №1. – С.132.

³³ Кутырев Г.И. Стратегия национальной безопасности и военное строительство Испании: в условиях новых вызовов // Проблемы европейской безопасности, 2018, – №1. – С.93

интеграциясини давом эттириш, трансатлантик ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, миллий ва минтақавий манфаатларни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган халқаро сиёсат олиб бориш. Бошқа мамлакатларнинг тегишли ҳужжатларида ҳам шундай элементларни кузатишимиз мумкин.

Янги асрда Европа қитъаси қатор ички ва ташқи таҳдидларга дуч келди. 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, жаҳон майдонида янги геополитик марказларнинг юзага келиши, Яқин Шарқдаги гуманитар инқироз оқибати ўлароқ Европага миграцион оқимнинг кучайиши, қитъанинг доимий иттифоқчиси бўлган АҚШ билан муносабатларнинг кескинлашиши, шунга ўхшаган бошқа жараёнлар минтақадаги мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётини секинлаштирди, ундаги ижтимоий барқарорликка таҳдид сола бошлади. Шу боисдан ҳам Европа мамлакатлари миллий хавфсизлик концепцияларида барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солаётган омилларни аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Масалан, Испания Миллий хавфсизлик стратегиясида муҳолифнинг “оғриқли” нуқталарига таъсир кўрсатишга йўналтирилган ҳар қандай услуб ёки саъй-ҳаракат таҳдид сифатида баҳоланади. Бу нуқталар, қайд қилинишича, тарихий хотира, қонунчилик меъёрлари, амалиёт, геостратегик омиллар, жамиятнинг табақаланиши, мафкуравий тафовутлар, технологик камчиликлар билан шартланган бўлиши мумкин³⁴.

Юзага келган ва келаётган таҳдидларнинг олдини олиш учун концепцияларда қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият берилади:

- мамлакат мудофаа қобилиятини юксалтириш;
- хавфсизликка таҳдид солаётган барча омилларга, айниқса трансмиллий таҳдидларга (норасмий миграция, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва ҳоказоларга) қарши туриш;
- хорижий контрагентлар ихтиёридаги энергия манбалари ва табиий ресурслар етказилишининг узлуксизлигини таъминлаш;

³⁴ Кутырев Г.И. Стратегия национальной безопасности и военное строительство Испании: в условиях новых вызовов // Проблемы европейской безопасности, 2018, – №1. – С.94

- мамлакат ҳаётий фаолиятининг асоси бўлган давлат инфраструктурасини ҳимоя қилиш;

- қуролсизлантириш, қурол-яроқ устидан назорат ўрнатиш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш масалалари билан шуғулланиш;

- мамлакат фуқароларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш³⁵.

Хуллас, Европа мамлакатларининг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифалари ўзаро уйғунлиги, бир-бирига ҳамоҳанглиги билан характерланади. Амалда ҳам ушбу мақсад ва вазифалар ўзаро ҳамкорликда, минтақа мамлакатларининг умумий эҳтиёж ва манфаатларини инобатга олган ҳолда рўёбга чиқарилмоқда. Сирасини айтганда, Европа мамлакатларининг ижтимоий ва иқтисодий сиёсати, халқаро майдондаги саъй-ҳаракатлари минтақанинг ялпи хавфсизлигини таъминлаш, унга таҳдид солаётган омилларни нейтраллаштиришга йўналтирилган. Афтидан, келгусида ҳам Европа мамлакатларида шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш масалалари устувор аҳамият касб этганича қолаверади.

Осиё мамлакатларининг миллий хавфсизлик масалаларига ёндашуви бирмунча фарқ қилади. Узоқ давом этган мустамлакачилик асорати, иқтисодий қолоқлик, ижтимоий тараққиёт суръатларининг сустлиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги миллий мустақилликни асраш, иқтисодий таҳдидларга қарши туриш, миллий ҳамжиҳатликка раҳна солувчи омилларнинг олдини олиш, фуқаролар маънавий қиёфасини ҳимоя қилиш масалаларига айрича аҳамият бахш этди. Тўғри, Осиёнинг барча мамлакатларида ҳам мазкур масалалар ва уларнинг ечимлари махсус ҳужжат миқёсида қайд қилингани йўқ, лекин ўз миллий хавфсизлик концепциясини

³⁵ Кутырев Г.И. Стратегия национальной безопасности и военное строительство Испании: в условиях новых вызовов // Проблемы европейской безопасности, 2018, – №1. – С.94.

ишлаб чиққан ва уни бажаришга киришган давлатлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Қитъанинг турли мамлакатларида тайёрланган миллий хавфсизлик концепцияларининг қарийб барчасида юқорида тилга олинган масалаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор берилади. Бироқ мамлакатларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги стратегияси, тутган йўли мазмунан ва моҳиятан бир-биридан тафовутланади. Мазкур стратегия одатда мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти мўлжалларига, унинг олдида турган муаммоларга мутаносиб равишда танланади.

Масалан, 1949 йилда ташкил топган ва ярим аср мобайнида аҳолисининг оддий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш имкониятига эга бўлмаган Хитой Халқ Республикасида ярим аср мобайнида миллий хавфсизликка таҳдид солаётган асосий омиллар сифатида уруш ва инқилоблар, ижтимоий беқарорлик ва ички низолар эътироф этиб келинди. Шу боисдан мамлакатнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги стратегияси айнан ана шу хавфларнинг олдини олишга қаратилди. Бугунги Хитой жаҳондаги молиявий-иқтисодий, геосиёсий, ижтимоий, маданий, илмий-технологик жараёнларга таъсир ўтказишга қодир мустақил геосиёсий кучга айланишни мақсад қилмоқда. Мамлакатнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги концептуал ғоялари, бу ғояларни рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам айнан ана шу мақсадга мувофиқ равишда ўзгартирилди. Хусусан, 2009 йилда “Хитой миллий хавфсизлигининг кенг қамровли Концепцияси” қабул қилинди. Унда мамлакатнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги асосий мақсади давлат суверенитетини асраш, ҳудудий яхликликни таъминлаш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқлиги таъкидланади. Хитой Коммунистик Партиясининг 2016 йилда бўлиб ўтган съездида ушбу концепция бирмунча такомиллаштирилди, унга республиканинг сиёсий ва ҳарбий, молиявий-

иқтисодий, ахборот ва маданий, энергетик, экологик, технологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар мажмуи киритилди³⁶.

Туркия эса ижтимоий тараққиёт мўлжалларини Кўҳна қитъанинг таркибий қисмига айланиш билан боғлади. Мамлакат бир неча йиллардан буён Европа Иттифоқи таркибига киришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билмоқда. Шу сабабдан Туркияда “Копенгаген аъзолик мезонларини” бажаришга, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ҳаётини Европанинг демократик талабларига мослаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатнинг миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ концептуал ғоялари, уларни рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳам мазкур мақсад-муддаоларга мос равишда ўзгарди. Масалан, 2003 йилда Туркия Олий Миллий Мажлиси “Ислоҳотларнинг еттинчи пакетини” қабул қилди. Мазкур тадбирлар мажмуи Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун қатор талабларни бажаришни, хусусан, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини Кўҳна қитъа талабларига мослаштиришни талаб қилади. Тўғри, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига бош қўшишга одатланиб қолган олий ҳарбий раҳбарият мазкур талабларни кўтаринки кайфият билан қабул қилмади. Бироқ, ҳарқалай, ўтган 15 йил мобайнида мамлакат миллий хавфсизликни таъминлаш стратегияси ҳам, уни рўёбга чиқариш механизми ҳам тубдан янгилаш тус олди³⁷.

Эрон эса ўз ижтимоий тараққиёти мўлжалларини қатор ташқи ва ички омилларни инобатга олган ҳолда белгилаган. Ташқи омиллар сифатида йирик геосиёсий кучларнинг энергетик ва табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш борасидаги саъй-ҳаракатларини кўрсатиш мумкин. Бу саъй-ҳаракатлар аксарият ҳолларда мамлакат манфаатларининг поймол этилишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан мамлакат ўз энергетик имкониятларини

³⁶ Небренчин А.С., Небренчин С.М. КНР – сверхдержава XXI века: российско-китайские перспективы. – М.: АНО ЦСОиП, 2017. – С.23-34.

³⁷ Овсеян Л. Реформы Совета национальной безопасности Турции в контексте демократических преобразований // XXI век, 2010, –№2. – С.41-53.

химоялаш, табиий ресурсларини сотишнинг янги бозорларини излаб топишга алоҳида эътибор бермоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларга мутаносиб равишда миллий хавфсизликни таъминлаш концепциясининг асосий йўналишларидан бири мамлакат энергетик хавфсизлигини таъминлаш, геосиёсий кучларнинг сиёсий, ҳарбий, мафкуравий, ахборот тазйиқига қарши туришдан иборат қилиб белгиланган. Мамлакат ижтимоий тараққиёти мўлжалларига таъсир кўрсатган ички омиллар эса унинг геосиёсий ҳолати, тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Эрон, бир томондан, АҚШ сиёсий ва иқтисодий таъсири остидаги мамлакатлар, иккинчи томондан эса, чекланган сиёсий ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган, ижтимоий барқарорлиги таъминланмаган мамлакатлар билан чегарадош. Бу ҳол ҳам Эрон ижтимоий тараққиёти дастурларини, миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Хуллас, Осиё мамлакатларидаги миллий хавфсизлик концепциялари моҳиятан давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилгани билан характерланади. Концепцияларнинг барчаси мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тараққиёт мўлжаллари, уларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётган ички ва ташқи омилларни инобатга олган ҳолда тайёрланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда тайёрланган миллий хавфсизлик концепцияларининг қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Йигирманчи аср мобайнида жаҳондаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий жараёнларга салмоқли таъсир кўрсатиб келган Совет Иттифоқи инқирози унинг таркибидан жой олган республикаларнинг миллий мустақилликка эришишига замин ҳозирлади. Қарийб барча мамлакатларда янги давлатчилик асослари ва миллий иқтисодиёт шакллана бошлади, ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлди. Шу муносабат билан ижтимоий тараққиётнинг мақсад-муддаоларини муфассал ифодалаш, бу мақсадга эришишга ҳалал берадиган омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларга қарши турадиган механизмларни вужудга келтириш зарурияти

туғилди. Айни пайтда янги давлатларни ўз таъсири остига олишга интилган геосиёсий кучлар фаолияти ҳам миллий хавфсизлик масалаларига жиддий муносабатда бўлишга ундади. МДХ мамлакатларининг миллий хавфсизлик концепциялари ана шу реалиялар таъсирида ишлаб чиқилгани билан характерлидир.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, АҚШ, Ғарбий Европа ва Осиё давлатларидаги ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, МДХ мамлакатлари миллий хавфсизлик концепцияларининг деярли барчасида миллий хавфсизлик триадасининг ҳар бир элементи (шахс хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги) алоҳида объект сифатида талқин этилади. Масалан, Озарбайжон Республикаси миллий хавфсизлик Концепциясида ушбу ҳужжат шахс, жамият ва давлатни ҳимоялашга қаратилган чораларни ўзида мужассам қилиши таъкидланади³⁸. Россия Федерацияси миллий хавфсизлик Концепциясида мамлакатнинг турли соҳалардаги хавфсизлик борасидаги миллий манфаатлари шахс, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлигидан таркиб топиши эътироф этилади³⁹. Беларусь Республикаси миллий хавфсизлик концепциясида шахс, жамият ва давлат миллий хавфсизликнинг объекти сифатида талқин этилади. “Миллий хавфсизлик объектлари, - деб таъкидланади унда, - қуйидагилардан иборат: шахс – унинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари; жамият – унинг моддий ва маънавий қадриятлари, ҳуқуқ нормалари ёрдамида муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар тизими; давлат – унинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, суверенитети ва конституцион тузилиши”⁴⁰.

Қабул қилинган концепцияларнинг барчасида янги асрда жаҳонда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятга расмий муносабат билдирилади. Қайд қилинишича, жаҳондаги трансформацион жараёнлар ўта жадаллик

³⁸ Қаранг: Концепция национальной безопасности Азербайджанской Республики // <http://eurasian-defence.ru/?q=node/30535>.

³⁹ Қаранг: Концепция национальной безопасности Российской Федерации // https://www.mid.ru/foreign_policy/official_documents/-/asset_publisher/CptICkV6BZ29/content/id/589768

⁴⁰ Қаранг: Концепция национальной безопасности Республики Беларусь // <http://prokuratura.gov.by/ru/acts/kontseptsiya-natsionalnoy-bezopasnosti-respubliki-belarus/>

билан содир бўлмоқда. Россия Федерацияси миллий хавфсизлик Концепциясида бу жараёнларда икки тенденция кўзга ташланаётгани эътироф этилади. Биринчидан, жаҳонда иқтисодий ва сиёсий нуфузи баланд бўлган мамлакатлар сони ортиб бормоқда, дунёдаги сиёсий, иқтисодий, молиявий ва ахборот алмашилиш жараёнларини ҳамкорликда бошқариш механизмлари такомиллашмоқда. Иккинчидан, XXI аср бошларига келиб кўпқутбли дунёнинг қарор топаётгани халқаро рақобатни ҳам кескинлаштирмоқда, айрим ривожланган мамлакатлар эса юзага келган вазиятда носоғлом рақобат услубларига мурожаат этишни одат тусига киритмоқда, халқаро ҳуқуқ нормаларини бузган ҳолда жаҳон майдонида устунликка эришишга интилмоқда⁴¹.

Янги реалиялар МДХ мамлакатларидан миллий кадриятлар ва манфаатларни констатация қилиш, миллий хавфсизликка таҳдидларни аниқ белгилаш, миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Талабларнинг яқдиллиги концепциялар таркибида ҳам из қолдирган: уларнинг барчаси бир-бирига ўхшашлиги билан характерланади. Мазкур ҳужжатларда мамлакатнинг миллий кадрият ва манфаатлари ифодалаб берилади. Хусусан, Грузия миллий хавфсизлик Концепциясида мамлакатнинг фундаментал миллий кадриятлари сифатида мустақиллик, эркинлик, демократия ва қонун устуворлиги, фаровонлик, тинчлик ва хавфсизлик тилга олинади⁴². Миллий манфаатлар талқини ҳақида гап кетганда, Беларусь Республикаси миллий хавфсизлик Концепциясига алоҳида эътибор бериш ўринли. Чунки мазкур ҳужжатда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-технологик, ижтимоий, демографик, ахборот, ҳарбий, экологик соҳадаги миллий манфаатлари муфассал баён этилади⁴³.

⁴¹ Қаранг: Концепция национальной безопасности Российской Федерации // https://www.mid.ru/foreign_policy/official_documents/-/asset_publisher/CptICkV6BZ29/content/id/589768

⁴² Қаранг: Концепция национальной безопасности Грузии // <https://sputnik-georgia.ru/georgia/20111224/214497331.html>

⁴³ Қаранг: Концепция национальной безопасности Республики Беларусь // <http://prokuratura.gov.by/ru/acts/kontseptsiya-natsionalnoy-bezopasnosti-respubliki-belarus/>

Концепцияларда мазкур миллий манфаатларнинг поймол этилишига сабаб бўладиган ҳар қандай омил таҳдид сифатида қабул қилинади. Бироқ МДХ мамлакатларининг нуфузи, тараққиёт мўлжаллари, ижтимоий муаммолари табиати турлича бўлгани боис уларга таҳдид солаётган ички ва ташқи омиллар ҳам бир-биридан тафовутланади. Шунинг учун ҳам концепцияларда миллий хавфсизликка таҳдидлар талқинида ўхшашлик кузатилмайди. Биз талқин кўлами кенглигини инобатга олиб, Россия Федерацияси миллий хавфсизлик Концепциясида баён этилган таҳдидларни келтириш билан чекланамиз. Мазкур ҳужжатда ички таҳдидлар сифатида қуйидагилар эътироф этилган: ялпи ички даромаднинг кескин қисқариши; инвестицион, инновацион фаоллик ва илмий-техник потенциалнинг пасайиши; аграр соҳа стагнацияси; ички ва ташқи давлат қарзининг ошиши; мамлакат экспорти ҳажмида ёқилғи хом ашё маҳсулотлари микдорининг кўпайиши; энг зарурий истеъмол маҳсулотлари импортининг кўпайиши; бой ва кам таъминланган фуқаролар даромадлари ўртасидаги тафовутнинг ошиши; камбағал фуқаролар сонининг кўпайиши; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизими инқирози; давлат назоратининг сусайиши; экологик вазиятнинг ёмонлашуви; иқтисодий дезинтеграция ва ҳоказолар. Ташқи таҳдидлар сифатида қуйидагилар тилга олинган: халқаро хавфсизликни таъминлаш механизмларининг заифлашуви; ҳарбий-сиёсий блокларнинг кучайиши; давлат чегаралари яқинида ҳарбий базаларнинг пайдо бўлиши; оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши; сепаратизм ва локал урушлар; ахборот тазйиқи ва ҳоказолар⁴⁴. Кўриниб турибдики, МДХ мамлакатлари хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Давлатларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиққан концептуал ёндашувлари ҳам диққатга сазовор. Масалан, Грузия миллий хавфсизлик концепциясида бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан боғланади: давлат бошқарувини

⁴⁴ Қаранг: Концепция национальной безопасности Российской Федерации // https://www.mid.ru/foreign_policy/official_documents/-/asset_publisher/CptICkV6BZ29/content/id/589768

кучайтириш ва демократик институтларни такомиллаштириш; мамлакат муҳофазат қобилиятини кучайтириш; мамлакат ҳудудий яхлитлигини асраш; Европа иттифоқига интеграциялашиш; ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш; иқтисодий хавфсизлик сиёсати; ижтимоий хавфсизлик сиёсати; энергетик хавфсизлик сиёсати; ахборот хавфсизлиги сиёсати; экологик хавфсизлик сиёсати; маданий меросни ҳимоя қилиш⁴⁵.

Хуллас, МДҲ мамлакатларининг миллий хавфсизлик концепциялари янги давлатчилик асосларининг шаклланишига, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олишига, барқарор ижтимоий тараққиётни таъминлашга ҳалал бераётган омилларнинг олдини олишга қаратилгани билан характерланади.

Миллий хавфсизлик концепцияларини кўпгина Жанубий Америка ва Африка мамлакатлари тажрибасидан ҳам топиш мумкин. Масалан, Бразилиянинг илк миллий хавфсизлик доктринаси 1949 йилда Олий ҳарбий мактаб мутахассислари томонидан ишлаб чиқилганди. Бу паллада миллий хавфсизлик деганда мамлакат суверенитетини асраш ва коммунизм ғояларига қарши курашиш назарда тутилди. Ўтган давр мобайнида миллий хавфсизликнинг мазмуни, уни таъминлаш механизмлари ҳақидаги тасаввурлар муттасил такомиллашиб борди. Ҳозир Бразилияда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий манбаи мамлакатнинг умумий потенциални юксалтириш билан боғланади⁴⁶.

Африка қитъасининг кўпгина мамлакатларида миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари ягона ҳужжатда мужассам қилинмаган. Бироқ қитъанинг етакчи, муайян сиёсий ва иқтисодий амбицияларга эга мамлакатлари миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсатининг мақсад-муддаоларини, устувор йўналишларини аниқлашга жиддий эътибор беради. Масалан, Миср Араб Республикасининг миллий хавфсизлик

⁴⁵ Қаранг: Концепция национальной безопасности Грузии // <https://sputnik-georgia.ru/spravka/20100509/213153512.html>.

⁴⁶ Борзова А.Ю. Подходы Бразилии к проблемам национальной и региональной безопасности // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Международные отношения, 2014, – №2. – С.55-63.

борасидаги концептуал ғояси араб дунёсидаги етакчилик ролини сақлаб қолиш билан боғлиқ. Мазкур мақсадга эришиш учун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан (Миср араб дунёсидаги энг аҳолиси кўп, иқтисодий жиҳатдан тараққий топган, ҳарбий салоҳияти баланд, энг малакали ишчи кучига эга мамлакат ҳисобланади) самарали фойдаланиш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, радикал оппозиция таҳдидига чек қўйиш, қўшни мамлакатлар билан ихтилофларнинг олдини олиш масалалари Миср миллий хавфсизлигини таъминлаш сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган⁴⁷.

Кўришиб турибдики, миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концепциялари мазмунан ва шаклан турли-туманлиги, сифат жиҳатидан турфалиги билан ажралиб туради. Турли қитъа ва мамлакатларда тайёрланган концепциялар таҳлили уларнинг умумий жиҳатларига оид кўйидаги фалсафий мулоҳазаларни илгари суриш имконини беради:

Биринчидан, миллий хавфсизлик концепциялари муайян миллатнинг хавфсизлик ва барқарорликка доир кўп асрлик тасаввурлари, хулоса ва тажрибаларига таянади ва улар асосида ишлаб чиқилади. Хулоса ва тажрибалар моҳиятан бойигани сайин концепциялар мазмуни ҳам ўзгара боради.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик концепциялари миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунига мос тарзда ривожланиб боради. Миллий манфаатлар, миллий қадриятлар, хавфсизликка таҳдидлар, миллий хавфсизлик каби тушунчалар ҳақидаги илмий мулоҳазалар миқдорининг ошиши охир-оқибатда концепциялар сифатининг юксалишига замин ҳозирлайди.

Учинчидан, миллий хавфсизлик концепциялари қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунига мос тарзда ривожланиб боради. Миллий хавфсизликка таҳдид солувчи янги омиллар пайдо бўлиши билан унга қарши

⁴⁷ Юрченко В.П. Египет: проблемы национальной безопасности. – М.: Институт изучения Израиля и Ближнего Востока, 2003. – С.7.

турувчи янги ёндашув ва механизмлар вужудга келади, бу ёндашув ва механизмлар концепцияларнинг янги вариантларида ўз ифодасини топади.

Тўртинчидан, миллий хавфсизлик концепциялари инкорни инкор қонунига мос тарзда ривожланиб боради. Мазкур ҳужжатнинг биринчи вариантыда қайд қилинган миллий манфаатлар, хавфсизликка таҳдидлар, миллий хавфсизликни таъминлаш механизмининг энг аҳамиятли аспекти иккинчи вариантда сақланиб қолади, айти пайтда иккинчи вариантда воқелик тақозоси билан юзага келган янги ёндашув, тушунча ва тамойиллар ўз ифодасини топади. Учинчи вариант аввалги икки вариантнинг энг мақбул, аҳамиятли миқдорий ва сифатий хусусиятларини ўзида мужассам қилади.

Бешинчидан, миллий хавфсизлик концепциялари ривожда тизим ва элемент диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Концепция таркибидан жой олган элементлар мазмунининг ўзгариши охир-оқибатда бутун тизимнинг янги тус олишига сабаб бўлади.

Олтинчидан, миллий хавфсизлик концепциялари ривожда мазмун ва шакл диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Воқелик талаблари асосида миллий хавфсизлик концепцияси мазмунининг ўзгариши унинг ифодаланиши шаклининг ҳам янгиланишига олиб келади.

Еттинчидан, миллий хавфсизлик концепциялари ривожда сабаб ва оқибат диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Концепциянинг шаклланишига туртки берган сабабнинг ўзгариши оқибатнинг – концепция мазмуни ва таркибий тузилишининг ҳам ўзгаришига замин яратади.

Хулоса қиладиган бўлсак, замонавий миллий хавфсизлик концепциялари мазмунан ва шаклан бойлиги, сифат жиҳатидан турли-туманлиги билан характерланади. Уларнинг шакли ва мазмуни мамлакатларнинг географик ҳолати, тарихий тараққиёти, ижтимоий тараққиёт мўлжаллари, уларнинг хавфсизлик ва барқарорлик ҳақидаги тасаввурлари хавфсизлигига таҳдид солаётган омиллар характерига монанд бўлади. Мазкур концепцияларнинг ривожланиши жараёнида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни, қарама-қаршиликлар

бирлиги ва кураши қонуни, инкорни инкор қонуни, тизим ва элемент диалектикаси, мазмун ва шакл диалектикаси, сабаб ва оқибат диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади.

1-боб хулосалари

Биринчи боб мулоҳазалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Миллий хавфсизлик – шахс, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги даражаси, бу таҳдидларга бардошлилиги меъёри, уларга қарши турувчи механизмнинг мавжудлигини ифодаловчи тушунчадир. Унинг таркиби миллий хавфсизлик триадасини (шахс хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги) ўзида мужассам қилади. Триада қисмлари эса, ўз навбатида, турли элементлардан таркиб топади.

2. Ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда, бир томондан, миллий хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар, иккинчи томондан эса, бу омилларнинг олдини олишга хизмат қилувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар мавжуд бўлади. Улар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши миллий хавфсизликнинг емирилишига сабаб бўлади.

3. Замонавий миллий хавфсизлик концепциялари мамлакатларнинг географик ҳолати, тарихий тараққиёти, ижтимоий тараққиёт мўлжаллари, уларнинг хавфсизлик ва барқарорлик ҳақидаги тасаввурлари хавфсизлигига таҳдид солаётган омиллар характерига монанд равишда шаклланган.

4. Замонавий миллий хавфсизлик концепцияларининг қуйидаги умумий жиҳатлари мавжуд: а) миллий хавфсизлик концепциялари муайян миллатнинг хавфсизлик ва барқарорликка доир кўп асрлик тасаввурлари, хулоса ва тажрибаларига таянади ва улар асосида ишлаб чиқилади; б) миллий хавфсизлик концепциялари миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунига мос тарзда ривожланиб боради; в) миллий хавфсизлик концепциялари қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонунига мос тарзда ривожланиб боради; г) миллий хавфсизлик концепциялари инкорни инкор

қонунига мос тарзда ривожланиб боради; д) миллий хавфсизлик концепциялари ривожда тизим ва элемент диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади; е) миллий хавфсизлик концепциялари ривожда мазмун ва шакл диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади; ж) миллий хавфсизлик концепциялари ривожда сабаб ва оқибат диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистоннинг янги миллий хавфсизлик концепциясини яратиш – жиддий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий аҳамиятга молик масаладир. Мамлакат тараққиётининг стратегик аспектлари, бу тараққиёт суръатлари, ижтимоий барқарорлик шартлари ана шу масаланинг муваффақиятли ҳал қилинишига бевосита боғлиқ. Бу туркум масалалар катта интеллектуал потенциални, ижтимоий имкониятларни сафарбар қилишни тақозо этади. Бунинг устига мамлакатнинг миллий хавфсизликни таъминлашга доир тажрибасини умумлаштириш, янги таҳдид омилларини муфассал таҳлил қилиш ҳам керак. Иккинчи боб ана шу илмий вазифани бажаришга бағишланган.

Миллий хавфсизликни таъминлаш вазифаси бугунга келибгина кун тартибида пайдо бўлган масала эмас. Мамлакатимиз ҳудудида ҳукм сурган барча давлатчилик шакллари мазкур масалага алоҳида эътибор берган, уни ҳал қилишнинг турфа механизмларига мурожаат қилган. Шу сабабдан тарихий тараққиёт давомида миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ тажриба ва анъаналар шакллана борган. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши уларнинг янада бойишига замин яратди. Концепциясини шакллантириш учун ушбу тажриба ва анъаналарни илмий-фалсафий позициядан таҳлил қилиш зарур. Бобда мазкур вазифани бажаришга ҳаракат қилинган.

Албатта, тайёрланаётган концепция янги таҳдидларга қарши турадиган таъсирчан чора-тадбирлар мажмуини ўзида мужассам қилмоғи даркор. Бирок бунинг учун, энг аввало, бугунги кунда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган омилларни аниқламоқ, таснифламоқ ва таҳдиди кўламини белгиламоқ даркор. Таассуфки, янги асрда мазкур омилларни янада кўпайтирадиган, уларнинг таъсир доирасини кенгайтирадиган жараён ва тенденциялар юзага келмоқдаки, концепцияни

тайёрлаш мобайнида уларни назардан четда қолдириб бўлмайди. Бобда миллий хавфсизликка таҳдид солаётган омиллар ҳақида мулоҳаза юритилган.

§1. Ўзбекистон шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси ва хусусиятлари

Миллий хавфсизликнинг стратегик аҳамиятга молик масалага айланиши турли қитъалардаги етакчи мамлакатларгагина хос хусусият эмас. Ўзбекистонда ҳам миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари, шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган ички ва ташқи омиллар таҳлилига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Бироқ бундан мазкур масалалар бизнинг давримизга келиб диққат марказига тушган, деган хулоса келиб чиқмайди. Мамлакатимиз ҳудудида тарихий тараққиётнинг турли босқичларида вужудга келган ва муайян муддат фаолият кўрсатган давлатларнинг барчасида миллий хавфсизликни таъминлаш масаласи бирламчи ижтимоий вазифалар туркумига киритилган, ушбу масалалар билан махсус шуғулланадиган таркибий тузилмалар шакллантирилган. Бинобарин, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда асрлар давомида шахс, давлат, жамият хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли тажриба ва анъаналар юзага келган.

Маълумки, ўзбек давлатчилиги узоқ давом этган тарихий тараққиёт давомида шакллана борган. Милоддан аввалги даврда мамлакатимиз ҳудудида Хоразм, Бактрия, Парфия, Фарғона, Тоҳаристон каби давлатлар, милоддан исломгача бўлган даврда кушонлар, эфталийлар, ашиналийлар давлатлари, X-XIII асрларда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, ануштегинийлар давлатлари фаолият кўрсатдилар. Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги мисли кўрилмаган даражада тараққий топди. XVI-XIX асрларда ва шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар, қўнғиротлар, мингларнинг давлатлари ҳукм сурди⁴⁸. Уларнинг барчаси давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий

⁴⁸ Қаранг: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.367.

барқарорликни муҳофаза қилишни ўзининг асосий функцияларидан бири деб билди. Шу сабабдан ҳам уларда давлат ва ижтимоий институтларнинг миллий манфаатларни ҳимоялаш, шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолияти йўлга қўйилган эди. Тўғри, айрим ижтимоий-тарихий шарт-шароитларда мазкур функция тўлақонли бажарилмаган бўлиши мумкин, лекин, бундан қатъи назар, тарихий тараққиёт давомида миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эътиборли тажриба ва анъаналар шакллана борди.

Масалан, милоддан аввалги IV асрдаёқ Хоразмда мамлакат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳамкорлик ва дўстлик шартномалари тузиш тажрибаси мавжуд бўлган. Хоразм ҳукмдори Фаразман айнан ана шу тажрибанинг шарофати ўлароқ босқинчи Александр билан мурасага келишга муваффақ бўлади ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолади⁴⁹. Парфияда эса аршакийлар бошқа мамлакатлар билан ташқи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий алоқаларни йўлга қўйиш орқали мамлакат хавфсизлигини таъминлашга интиланлар. Милоддан аввалги Фарғонада эса давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳофаза санъатини ривожлантириш билан боғланди. “Чунончи, муҳофаани ташкил этишда шаҳарлар имкониятидан кенг фойдаланилган. Масалан, пойтахт Эрши (ҳозирги Марҳамат қадимий шаҳарнинг ўрни ҳисобланади) ички ва ташқи деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ички қисмида узоқ муддатга етарли миқдорда озиқ-овқат сақланувчи омборлар ва бошқа керакли муассасалар бунёд этилган”⁵⁰.

Шахс, давлат, жамият хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли тажриба ва анъаналар, уларни амалда қўллаш билан боғлиқ билимлар тизими шаклланиши жараёни янги милодда вужудга келган давлатчилик шакллари шароитида ҳам давом этди. Жумладан, эрамизнинг I-IV асрларида Туркистоннинг катта қисмида ўз сиёсий ҳукмронлигини ўрнатган

⁴⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.30-31.

⁵⁰ Ўша ерда. – Б.51-52.

кушонийлар нафақат ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқични бошлаб бердилар, балки мамлакат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ янги амалиёт ва тажрибаларга ҳам асос солдилар. “Кушонлар минтақадаги деярли барча сиёсий бирликлар, маконларни ва ҳатто қўшни мамлакатларни ҳам бир сиёсий марказ атрофида бирлаштириб, ўзбек давлатчилиги тарихида салтанатчилик босқичини очган сиёсий куч ҳисобланадилар”⁵¹. Айнан ана шундай сиёсий марказнинг мавжудлиги узоқ муддат давомида мамлакат хавфсизлигини таъминлаб турган асосий омил вазифасини ўтаган. Унинг заифлашуви эса охир-оқибатда салтанатнинг ҳам инқирозга юз тутишига олиб келди. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида кушонийлар асос солган тажрибалар кейинчалик сомонийлар, қорахонийлар ва салжуқийлар томонидан ривожлантирилди.

Юрт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тажрибалар, айниқса, Амир Темури ва темурийлар томонидан бойитилди. Амир Темури даврида марказлашган давлатнинг барпо этилиши, сиёсий яхлитликнинг шакллантирилиши, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, энг муҳими, шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига хизмат қиладиган таркибий тузилмаларнинг шакллантирилиши ўлканинг ички ва ташқи таҳдидларга қарши тура олиш имкониятларини кенгайтди.

Асрлар давомида шаклланган мазкур тажриба ва анъаналар мустақиллик йилларида миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ концептуал ёндашувни шакллантиришда назарий-методологик асос вазифасини ўтади. Бу ёндашув уч асосий масалани ўз ичига олади:

1. Мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаш.
2. Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш масаласи.
3. Юртнинг барқарор тараққиётини кафолатловчи омиллардан миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш масаласи.

⁵¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.64.

Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ана шундай концептуал ёндашувни назарда тутган ҳолда мамлакатнинг биринчи Президенти шундай деб ёзган эди: “Ўтган йилларнинг мантиқи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?”⁵².

Мазкур концептуал ёндашув 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Миллий хавфсизликни таъминлаш Концепцияси”нинг асосини ташкил қилди. Ўтган чорак аср давомида концепцияда назарда тутилган ғояларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 августдаги ва 26 сентябрдаги Фармони асосида ташкил этилган ҳамда йиллар давомида фаолияти такомиллаштириб борилган Миллий хавфсизлик хизматининг саъй-ҳаракатлари самарали бўлди. Мазкур ташкилот ва унинг жойлардаги органлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини, конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа қудратини ғайриқонуний тажовузулардан ҳимоя қилишга салмоқли ҳисса қўшди. Шу тариқа Ўзбекистонда, бир томондан, миллий хавфсизлик, уни таъминлаш билан боғлиқ концептуал ғоя ва ёндашувлар, иккинчи томондан эса, ушбу ғояларни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган механизм қарор топди.

Мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлашга қаратилган фаолият самараси ўлароқ Ўзбекистонда кейинги чорак аср мобайнида қуйидаги йўналишлардаги тажрибалар тўпланди:

Биринчидан, мамлакатимизда минтақавий можароларнинг олдини олиш билан боғлиқ тажрибалар жамланди. Янги аср арафасига келиб ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий

⁵² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.34.

муносабатларнинг кескинлашуви турли минтақаларда зиддиятли вазиятларнинг, можароларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Аксарият ҳолларда минтақадаги бир мамлакат ҳудудида юзага келган можаро миллий чегаралар доирасида қолиб кетмасдан, қисқа муддатда бошқа мамлакат ҳудудига ҳам кўчиб ўтмоқда. Яқин Шарқ мамлакатларида 2011 йилнинг бошида юз берган воқеалар ҳам шундан далолат беради. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистонда минтақанинг у ёки бу ҳудудида юзага келган кескин вазият мамлакат хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланиб келинди, бу таҳдидни бартараф этиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида талқин қилинди.

Ўзбекистонда минтақавий можароларнинг олдини олиш борасида жамланган тажрибалар самараси ўлароқ, бир томондан, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган низоларнинг таъсири камайтирилмоқда, иккинчи томондан эса, минтақавий можароларни бартараф этиш учун реал шарт-шароит вужудга келтирилмоқда. Буни, айниқса, Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. БМТ маълумотларига қараганда, бугунги кунда мамлакат ҳудудининг 11 фоизи жангари гуруҳлар кўлидалигича қолмоқда. Аҳолининг 40 фоизи ишсизликдан азият чекади. Экин ерларининг 200 минг гектари наркотик моддалар экишга жалб қилинган. Бунинг оқибатида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи жаҳонда 175-ўринга тушиб кетди⁵³, унинг ўзи эса бутун минтақанинг барқарор ижтимоий тараққиётига раҳна солаётган омилга айланди. Ўзбекистоннинг минтақавий можароларнинг олдини олиш борасидаги тажрибаси эса ҳам мамлакатдаги, ҳам минтақадаги хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳрида 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши, унинг интиҳосида мазкур мавзу юзасидан декларация қабул

⁵³ Қирғизбоев М. Афғонистон хавфсизлиги – Ўзбекистон, марказий Осиё ва жанубий Осиё барқарорлиги ҳамда тараққиёти гарови // Жамият ва бошқарув, 2018, – №2. – Б.13.

қилиниши ҳам шундан далолат беради. Ушбу декларация муқаддимасида: “Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини, уларнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаймиз”, - деб қайд қилиниши⁵⁴, жумладан, минтақавий можароларнинг олдини олиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси эътирофидир.

Ўзбекистонда минтақавий можароларнинг олдини олиш борасидаги аҳамиятли тажриба шаклланишини биз ўтказган социологик сўров⁵⁵ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 68 фоизи мамлакатда бундай тажриба етарли даражада жамланганини қайд қилдилар.

Иккинчидан, Ўзбекистонда диний экстремизм ва фундаментализмнинг олдини олиш билан боғлиқ тажрибалар тўпланди. Дин минг йиллардан буён ижтимоий онгнинг энг аҳамиятли шаклларида бири сифатида ривожланиб келди. Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда у жамиятдаги турли жараёнларга таъсир ўтказишга қодир бўлган қудратли омил вазифасини ўтади. Ўтган асрнинг охирида жаҳон мафкуравий маконида туб ўзгаришларнинг содир бўлиши, қатор мусулмон юртида миллий ўзликни англашга бўлган интилишларнинг авж олиши, кўплаб мамлакатларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ислом омилининг ижтимоий барқарорлик ва таракқиётдаги ролини янада кучайтирди. Айтилган мазкур омилдан геосиёсий мақсадларда фойдаланиш истагида бўлган сиёсий кучлар ҳам юзага келди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида диний-экстремистик характердаги ўнлаб ташкилот ва гуруҳлар ташкил топдики,

⁵⁴ Қаранг: Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Тошкент конференцияси декларацияси // <https://uza.uz/uz/posts/af-oniston-b-yicha-tinchlik-zharayeni-khavfsizlik-so-asida-a-28-03-2018>

⁵⁵ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

уларнинг ғайриинсоний фаолияти қарийб барча Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига раҳна солмоқда. Шу сабабдан ҳам “Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепцияси”да диний экстремизм, фундаменталистик ғояларни тарқатишга уринишлар мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган энг аҳамиятли омиллардан бири сифатида қайд қилинган ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ таъсирчан чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистонда диний экстремизм ва фундаментализм таҳдидининг олдини олиш мақсадида уч йўналишда иш олиб борилди. Бир томондан, мамлакатимиз фуқаролари диний саводини ошириш чоралари кўрилди. Хусусан, диний таълим берувчи масканлар ташкил қилинди, диний мазмундаги рисола ва китоблар, газета ва журналлар нашри йўлга қўйилди. Коммунистик ғоялар инқирозга юз тутганидан сўнг вужудга келган мафкуравий бўшлиқ шароитида мазкур чораларнинг аҳамияти, айниқса, беқиёс эди.

Иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамиятига маърифатли ислом билан экстремистик таълимотлар ўртасида катта фарқ борлиги тушунтириб, буни асословчи ғоя ва билимлар тарғиб этиб борилди. Турли минтақалардаги мусулмон фуқаролар сони муттасил ошиб бораётгани (масалан, Европа Иттифоқида бугунги кунда 29 миллиондан зиёд мусулмон истиқомат қилади, 2030 йилда эса уларнинг сони 58 миллиондан ошиши кутилмоқда)⁵⁶ туфайли исломофобия кучаяётган бир шароитда бу саъй-ҳаракатлар тобора долзарб тус олиб бормоқда.

Нихоят, учинчи томондан, узлуксиз равишда фуқароларни диний-экстремистик ғоялардан ҳимоялашга йўналтирилган маърифий тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу тадбирларни ташкил этиш ишларига жамиятдаги барча жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари жалб қилинди. Масалан, биргина “Маҳалла” хайрия жамғармаси 2015 йилда

⁵⁶ Каримова Г. Замонавий дунёда “исломофобия” муаммоси (танкидий таҳлил) // Халқаро муносабатлар, 2018, – №2. – Б.84.

турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 11 мингдан ортиқ маърифий тадбирлар ўтказиб, улар билан 1 миллион 300 мингдан ортиқ кишини қамраб олишга муваффақ бўлди⁵⁷.

Ушбу уч йўналишдаги фаолият мамлакатимизда диний экстремизм ва фундаментализмнинг олдини олишга доир аҳамиятли тажрибалар аккумуляциясига замин ҳозирлади.

Ўзбекистонда диний экстремизм ва фундаментализмнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров⁵⁸ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 71 фоизи мамлакатда диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашишнинг самарали механизми яратилганини қайд қилдилар.

Учинчидан, Ўзбекистонда миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятга молик тажрибалар жамланди. Мамлакатимиз асрлар давомида кўпмиллатли мамлакат, турли миллат ва элат вакилларининг ягона Ватани сифатида тараққий топиб келган. Турли миллат ва элатларнинг биргаликда ҳаёт кечириши жамият ҳаёти ва кишилар турмушининг ажралмас атрибутларидан бири саналади. Бугун ҳам Ўзбекистон кўпмиллатлилиги хусусиятидан айри тушгани йўқ. Масалан, 1959 йилда республикаимизда 113 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 136 дан ошиб кетди. Аҳоли таркибида ўзбеклар 72,8 фоизни, қорақалпоқлар, руслар, тожиклар, қozoқлар, татарлар, украинлар эса салмоқли фоизларни ташкил этади⁵⁹. Бинобарин, тарихий тараққиётнинг барча босқичларида бўлгани каби бугунги кунда ҳам мамлакатимизда миллатлараро тотувлик миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиёт шarti,

⁵⁷ Исманова А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ижтимоий институтларнинг роли ҳамда профилактик имкониятлари // Ижтимоий фикр, 2017, – №1. – Б.150.

⁵⁸ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

⁵⁹ Исмоилов Б. Бағри бутунлик белгиси // Маънавий ҳаёт, 2018, №2. – Б.104.

миллатлараро зиддиятлар эса унга таҳдид солувчи омил вазифасини ўтамоқда. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. “Бизнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимизда, - деган эди давлат раҳбари, - ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади”⁶⁰. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 15 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси” қабул қилинди.

Мамлакатимизда миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида барча миллат ва элат вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаш баробарида миллий-маданий марказлар ташкил қилиш тажрибасига мурожаат қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 138 дан ортиқ ана шундай марказлар миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни асраш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида улар учун солиқ, мажбурий тўловлар бўйича муайян имтиёзлар яратилган, уларнинг турли ташаббуслари грантлар, ижтимоий буюртма ва субсидиялар орқали фаол қўллаб-қувватланмоқда⁶¹.

Миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги фаолият самараси мамлакат фуқаролари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, тадқиқотчи Н.Назаров томонидан мамлакатимизнинг турли вилоятларида 2018 йил мобайнида ўтказилган социологик сўровларда “Ўзбекистон жамиятида миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик асослари нималарда намоён бўлмоқда?” - деган

⁶⁰ Мирзиёев Ш.М. “Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.456.

⁶¹ Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фуқаролик форуми бўлиб ўтди // <http://ngo.uz/uz/milliy-madaniy-markazlar-va-dustlik-zhamiyatlarining-fukarolik-forumi-bulib-utdi>.

саволга респондентларнинг 82,9 фоизи давлат олиб бораётган миллий сиёсатда деб жавоб бердилар⁶².

Ўзбекистонда миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров⁶³ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 71 фоизи мамлакатда миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш чоралари кўрилганини қайд қилдилар.

Тўртинчидан, мамлакатимизда коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ муайян тажрибалар тўпланди. Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг мамлакат хавфсизлигига таъсири хусусида кўплаб аҳамиятли мулоҳазалар билдирилган. Ушбу икки ижтимоий иллат бир-бири билан чамбарчас боғланган. Коррупция, мамлакатнинг биринчи раҳбари таъкидлаганидек, “энг аввало уюшган жинойий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидир”⁶⁴. Шу боисдан ҳам “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси”да коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш стратегик аҳамиятга молик вазифалар туркумига киритилган.

Мустақиллик йилларида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида муайян натижаларга эришилди, албатта. Масалан, 2008 йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”га қўшилди ва уни бажаришга киришди. 2010 йилда мамлакатимиз Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар

⁶² Назаров Н. Ўзликни англаш ва миллатлараро муносабатлар тадқиқида жамоатчилик фикри трансформацияси // Ижтимоий фикр, 2018, – №3. – Б.117.

⁶³ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

⁶⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.90.

режасига қўшилди⁶⁵. Бироқ бу йўналишдаги фаолият, айниқса, кейинги йилларда самарали тус олди. Бунга 2017 йилнинг 3 январида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши туртки берди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 27 майида “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармоннинг имзоланиши эса коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш учун реал шарт-шароит яратди. Мазкур ҳужжатларнинг бажарилиши борасида кейинги уч йилда эришилган муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда, турли таҳлил ва мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров⁶⁶ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 67,6 фоизи мамлакатда бундай тажрибалар етарли даражада жамланганини қайд қилдилар.

Бешинчидан, Ўзбекистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ тажрибалар тўпланиб бормоқда. Давлат тузилмаларида бир ҳудуд ёхуд уруғга мансублиги принципи асосида танланган кишиларнинг жамланиб қолиши умуммиллий эмас, тор гуруҳчилик манфаатларининг ҳимоя қилинишига, ижтимоий пиллапоярларнинг интеллектуал салоҳияти баланд ва қобилиятли фуқаролар учун ёпилиб қолишига, лавозимларнинг уқувсиз ва бирор касбий маҳоратга эга бўлмаган кишилар томонидан эгаллаб олинishiга сабаб бўлади. Аслида мазкур ижтимоий иллатлар генезиси феодал муносабатларга бориб тақалади,

⁶⁵ Саидов А. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга коррупциянинг таъсири // Ижтимоий фикр, 2017, – №2. – Б.8.

⁶⁶ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

Бироқ замонавий кишилик жамияти ҳам бугунга қадар уларнинг ижтимоий оқибатларидан азият чекмоқда. Шу сабабдан энг ривожланган мамлакатларда ҳам маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка қарши курашиш дастурлари қабул қилинмоқда, уларга барҳам бериш имконини берадиган механизмлар шакллантирилмоқда.

Тўғри, мамлакатимизда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатига барҳам бериш борасида ҳали ечимини кутиб турган муаммолар талайгина. Шунинг назарда тутган ҳолда давлат раҳбари бу иллатларни Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган энг муаммоли масалалар туркумига киритди. “Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар, - деб таъкидлаган эди у, - давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда”⁶⁷. Бироқ, эътироф этиш лозимки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маълум давлат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқларининг муайян ҳудуд ва уруғ вакиллари томонидан эгаллаб олиниши, давлатнинг умуммиллий манфаатларни эмас, тор гуруҳлар манфаатларини қондирувчи институтга айланиб қолишининг олди олинди. Бинобарин, Ўзбекистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг олдини олиш борасида муайян тажрибалар тўпланган, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров⁶⁸ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 60,8 фоизи мамлакатда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг олдини олиш борасида етарли чоралар кўрилаётганини қайд қилдилар.

⁶⁷ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.46.

⁶⁸ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

Олтинчидан, мамлакатимизда экологик муаммоларнинг олдини олиш билан боғлиқ тажрибалар тўпланди. Маълумки, ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, экологик муаммолар умумбашарий тус олди. Бунинг устига экологик вазиятнинг кескинлашуви ва атроф-муҳит ифлосланиши ижтимоий тараққиёт суръатларини сусайтирувчи, мамлакат хавфсизлигига путур етказувчи омилга айланди. Ҳозирнинг ўзида атроф-муҳит муаммолари билан боғлиқ харажатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг камида 4-6 фоизини ташкил қилмоқда⁶⁹. Хусусан, мамлакатимизда ер сифат таркибининг пасайиб бораётгани, сув захиралари тақчиллиги, Орол денгизининг қуриши оқибатлари, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши жамиятимиз олдида турган стратегик масалаларни ҳал қилишга, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасини оширишга, фуқаролар турмуши фаровонлигини юксалтиришга ҳалал бераётир. Бинобарин, экологик хавфсизликни таъминлаш – умуммиллий ва стратегик аҳамиятга молик масаладир.

Мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, сув захираларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш, ҳавонинг ҳаддан зиёд ифлосланишининг олдини олиш ва шу каби масалалар бу борадаги асосий вазифалар сифатида қабул қилинмоқда. Мазкур вазифаларни бажариш учун йилдан-йилга салмоқли маблағ ажратилиб келинаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Масалан, биргина Оролбўйидаги экологик вазиятни соғломлаштириш учун кейинги йилларда умумий суммаси 5,5 миллиард долларга тенг бўлган лойиҳа ишлари амалга оширилди⁷⁰. Экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия захираларидан фойдаланишни йўлга қўйиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий генофондни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турлари билан бойитиш, шаҳарлар ва туманларни

⁶⁹ Исаджанов А. Ўзбекистон: барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик омиллари.// Халқаро муносабатлар, 2017, – №4. – Б.119.

⁷⁰ Выступление Б. Алиханова. Материалы международного «круглого стола» «Внешнеполитическая и внешнеэкономическая деятельность Узбекистана в рамках Стратегии действий на 2017-2021 //Халқаро муносабатлар, 2017, – №4. – С.39.

ривожлантириш режаларини экологик хусусиятларни инобатга олган ҳолда тузиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган илмий билимлар ҳам шаклланмоқда. Масалан, проф. Х.Саломова экологик хавфсизликни таъминлашда меъёрга риоя қилишнинг фалсафий асосларини илгари суради.⁷¹ Бироқ экологик муаммонинг умумбашарий характери сўнмас экан, у мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган омил сифатида қолаверади.

Ўзбекистонда экологик муаммоларнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров⁷² иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 79,14 фоизи мамлакатдаги экологик муаммоларни бартараф этиш борасидаги тажрибаларни ижобий баҳоладилар.

Еттинчидан, Ўзбекистонда маънавий таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ тажрибалар тўпланди. Постмодерн жамият шахс дунёқараши, эътиқоди, ижтимоий фазилатлари, ҳаётини позициясини тубдан ўзгартиришга қодир омилларга бойлиги билан характерланади. Ушбу омилларнинг ҳаммасини ҳам позитив хусусиятга эга, дейиш қийин. Шахс маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатадиган, унда турли иллатларнинг илдиз отишига, ғайриинсоний ғояларнинг қарор топишига сабаб бўлгувчи омиллар ҳам талайгина. Айнан ана шу омиллар маънавий таҳдид сифатида эътироф этилади. Бу омиллар ҳақида илмий манбаларда атрофлича мулоҳаза юритилгани инобатга олиб, биз масаланинг бу жиҳатига тўхталишни мухтасар қиламиз.

Бироқ, алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг ўтган чорак аср мобайнида Ўзбекистонда маънавий

⁷¹ Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти.- Бухоро:Дурдона, 2018.- Б.171.

⁷² Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

тахдидларнинг олдини олишнинг ўзига хос механизми ва тажрибаси шакллантирилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи махсус оммавий ахборот воситалари тизимининг вужудга келтирилиши, маънавий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказишнинг умуммиллий тус олиши, маънавий тарғибот ойликлари ўтказишнинг анъанавий тус олиши шундан далолат беради. Ана шундай механизм ва тажрибаларнинг мавжудлиги туфайли фуқароларнинг маънавий таҳдид омилларидан воқифлиги даражаси ошиб бораётир. Масалан, Андижон туман иқтисодиёт ва транспорт коллежида 2016 йилда ўтказилган социологик сўровда ўқувчиларнинг 73,3 фоизи диний экстремизм ғояларининг ғайриинсоний моҳиятини тўғри талқин қила олганлар. Йигит ва қизлар орасида ўтказилган ғоявий иншо эса уларнинг мафкуравий билимлари доирасининг кенглигини кўрсатди⁷³.

Ўзбекистонда маънавий таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров⁷⁴ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 85,5 фоизи мамлакатда маънавий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали йўллари жорий этилганини айтиб ўтдилар.

Албатта, Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, маънавий-маърифий ишлар узлуксизлигини таъминлаш борасида ҳали ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам кўп. Бироқ Ўзбекистонда шахс ва жамият маънавий хавфсизлигини таъминлаш борасида ўзга мамлакатлар воқелигида учрамайдиган механизм ва тажриба шаклланишига, бугунги кунда бу механизм ва тажриба миллий маънавий макон софлигини таъминлашга хизмат қилаётганига кўз юмиб бўлмайди.

⁷³ Исманова А. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида бузғунчи ғояларга қарши педагогик профилактикани такомиллаштириш // Педагогика, 2016, – №5. – Б.14.

⁷⁴ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

Шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш масалалари мавжуд таҳдидларни аниқлаш билан чекланмайди. Айни пайтда мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, юртнинг барқарор тараққиётини кафолатловчи омиллардан миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллий хавфсизлик ва ижтимоий тараққиёт масалалари ўзаро диалектик алоқадордир. “Барқарор тараққиёт – бу биосфера учун лозим бўлган аҳоли миқдори, иккинчидан, бу атроф-муҳитни, табиатни илмий бошқариш, ҳар бир экотизимни оқилона бошқариш, эҳтиёжларни ақлий, оқилона ва табиий меъёрдан ортиқ бўлмаган миқдорини топа билиш ва уларга риоя этиш деганидир”⁷⁵. Мамлакатда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрмасдан туриб, барқарор ижтимоий тараққиёт суръатларини таъминлаб бўлмайди. Бундай ҳолларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маданий соҳаларда эришилган муваффақиятлар турли таҳдидлар ва залолатлар таъсирида йўққа чиқиши ҳеч гап эмас. Ўз навбатида, мамлакат барқарор ижтимоий тараққиётга юз тутгани сайин унинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги ва янги омиллар юзага келади, ички ва ташқи таҳдидларга бардошлилиги даражаси эса орта боради. Бинобарин, миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг пировард мақсади мамлакатнинг ижтимоий тараққиётини таъминлаш билан боғланмоғи, ижтимоий тараққиётга элтувчи омилларнинг барчаси айни пайтда шахс, давлат ва жамиятнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоғи шарт. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ концептуал ёндашувнинг назарий-методологик асосларидан бири мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, юртнинг барқарор тараққиётини кафолатловчи омиллардан миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш масалалари билан боғланди. Ўтган чорак аср давомида мамлакатимизда бу борада қуйидаги йўналишдаги тажрибалар шаклланди:

⁷⁵ Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро: Дурдона, 2018. – Б.171.

а) либерал ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ривожлантириш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

б) мамлакат геостратегик имкониятлари ва табиий хом ашё ресурсларидан барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида фойдаланиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

в) мамлакатнинг муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб бориш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

г) фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

д) аҳолининг ижтимоий фаоллигини юксалтириш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

е) инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасидан унумли фойдаланиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

ж) миллий маънавий қадриятларни асраш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси;

з) жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни кучайтириш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг қабул қилиниши миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирларнинг янги йўналишларини белгилаб берди. Бугунги кунда қуйидаги йўналишдаги чора-тадбирлар миллий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш чоралари;

- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш чоралари;

- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш чоралари;
- ижтимоий соҳани янада ривожлантириш чоралари;
- хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш чоралари.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида нафақат миллий хавфсизликка таҳдид солувчи омилларни аниқлаш, балки уларни бартараф этиш чораларини белгилаш, ижтимоий тараққиёт омилларидан шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш тажрибалари ҳам тўпланди. Албатта, мазкур тажрибалар ўзгармас ва тугал характерга эга эмас: давр ўтиши, замон тараққиётига хос тенденцияларнинг ўзгариши, таҳдидлар характерининг янгича тус олиши билан мазкур тажрибалар ҳам такомиллаша ва тўлиша боради.

Хулоса қиладиган бўлсак, тарихий тараққиёт давомида мамлакатимиз худудида ҳукм сурган барча давлатчилик шаклларида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий барқарорликни муҳофаза қилиш масалалари давлатнинг асосий функцияларидан бири бўлиб келди. Бу ҳол мазкур соҳага доир муайян тажриба ва анъаналарнинг шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу тажриба ва анъаналар мустақиллик йилларида миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ концептуал ёндашувни шакллантиришда назарий-методологик асос вазифасини ўтади. Мазкур назарий-методологик асос мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, юртнинг барқарор тараққиётини кафолатловчи омиллардан миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш масалаларини ўз ичига олади.

§2. Ўзбекистонда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар

Миллий хавфсизликни таъминлаш борасида ўзига хос концептуал ёндашувнинг шаклланиши, 1997 йилда “Миллий хавфсизликни таъминлаш концепцияси”нинг қабул қилиниши, бир қарашда, масалани узоқ муддат кун тартибидан олмоғи лозим эди. Лекин кишилик жамияти атрибутлари тобора ўзгача тус олиб бораётгани, ижтимоий тараққиёт суръатлари муттасил жадаллашаётгани боис янги ва янги жараёнлар, тенденциялар, ҳолатлар, вазиятлар, ўзгариш омиллари ва воситалари юзага келмоқдаки, мазкур концептуал ёндашувни ҳам, концепцияни ҳам такомиллаштириш, уларни замон талабларига мослаштириш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Шунинг назарда тутган ҳолда давлат раҳбари: “Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасини самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак”, - деб таъкидлади⁷⁶. Албатта, тайёрланаётган концепция жаҳонда юзага келаётган янги таҳдидларни инобатга олишни, уларни бартараф этиш йўллари аниқ белгилашни тақозо қилади.

Ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларига келиб, кишилик жамияти ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётида мутлақо янги жараёнлар юзага кела бошлади. Жумладан, глобаллашув жараёнлари оқибатида жаҳон иқтисодиёти характери, турли мамлакатлар ўртасидаги валюта-молиявий, савдо, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқа муносабатларнинг хусусиятлари тубдан ўзгарди. Энг муҳими, бу муносабатларнинг қоидалари трансмиллий капитал ва халқаро институтлар (айниқса, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси) томонидан белгилана бошланди. Муносабатларнинг янгича тус олгани туфайли халқаро меҳнат тақсимотида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, ўтган асрнинг сўнгги чорагига қадар жаҳон иқтисодий ва технологик тараққиёти кутблари

⁷⁶ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.144.

АҚШ ва Ғарбий Европада жойлашган бўлса, эндиликда Осиё ва Тинч океани минтақасида ҳам шундай қутб юзага кела бошлади. Глобаллашув таъсирида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар характерида содир бўлган ўзгаришлар умумбашарий макроиқтисодий вазиятнинг такомиллашуви ва либераллашувига замин яратди, албатта. Лекин жаҳон иқтисодий ва технологик тараққиёти қутблари ўртасидаги рақобатнинг кескинлашуви турли мамлакатларда шахс, давлат ва жамиятнинг том маънодаги хавфсизлигига, барқарор тараққиётига таҳдид солаётган янги омилларни вужудга келтирди.

Жаҳон иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар кишилик жамияти ижтимоий соҳасига ҳам янгича тус берди. Иқтисодий тараққиёт, бир томондан, ижтимоий соҳага сарфланадиган маблағ миқдорини кескин ошириш имконини яратди. Бунинг натижасида ижтимоий соҳанинг энг муҳим таркибий қисмлари – таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида том маънода инқилобий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар жамиятда саводхонлик даражасининг ошишига, маълумот олиш имкониятларининг кенгайишига, умр давомийлигининг ўсишига, фуқаролар турмуш даражасининг ошишига, соғлом турмуш тарзи элементларининг пайдо бўлишига олиб келди. Иккинчи томондан, янги иқтисодий муносабатлар жамият аъзолари ва турли гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар характерини ҳам ўзгартирди. Эндиликда қарийб барча замонавий жамиятларда бу муносабатлар ҳуқуқ ва қонун меъёрлари асосида ташкил қилинмоқда. Бундай ёндашув жамиятдаги моддий неъматларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш механизмини, кишиларнинг турмуш шароитини, оилаларнинг моддий аҳволини, алоҳида эътиборга муҳтож жамият аъзоларининг ижтимоий ҳимояланганлиги даражасини ва шу каби кўплаб жиҳатларни яхшилади. Айни пайтда ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар қатор ижтимоий иллатларнинг ҳам илдиз отишига сабаб бўлди. Ташвишланарли томони шундаки, айрим ҳолларда бу иллатлар бутун бошли мамлакат, миллат хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига таҳдид даражасига кўтарилмоқда.

Янги аср арафасига келиб, жаҳондаги сиёсий вазият, сиёсий муносабатлар, бу муносабатларнинг субъектлари ўртасидаги мувозанат ҳам кескин ўзгарди. Хусусан, жаҳондаги сиёсий тенденциялар аср бошларида АҚШ, кейинчалик АҚШ ва Европа Иттифоқининг халқаро сиёсат майдонидаги саъй-ҳаракатлари эвазига юзага келган бўлса, бугунги кунда бундай таъсир марказлари Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Лотин Америкасининг етакчи мамлакатлари ҳисобига бойиди. Янги асрда умумэтироф этилган халқаро сиёсий муносабат нормалари ва ҳуқуқий меъёрларининг қўпол бузилиши одат тусига киргани боис бу марказлар ўртасидаги муносабатлар янада кескин тус олмоқда. Эндигина ижтимоий тараққиёт палласига кирган кўплаб мамлакатлар мазкур геосиёсий марказларнинг манфаатлари туташган ва тўқнашган нуқтага айланиб қолмоқда. Бундай вазият жаҳондаги ривожланаётган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун мисли кўрилмаган таҳдидларни вужудга келтирмоқда.

Кишилиқ жамиятининг маънавий соҳаси ҳаминша бошқа соҳалардаги ўзгаришларга монанд равишда янгилана борган. Жаҳон иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий маконидаги, халқаро ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлардаги эврилишлар янги асрда ҳам маънавий соҳани четлаб ўтмади. Масалан, ривожланган мамлакатлар ўртасида авж олиб бораётган иқтисодий рақобат, турли геосиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлар характерининг ўзгариши, халқаро ижтимоий муносабатларнинг янгича тус олиши жаҳондаги ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг кескинлашувига замин яратди. Мафкура, мафкуравий таъсир жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий устунликка эришишнинг таъсирчан воситасига айланди. Шунинг учун ҳам икки қутбли дунёнинг барҳам топиши билан бир қадар сусайган мафкуравий кураш бугунги кунда яна долзарб воқеликка айланмоқда. Бу воқелик мамлакатлар хавфсизлиги ва тараққиётига ғоявий-мафкуравий таҳдид солувчи омилларни ниҳоятда кўпайтирмоқда.

Хуллас, янги асрнинг биринчи чорагида жаҳон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий маконида, халқаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муносабатлар табиатида содир бўлган ўзгаришлар, бир томондан, кишилиқ жамиятини юксалиш ва тараққиёт сари етаклаган бўлса, иккинчи томондан, унинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига ҳалал берувчи ва таҳдид солувчи янги ва янги омиллар сонини оширди. Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ҳаёт ҳам жаҳон тенденцияларига мос равишда ўзгариб борди. Жаҳонда ижтимоий тараққиётга хизмат қилган тенденциялар Ўзбекистонда ҳам тараққиёт манбаи вазифасини ўтади ва, аксинча, дунё мамлакатлари хавфсизлигига таҳдид солган омиллар мамлакатимизда ҳам шундай характер касб қилди. Бинобарин, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш масаласини кун тартибига қўяр эканмиз, энг аввало, шахс ҳаёти ва маънавий қиёфасига, давлат ва унинг институционал тизимларига, жамият барқарорлиги ва ривожига таҳдидларни аниқ белгилаб олиш, уларнинг ўзига хос, муфассал таснифини шакллантириш зарур бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солиб турган омил ҳамда жараёнлар талайгина. Биз уларни миллий хавфсизлик триадаси объектларига мутаносиб равишда шахс хавфсизлигига таҳдидлар, давлат хавфсизлигига таҳдидлар, жамият хавфсизлигига таҳдидларга таснифладик. Бироқ мазкур таҳдидларни таснифлашда айрим хусусиятларни инобатга олмоқ даркор. Биринчидан, таҳдидларни шартли равишдагина миллий хавфсизликнинг у ёки бу объектига дахлдор деб топиш мумкин. Чунки бир ўринда шахс хавфсизлигига таҳдид солган омил бошқа ўринда давлат ёки жамият хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Жамият хавфсизлигига таҳдид эса муайян даражада шахс ҳаёти ва фаолияти, маънавий қиёфасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган барча омилларни тугал констатация қилишнинг имкони йўқ. Чунки муайян даврда айрим омиллар ёрқин бўй кўрсатса, бошқаларини дарҳол илғаб олиш қийин кечади. Баъзи

тахдид омиллари илк миқдорий ўзгаришлар рўй берганидаёқ намоён бўла бошласа, бошқалари туб сифатий ўзгаришларга олиб келгунига қадар кўзга ташланмайди. Учинчидан, хавфсизликка тахдид солаётган омилларнинг ҳар қандай таснифи субъектив характерга эга. Чунки уларни тахлил қилаётган иқтисодчи иқтисодий, сиёсатчи сиёсий, социолог эса ижтимоий омилларга урғу беради ва таснифлайди.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда шахс хавфсизлигига тахдид солаётган асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Шахс хавфсизлигига қатор иқтисодий омиллар тахдид солмоқда. Масалан, мамлакатимизда ишсизлик нафақат кескин ижтимоий муаммо, балки шахснинг ҳаёти ва фаолияти самарасига салбий таъсир кўрсатаётган омилга айланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, 2019 йилда мамлакат аҳолиси 33 миллион 255 минг 538 кишига етган⁷⁷. Шунинг 13 миллиони ишга яроқли аҳоли саналади⁷⁸. Мамлакат аҳолиси таркибида ишсиз сифатида қайд қилинганлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, кейинги ўн йилда ишсизлик даражасининг ўсиши қуйидагича бўлган⁷⁹:

2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
5,0	5,4	5,0	4,9	4,9	5,1	5,2	5,2	5,8	9,3

Расмий маълумотлар реал вазиятни тугал акс эттирмайди, албатта. Бироқ шунинг ўзи ҳам мамлакатда ишсизлик даражаси табиий меъёрлардан баланд эканлигини (мутахассислар бу меъёрларни 5 фоиз атрофида деб ҳисоблашади)⁸⁰, унинг ошиши эса тенденциявий тус олганини кўрсатиб турибди. Ишсизликни камайтириш имконини берадиган асосий омил – янги иш ўринлари яратилишининг аҳволи эса қониқарли эмас. Давлат раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида

⁷⁷ Қаранг: Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши // http://web.stat.uz/open_data/uz/1.1%20Aholi%20soni%20uzb.pdf.

⁷⁸ Қаранг: Солиқ соҳаси тубдан ислох этилади // <https://www.uzbekistan.de/uz/nachrichten/nachrichten>.

⁷⁹ Қаранг: Ишсизлик даражаси тўғрисида маълумот // [http://web.stat.uz/open_data/uz/11.2%20OOD Unemployment rate uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/11.2%20OOD%20Unemployment%20rate%20uzb.pdf).

⁸⁰ Горшенина Е.В. Занятость и безработица // Экономические исследования, 2017, №3. – С.6.

келтирилган маълумотларга асосан, 2016 йилда 1,5 миллион одамни ишга жойлаштириш зарурияти бўлган бир вақтда республикада атиги 248 минг иш ўрни яратилган, холос⁸¹. Бунинг оқибатида хорижга (асосан Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасига) иш излаб кетаётганлар сони кескин ошиб бормоқда. Айрим маълумотларга қараганда, мамлакат фуқароларининг 2 миллиондан ортиғи Россияда, 600 мингдан ортиғи Қозоғистонда ишламоқда⁸². Россия Федерациясининг мутасадди ташкилотлари эса бундан ҳам каттароқ рақамларни келтирадилар. Бундай жараёнлар натижасида меҳнат қобилиятига эга бўла туриб, иш топа олмаётган фуқароларнинг ижтимоий норозилиғи йил сайин ошиб бормоқда. Бунинг устига, ҳар бир фуқаронинг ишсиз қолиши нафақат унинг турмуши даражасига, балки оила аъзоларининг ҳаёти, эҳтиёжларини қондириш меъёрларига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда яна бир хавф юзага келмоқда. Маълумки, БМТ қабул қилган нормаларга кўра, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори соатига 3 доллардан кам бўлмаслиги керак. Демак, кунига 8 соатдан меҳнат қилаётган ходим бир ойда камида 550-600 доллар маош олиши даркор. Бу меъёрдан кам бўлган иш ҳақи фуқаро ҳаётининг эҳтиёжларини қондиришга имкон қолдирмайди. Мамлакатимизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 577170 сўм (тахминан 60 доллар атрофида) қилиб белгиланган. Ҳатто ўртача маош миқдори ҳам БМТ белгиланган нормалардан анча паст. Натижада Ўзбекистонда ишлаб туриб ўз эҳтиёжларини қондиришга ожиз бўлган фуқаролар, ишлаётган камбағаллар сони салмоқчилигича қоляпти. Бу эса шахснинг хавфсиз ҳаётини таъминлашга халал бермоқда. Шунинг назарда тутган ҳолда давлат раҳбари камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни тақлиф этди⁸³.

⁸¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.270.

⁸² Исакулов Ш. Проблемы выработки идеологического иммунитета трудовых мигрантов // Общественное мнение. Права человека, 2018, – №1. – С.90.

⁸³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

2. Шахс хавфсизлигига турфа ижтимоий омиллар таҳдид солмоқда. Ана шундай омиллардан бири узлуксиз таълим тизими имкониятлари ва ижтимоий ислохот мақсадлари ўртасида диспропорциянинг юзага келиши билан боғлиқ. 2017 йилга келиб, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 27 фоизга⁸⁴, аҳолининг олий таълим билан қамраб олиниши 9 фоизга тушиб кетди⁸⁵. Натижада ёш аҳолининг катта қисми жамиятнинг тарбиявий-мафкуравий таъсиридан четда қолиб кета бошлади. Таълим билан қамраб олинган ёшлар ижтимоий қиёфасини шакллантириш масаласи ҳам моддий-техника базаси заифлиги туфайли оқсамоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг аксарият қисми замонавийлик мезонларига жавоб бермайди. Ҳозирги кунда 2200дан ортиқ мактабларда ичимлик суви ташиб келтирилади, 2000дан ортиқ мактабда спорт зали, 3000дан ортиқ мактабда ошхонаси мавжуд эмас, 3000дан ортиқ мактаблар атрофи тўлиқ ўралмаган, 1500дан ортиқ мактаблар ностандарт печлар орқали иситилади, 6900дан ортиқ мактаб биноларида ички, 1500дан ортиқ мактабларда ташқи канализация тизими ва 8100дан ортиқ мактабларда ички ҳожатхона мавжуд эмас. Умумтаълим муассасаларида мавжуд жиҳозларнинг 50 фоизи маънавий жиҳатдан эскирган⁸⁶, олий таълимнинг молиялаштирилиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,4 фоизини ташкил этди⁸⁷. Тўғри, кейинги йилларда таълим тизимидаги вазиятни ўнглаш чоралари кўрилди. Масалан, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 52 фоизга⁸⁸, аҳолининг олий таълим билан қамраб олиниши 20 фоизга етказилди. Бироқ, шунга қарамасдан, узлуксиз таълим билан ижтимоий ислохот мақсадлари ўртасидаги диспропорция бартараф бўлгани йўқ. Мазкур диспропорция эса шахсга жамиятда ўз ўрнини топишига, нуфузини юксалтиришига халал бермоқда.

⁸⁴ Қаранг: Раҳмонбоева Л. Мактабгача таълим: муаммолар ва уларнинг ечимлари // <https://kun.uz/67777797>.

⁸⁵ Қаранг: Хўжаев Ғ. Олий таълим муаммолари: таққос ва статистика // <https://kun.uz/67316320>.

⁸⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Замонавий мактаб” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида // <https://regulation.gov.uz/ru/document/3506>.

⁸⁷ Қаранг: Хўжаев Ғ. Олий таълим муаммолари: таққос ва статистика // <https://kun.uz/67316320>.

⁸⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

Мамлакатдаги ижтимоий-маданий инфраструктура турғунлиги ҳам шахс хавфсизлигига таҳдид солувчи омилга айланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 37 та профессионал театр, 894 та маданият марказлари, 70 та халқ ҳаваскорлик театрлари фаолият кўрсатаётгани таъкидланади⁸⁹. Бирок профессионал театрларнинг катта қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган. Маданият марказлари ва халқ ҳаваскорлик театрларининг аксарият қисми мунтазам фаолият олиб бормаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бирор вилоят марказида концерт заллари, тасвирий санъат кўргазмалари павильонлари фаолият кўрсатмайди. Музейларнинг оммабоплигини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Натижада ижтимоий-маданий инфраструктура объектларининг шахс маънавий қиёфаси шаклланишига таъсири аста-секинлик билан сусайиб бормоқда.

3. Шахс хавфсизлигига таҳдид солаётган сиёсий омиллар ҳам мавжуд. Бундай омиллар туркумига, масалан, маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушиб бораётганини киритиш мумкин. “Биз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан зиёд марказлашиб кетганидир”, - деб таъкидлади давлат раҳбари⁹⁰. Бунинг натижасида маҳаллий ҳокимият органлари жойлардаги ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишнинг уддасидан чиқмай қўйди. Шунинг учун ҳам ижтимоий фикр маркази ўтказган социологик сўровларда респондентларнинг 37,5 фоизи банк тизимидаги, 28,4 фоизи тиббиёт соҳасидаги, 26,8 фоизи халқ ва олий таълим муассасаларидаги, 22,0 фоизи ижтимоий ҳимоя борасидаги, 40,4 фоизи энергетик ресурслар билан таъминлашдаги, 20,0 фоизи ичимлик суви билан таъминлашдаги вазиятдан қониқмасликларини маълум қилдилар⁹¹. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларининг чекланиши маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг пасайишига сабаб бўлди. Сўровларда респондентларнинг атиги 38,7

⁸⁹ Ҳайдаров А. Жаҳон нигоҳидаги диёр // Театр, 2017, – №1. – С.38.

⁹⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган олий баҳодир. Ж.2. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.99.

⁹¹ Ўзбекистон: общественное мнение // Общественное мнение. Права человека, 2017, – №1. – С.21.

фоизигина уларнинг фаолиятини маъқуллагани шундан⁹². Бундай ҳолат шахс ҳаёти ва фаолияти хавфсизлигига таҳдид соладиган омилга айланди.

2019 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар яна бир омилнинг таҳдидли тус олганини ошқор қилди. Умуман олганда, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтказилган ушбу жараёни демократия мезонлари асосида ўтказилди – 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан иштирок этган 825 нафар кузатувчи⁹³ ҳам буни қатъий қайд қилдилар. Бироқ сайловлар турли партияларнинг дастурлари ва интилишлари, ижтимоий тараққиёт мўлжаллари ҳақидаги тасаввурлари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасидаги ёндашувларида фундаментал тафовутлар мавжуд эмаслигини, уларнинг бирортаси ўзини амалдаги ҳокимиятга муҳолиф сифатида кўрмаслигини намоён қилди. Бундай вазиятда жамиятдаги сиёсий плюрализм имитацион характер касб этмоқдаки, у келгусида шахс сиёсий қарашлари ва позициясининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

4. Бугунги кунда шахс хавфсизлигига таҳдид солаётган маънавий омиллар, айниқса, кўпайиб кетмоқда. Бу ўринда ахлоқсизлик ва зўравонлик тарғиботи мисли кўрилмаган кўлам касб этаётгани, ғарбона индивидуализм ва эгоцентризм тарғиботи шахс маънавий қиёфасига жиддий таъсир ўтказаётгани, турли ғайриинсоний ғояларнинг тарқалиши маънавий хавфсизликни емирувчи омилга айланаётгани ҳақида мутахассислар атрофлича мулоҳаза юритганлар. Шу боисдан биз масаланинг мазкур жиҳатига муфассал тўхталмасдан, бу омиллар бугунги кунда ҳам таъсирини камайтирмаганлигини таъкидлаш билан чекланамиз. Бироқ шахс хавфсизлигига таҳдид солаётган маънавий омиллар ичида мафкуравий бефарқликнинг салмоғи тобора ошиб бораётгани уни алоҳида эътироф ва таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

⁹² Ўша ерда. – С.22-23.

⁹³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

XX аср мобайнида ҳар қандай жамиятда мафкура ижтимоий жараёнларга қудратли таъсир кўрсатадиган омил вазифасини ўтади. Фарбда ҳам, Шарқда ҳам ижтимоий тараққиёт мўлжаллари муайян мафкура нуқтаи назаридан белгиланди. Халқаро сиёсий ва иқтисодий алоқалар, давлатлараро, жамиятлараро, ҳаттоки шахслараро муносабатлар ҳам мафкуравий мезонлардан холи бўлмади. Энг эътиборлиси, шахс ҳаёти ва фаолияти, унинг интилиш ва эҳтиёжлари устувор мафкурага мутаносиб равишда шакллантирилди. Бундай вазият ўтган асрнинг охирларига келиб, кишиларнинг мафкурадан юз ўгиришига, ҳар қандай мафкурага бўлган эътиборининг сусайишига сабаб бўлди. Бошқача айтганда, кишилар жамиятдаги мафкураларнинг вужудга келиши ва йўқолиши жараёни, мафкуравий муносабатлар билан қизиқмай қўйдилар. Шу тариқа шахс руҳиятида ўта хавфли иллат – мафкуравий бефарқлик илдиз ота бошлади. О.Ата-Мирзаев ўтказган социологик сўровда респондентлар бундай иллат катта ёшдаги фуқароларнинг 23,5 фоизида учрашини қайд қилган бўлсалар⁹⁴, А.Исманова ўтказган сўровда коллеж ва лицей ўқувчиларининг 20 фоизи турли мафкураларга бефарқ эканлиги маълум бўлди⁹⁵. Бинобарин, жамиятимизда шахснинг ўзга, айниқса ғайриинсоний мафкуралар, мафкуравий норма ва принциплар таъсирига тушиб қолиш хавфи катталигича қолмоқда.

Бугунги кунда давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Конституциявий тузумга таҳдид солаётган омил сифатида, энг аввало, диний экстремизмни тилга олиш зарур. Бугунги кунга келиб диний-экстремистик ғояларни ўз мафкурасига айлантирган гуруҳлар ниҳоятда кўпайди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида “Ал-Қоида”, “Ал-Мурабитун”, “Ансор ул-Ислом”, “Асоиб Аҳли ал-Ҳақ”, “Асбат ал-Ансор”, “Ат-Такфир

⁹⁴ Ата-Мирзаев О. Жизненные позиции молодежи Узбекистана // Общественное мнение. Права человека, 2018, – №4. – С.51-52.

⁹⁵ Исманова А. Ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимида бузгунчи ғояларга қарши педагогик профилактикани такомиллаштириш // Педагогика, 2016, – №5. – Б.14.

вал-Ҳижра”, “Аҳрор аш-Шом”, “Мусулмон биродарлар”, “Жамоат Ансор ас-Сунна”, “Жамоат ат-Тавҳид вал-Жиход”, “Доғистон ислом Шўроси”, “Ажнад аш-Шом ислом иттифоқи”, “Ислом давлати”, “Шарқий Туркистон ислом ҳаракати”, “Фаластин ислом жиҳоди”, “Ислом жиҳоди Иттифоқи”, “Фатх-ул-Ислом”, “Хазм”, “Ҳаёт Таҳрир аш-Шом”, “Хамас”, “Хизболлоҳ”, “Хизб ут-Таҳрир ал-Исломия” каби юзлаб гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси ижтимоий ҳаётни тор сиёсий давраларнинг манфаатларига мослаштириб, нотўғри талқин қилинган дин ақидалари асосида ташкил этишни тарғиб этади, фуқароларни легитим ҳокимиятга бўйсунмасликка чорлайди. Улардан бири – 1996 йилда “Адолат уюшмаси”, “Ислом тикланиш партияси”, “Туркистон ислом партияси”, “Ислом лашкарлари” каби қатор радикал гуруҳлар негизида ташкил қилинган “Ўзбекистон ислом ҳаракати” чорак асрдан буён мамлакатдаги конституцион тузумни ўзгартиришга интилиб келади. Мазкур ташкилот нафақат Ўзбекистондаги, балки Тожикистон, Қирғизистон, Россия, Афғонистон, Покистондаги кўплаб кўпорувчилик ҳаракатларда иштирок этгани боис кўплаб мамлакатлар томонидан террористик ташкилот сифатида расман эълон қилинган. 2014 йилда “Ислом давлати”га содиқликка қасамёд қилган бу ҳаракат бугунги кунда ҳам мамлакат конституцион тузумига таҳдид солувчи тарғибот ишларини қанда қилгани йўқ. Шу боисдан бу ва бунга ўхшаган бошқа экстремистик гуруҳлар давлат конституцион тузумига таҳдид солувчи энг жиддий омил сифатида қаралмоғи лозим.

Шунингдек, хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган айрим сиёсий кучларнинг ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун конституцияга хилоф бўлган йўллардан фойдаланадиган ноқонуний ташкилотлар тузишга интилаётганини ҳам мамлакатдаги конституцион тузумга таҳдид солаётган омиллар сифатида баҳоламоқ лозим.

2. Давлат суверенитетига таҳдид солаётган омиллар ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, турли мамлакатлар ўртасидаги технологик тафовутнинг ниҳоятда катталашиб кетгани давлатлар, хусусан, Ўзбекистон

хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги технологик тараққиёт мисли кўрилмаган натижаларни юзага келтирмоқда, муттасил жадаллашиб бормоқда. Айни пайтда ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатлар (Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас) ўз технологик тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган молиявий манбаларни топишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бундай манбаларга бўлган эҳтиёж уларни халқаро молиявий ташкилотларга (масалан, Халқаро валюта жамғармаси ёки Жаҳон банкига) кредит сўраб мурожаат этишга мажбур қилмоқда. Кредитлар эса муайян иқтисодий, молиявий, ижтимоий талаблар асосида тақдим қилиняпти.

Энг қизиғи, тақдим этилган кредит мамлакат иқтисодий ва технологик тараққиётини таъминлашга хизмат қилмаяпти. Масалан, кейинги 30 йил давомида иқтисодий ўсиш суръатлари ХВЖдан мутлақо кредит олмаган 16 мамлакатда 2 фоизни, ЯИМнинг 1 фоизи миқдорида кредит олган мамлакатларда 1,9 фоизни, ЯИМнинг 2,5 фоизи миқдорида кредит олган мамлакатларда 0,9 фоизни, ЯИМнинг 5 фоизи миқдорида кредит олган мамлакатларда 0,4 фоизни ташкил этган. Жамғармадан ЯИМнинг 5 фоизидан кўпроқ миқдорда кредит олган мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичлар 0,4 фоизга пасайган⁹⁶. Хуллас, кредитлар аксарият ҳолларда иқтисодий тараққиётга хизмат қилмаяпти, лекин унинг ҳажмининг, оқибат сифатида давлат ташқи қарзининг ошиши бир гуруҳ давлатларнинг иқтисодий, молиявий, айрим ҳолларда сиёсий жиҳатдан бошқа давлатларга, улар ташаббуси билан тузилган халқаро молиявий ташкилотларга тобе бўлиб қолишига замин яратмоқда. Натижада барча халқаро меъёрлар бўйича мустақил сиёсий субъект сифатида тан олинган давлат аслида мамлакат тараққиёти мўлжалларини, ташқи сиёсатни амалга ошириш принципларини, халқаро муносабатларда иштирок этиш қоидаларини мустақил белгилаш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Худди шунинг учун ҳам мамлакатлар

⁹⁶ Қаранг: Илларионов А. Кредиты МВФ не делают экономику растущей // <https://delo.ua/economyandpoliticsinukraine/kredity-mvf-ne-delajut-ekonomiku-rastuschej-285041/>

ўртасидаги технологик тафовутнинг катталашиб бораётгани давлат хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланмоғи даркор.

3. Мамлакат ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган айрим ички ва ташқи омиллар мавжудлигини тан олиш лозим. Жумладан, пойтахт ва вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётида тафовутнинг мавжудлиги, мамлакат шаҳар ва қишлоқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти суръатларининг фарқланиши юрт ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички омиллар сифатида баҳоланиши мумкин.

Ташқи омиллар туркумида эса сепаратизмнинг алоҳида ўрни бор. Тўғри, вақтида “Олға, Қорақалпоғистон” каби сепаратистик ҳаракатлар ташкил этиш орқали мамлакат ҳудудий яхлитлигига путур етказишга интилишлар бўлганига қарамасдан, бугунги кунда сепаратизм давлат хавфсизлигига бевосита таҳдид солаётган омил деб саналиши мумкин эмас. Бироқ янги аср арафасига келиб, жаҳонда сепаратизм турли мамлакатларда илдиз отиб бораётган хавфли тенденцияга айланди. Бугунги кунда 30 дан ортиқ мамлакатлар сепаратизм билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдалар. Масалан, Австрияда “Unity List” сиёсий партияси Каринтияни, Бельгияда “Янги фламандча альянс” сиёсий партияси Фландрияни мустақил давлатга айлантиришга интилишларини канда қилмаяптилар. Худди шу тарздаги муаммолар Белоруссия, Босния ва Герцеговина, Буюк Британия, Германия, Греция, Грузия, Дания, Испания, Италия, Кипр, Литва, Шимолий Македония, Молдова, Норвегия, Озарбайжон, Польша, Россия, Руминия, Сербия, Туркия, Украина, Финляндия, Франция, Хорватия, Черногория, Чехия, Швейцария, Швеция каби давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётир. Энг ташвишланарлиси, турли мамлакатлардаги ижтимоий вазиятни издан чиқариб юбориш илинжида бўлган ташқи сиёсий кучлар аҳолининг маълум қатлами орасидаги сепаратистик кайфиятлардан ўз мақсадлари йўлида устакорона фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам мамлакат ичида сепаратистик кайфиятлар мавжуд эмаслигидан қатъий назар, жаҳоннинг турли нуқталарида вужудга келган ҳар қандай сепаратистик ҳаракат давлат

хавфсизлигига таҳдид уйғотиши мумкин бўлган омил сифатида баҳоланмоғи даркор.

Бугунги кунда жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган асосий омиллар қуйидагилардан иборат.

1. Ташқи ва ички иқтисодий омиллар. Бунда ташқи омил сифатида халқаро рақобатнинг кескинлашиб бораётганини эътироф этиш мумкин. Янги асрдаги рақобатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлмоқдаки, у нафақат турли корпорация ва концернлар, компания ва фирмалар, ташкилот ва корхоналар ўртасидаги, балки улар орқали ўз сиёсий муддаоларини рўёбга чиқаришга интилаётган давлатлар орасидаги муносабатларни ҳам қамраб олмоқда. Инновацион технологияларни қўллаш, турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, иқтисодий шериклар билан алоқаларни йўлга қўйишда устунликка эришиш мазкур рақобатнинг асосий мақсадига айланди. Бундай рақобат жаҳон бозорида бутун-бутун тармоқлар, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, товар ва хизматлар савдосининг у ёки бу давлат протекцияси остида бўлган компаниялар тасарруфига ўтиб кетишига сабаб бўлмоқда. Масалан, бугунги кунда технологиялар ва жиҳозлар бозорида “Apple”, нефть маҳсулотлари бозорида “Exxon Mobil”, дастурий таъминот бозорида “Microsoft” ва “Google”, суғурта бозорида “Berkshire Hathaway” компаниялари мутлақ ҳукмронлик қилмоқда⁹⁷. Бундай вазият ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун турли маҳсулот ва хизматлар бозоридан ўз ўрнини топиш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш ва шунинг билан иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришда турли мушкулотлар туғдирмоқда.

Жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган ички иқтисодий омиллар ҳам талайгина. Масалан, иқтисодиёт тармоқлари технологик базасининг қоқоқлиги, экспортнинг хомашёвий йўналтирилганлиги, хуфиёна иқтисодиёт кўламининг юқорилиги ижтимоий тараққиёт суръатларини

⁹⁷ Пермякова Д. В. Монополизация международных рынков крупнейшими транснациональными корпорациями // Молодой ученый, 2015, №16. С. 293-296.

жадаллаштиришга халал бермоқда. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномасида⁹⁸, “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” лойиҳасида⁹⁹ ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

2. Ижтимоий омиллар. Эътироф этмоқ даркорки, мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг ўтган чорак аср мобайнида жамият хавфсизлигига таҳдид солиб турган кўпгина омиллар таъсири бартараф этилди ёки камайтирилди. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистонда жамиятнинг экологик, демографик, ҳаётий, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида таъсирчан механизмлар шакллантирилган. Бироқ ўзгариб бораётган замон янги-янги омилларни юзага келтирмоқда ва уларга тенденциявий хусусият ато этмоқдаки, уларнинг айримлари том маънода жамият хавфсизлигига таҳдидга айланмоқда. Масалан, Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда бўлгани каби ижтимоий табақалашув жараёнининг кескин тус олиши хавфи мавжуд. Тўғри, Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг самараси ўлароқ чорак аср давомида бу жараённинг олди олиб келинди. Шунинг учун ҳам 2000-2017 йилларда мамлакатда Жини коэффиценти¹⁰⁰ 0,39 дан 0,26 га қадар пасайди. Бироқ “худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”¹⁰¹. Мамлакатдаги камбағаллар

⁹⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

⁹⁹ Қаранг: “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси// <https://regulation.gov.uz/uz/document/9413>.

¹⁰⁰ 10 фоиз бойлар (R) билан 10 фоиз камбағаллар (P) даромадлари орасидаги тафовут (R/P) – бу фоиз 0 га яқин бўлса, аҳоли тақабалашуви даражаси паст, 1 га яқин бўлса, аҳоли тақабалашуви даражаси юқори, деб ҳисобланади. БМТ тавсиясига кўра, 0,41–0,42 – хавфли даража; 0,35–0,37 – ташвишли даража; 0,25–0,26 – оптимал даража деб белгиланади.

¹⁰¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

сонининг катталигича қолаётгани ижтимоий табақалашув жараёнини рационал меъёрларда сақлаб туришни қийинлаштиряпти.

3. Мафкуравий омиллар. Миллий маънавий маконга мафкуравий таҳдидлар хусусида кўплаб жиддий илмий ишлар бажарилган. Ўзбек олимлари жамиятга таҳдид солаётган мафкуравий омилларнинг мазмуни, характери, сабаблари ва оқибатлари тўғрисида батафсил мулоҳаза юритганлари боис бу ўринда фикрларни яна бир бора такрорлаб чиқишга ҳожат йўқ. Шунинг учун биз жаҳондаги мафкуравий кураш, ғарбона хулқ-атвор норма ва принциплари тарғиби, Ғарб либерализми ғояларининг мутлақ ҳақиқат сифатида тақдим этилиши миллий маънавиятга, миллий урф-одатлар, қадриятларга жиддий таъсир кўрсатаётганини констатация қилиш билан чекланамиз. Таассуфки, бу таҳдид омиллари бугун ҳам заифлашгани ва кун тартибидан тушгани йўқ.

Хулоса қиладиган бўлсак, жаҳон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий маконида, халқаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муносабатлар табиатида содир бўлаётган ўзгаришлар, бир томондан, Ўзбекистонда тараққиёт манбаи вазифасини ўтамоқда, иккинчи томондан эса, мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид соладиган омилларни юзага келтирмоқда. Бу омилларни миллий хавфсизлик триадаси объектларига мутаносиб равишда шахс хавфсизлигига таҳдидлар, давлат хавфсизлигига таҳдидлар, жамият хавфсизлигига таҳдидлар тарзида таснифлаш мумкин. Уларнинг барчаси мазмунан мураккаблиги, шаклан турли-туманлиги, тизимли характерга эгаллиги, муайян сабабларга кўра юзага келганлиги, кўламининг кенгайиб бориши билан характерланади.

2-боб хулосалари

Иккинчи боб мулоҳазалари асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Давлат ва жамият хавфсизлиги, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мамлакатимиз ҳудудида шаклланган барча давлатчилик

шакллариининг ажралмас функцияси бўлгани боис юртимизда миллий хавфсизлик билан боғлиқ жиддий тажрибалар жамланган.

2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш масалаларига ўзига хос концептуал ёндашув ишлаб чиқилди. У қуйидагиларни ўз ичига олади: а) мамлакат хавфсизлигини таъминлаш; б) Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш; в) юртнинг барқарор тараққиётини кафолатловчи омиллардан миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш.

3. Бугунги кунда мазмунан мураккаб ва шаклан турли-туман бўлган, тизимли характерга эга, кўлами кенг янги таҳдид омиллари вужудга келмоқда. Хусусан, шахс хавфсизлигига қуйидаги омиллар таҳдид солмоқда: а) ишсизликнинг шахс ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилга айлангани; б) ишлаётган камбағаллар сони салмоқчилиги; в) узлуксиз таълим тизими имкониятлари билан ижтимоий ислоҳот мақсадлари ўртасидаги диспропорция; г) ижтимоий-маданий инфраструктура турғунлиги; д) маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушиб бораётгани; е) сиёсий плюрализм имитацияси; ж) ахлоқсизлик ва зўравонлик тарғиботи; ж) жамиятдаги мафкуравий бефарқлик муҳити.

4. Давлат хавфсизлигига қуйидаги омиллар таҳдид солмоқда: а) диний экстремизм; б) мамлакатлар ўртасидаги технологик тафовутнинг катталашаётгани; в) мамлакат минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти суръатларида тафовутнинг мавжудлиги; г) жаҳонда сепаратистик кайфиятларнинг кучаяётгани.

5. Жамият хавфсизлигига қуйидаги омиллар таҳдид солмоқда: а) халқаро рақобатнинг кескинлашаётгани; б) иқтисодиёт тармоқлари технологик базасининг қолюқлиги, в) хуфиёна иқтисодиёт кўламининг юқорилиги; г) ижтимоий табақалашув жараёнини рационал меъёрларда сақлаб туришнинг қийинлашаётгани; д) мафкуравий курашнинг авж олаётгани.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТИЗИМИНИНГ ФАЛСАФИЙ- КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Жаҳондаги ва мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлар, тенденциялар, таҳдидлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг XXI асрдаги миллий хавфсизлик концепцияси моҳиятан янги концептуал асосларга таянмоғи даркор. Албатта, бу концептуал асослар миллий хавфсизликнинг барча тизим ости таркибларини (шахс, давлат, жамият хавфсизлигини) қамраб олмағи керак. Акс ҳолда миллий хавфсизликка таҳдид солаётган омилларнинг муайян гуруҳи эътибордан четда қолиб кетиши, уларнинг олдини олиш чоралари кечикиши мумкин. Бобда Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концептуал асослари шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаоларни қамраб олиши лозимлиги очиб берилган.

Ушбу стратегик муддаоларни стихияли ва волюнтаристик равишда аниқлаб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири миллий хавфсизлик триадасининг муайян тизим ости таркибига таҳдид солиб турган омилларга мутаносиб бўлмоғи, бу омилларнинг таъсир даражаси ва кўламини камайтиришга хизмат қилмоғи, узоқ муддат давомида изчил амалга ошириладиган чоралар мажмуини қамраб олмағи даркор. Бунинг устига, бу стратегик муддаоларнинг бирини иккинчисидан ажратиб таҳлил қилиб бўлмайди. Бобда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаоларни аниқлашда ана шу назарий-методологик нуқтаи назарга таянилди.

Бобда шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар аввалги бобда тавсифланган муаммоларга мутаносиб равишда баён этилди. Ҳар бир стратегик муддаонинг рўёбга чиқишига хизмат қиладиган чора-тадбирлар мажмуи ифодалаб берилди. Албатта, ушбу чора-тадбирлар тугал ва қатъий характерга эга эмас – улар мавзуга доир янги илмий изланишлар давомида тўлдирилиши, такомиллаштирилиши мумкин ва

лозим. Бироқ мазкур йўналишдаги илмий мулоҳазаларнинг ўзи мавзуга оид хулосалар ва тажрибаларнинг тўпланишига хизмат қилади.

§1. Шахс хавфсизлигини таъминлашнинг асослари ва омиллари

Жаҳон ва Ўзбекистондаги турли ижтимоий жараёнларнинг объектив оқибати, қатор субъектив сабабларнинг таъсири ўлароқ миллий хавфсизликка таҳдид солаётган омилларнинг кўпайиб ва мураккаблашиб кетгани мамлакатимизда миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Бунинг устига, бундай концептуал асосларни шакллантираётганда таҳдид омилларини, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни, концепцияни рўёбга чиқарувчи институтларни миллий хавфсизлик триадасига мутаносиб равишда тақсимлаш лозим бўлади. Масалага бундай ёндашув ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олиш, мамлакатнинг барқарор ва хавфсиз тараққиётини таъминлаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари триада тизим ости таркибларига мутаносиб равишда уч асосий йўналишдаги стратегик муддаоларни ўзида мужассам қилмоғи даркор:

1. Шахс хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар.
2. Давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар.
3. Жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар.

Мазкур стратегик муддаоларни аниқлаётганда қуйидагиларга эътиборни қаратмоқ лозим, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, ҳар бир йўналишдаги стратегик муддаолар миллий хавфсизлик триадасининг муайян тизим ости таркибига таҳдид солиб турган омилларга мутаносиб бўлмоғи керак.

Иккинчидан, ҳар бир йўналишдаги стратегик муддаолар мавжуд таҳдидларни бартараф этишга ёки лоақал таъсир даражаси ва кўламини камайтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Учинчидан, ҳар бир йўналишдаги стратегик муддаолар мамлакат миқёсида узоқ муддат давомида изчил амалга ошириладиган чоралар мажмуини қамраб олмағи даркор.

Ушбу назарий-методологик позицияга асосланиб, мулоҳаза юритадиган бўлсак, шахс хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкинлигига амин бўламиз:

1. Жамиятдаги ишсизлик даражасининг камайиб боришига тенденциявий тус бериш. Меҳнат – инсон ҳаёти ва фаолиятининг асосий соҳасидир. Жамиятда меҳнат қилиш имкониятлари мавжуд экан, шахс ҳаёти сифати ва фаолияти самарасини орттириш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, турмуш даражасини юксалтириш имкониятлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам шахс меҳнат қилиш, иш ўрнига эга бўлиш имкониятларини ниҳоятда қадрлайди, ишга жойлашишни эса ўз ҳаётий фаолиятининг асосий мақсадларидан бири деб билади. Масалан, тадқиқотчилар М.Ғаниева ва Х.Ахмедовлар ўтказган социологик сўровларда иштирок этган ёшларнинг 79,2 фоизи ишга жойлашишни ўзларининг энг ўткир муаммолари сифатида қайд қилдилар¹⁰². Бинобарин, ишсизлик даражасининг камая бориши билан шахс хавфсизлигининг таъминланиши ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд.

Эътироф этиш керакки, мамлакатда ишсизликнинг олдини олиш масаласи ўзибўларчиликка ташлаб қўйилгани йўқ. Янги иш ўринлари яратиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири саналиб келинмоқда. Бу борада эришилган ютуқлар ҳам талайгина. Жумладан, ҳар йили мамлакатимизда минглаб иш ўринлари яратилади. Тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиб бораётгани, оилавий бизнес шаклларининг кўпаяётганлиги ҳам ишсизлик даражасини камайтиришга хизмат қиляпти,

¹⁰² Ғаниева М., Ахмедов Х. Социальное самочувствие молодежи как важный индикатор качества жизни.// Жамият ва бошқарув, 2017, №1. С. 86.

албатта. Масалан, биргина 2019 йилда 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди¹⁰³.

Бироқ, таассуфки, жамиятимизда ишсизликнинг камайиб бориши тенденциявий тус олгани йўқ. Ҳар йили 1,5 миллион кишини ишга жойлаштириш зарур бўлиб турган бир шароитда бир неча юз минг иш ўрни яратилиши вазиятни ўзгартирмаётир. Янги иш ўринлари яратилаётган, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётган бир вазиятда минглаб иш ўринларининг қисқариб кетаётгани ишсизлик муаммосини камайтиришга ҳалал бераётир. Янгидан ташкил қилинаётган иш ўринларининг сифати, шахс эҳтиёж ва талабларига мослиги ҳам эътирозларга сабаб бўлаётир. Бу ва бунга ўхшаган муаммоларни инобатга олган ҳолда, ишсизлик даражасининг камайишига тенденциявий тус бериш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, яратилаётган янги иш ўринлари сони билан ишга жойлаштириш зарур бўлган кишилар миқдори ўртасидаги номуносибликни бартараф қилиш механизмини яратиш зарур.

Иккинчидан, яратилаётган янги иш ўринлари сони билан қисқартирилган иш ўринлари сони ўртасидаги тафовутни камайтириш чораларини кўриш лозим.

Учинчидан, муносиб маош билан таъминлашга қодир иш ўринлари яратиш масаласини кун тартибига қўймоқ даркор.

Мазкур чоралар биргина дастур миқёсида ёхуд сиёсий ирода асосида амалга оширгулик юмуш эмас. Уларни рўёбга чиқариш учун мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлаш зарур бўлади, албатта. Лекин ушбу чораларнинг муттасил диққат марказида туриши ишсизлик муаммоси салбий оқибатларини камайтиришга ва шу йўл билан шахс хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

¹⁰³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

2. Жамиятдаги камбағаллар сонини кескин камайтиришга хизмат қиладиган иқтисодий механизмлардан унумли фойдаланиш. Камбағаллик – энг оддий эҳтиёжларни қондириш ва меҳнат қобилиятини сақлаб туриш имконини бермайдиган иқтисодий-маиший аҳволдир. У нафақат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти суръатларини сусайтиради, балки шахс ҳаёти ва фаолияти сифатини ҳам пасайтиради, унинг маънавий деградациясига сабаб бўлади. Ўтган аср давомида дунёда камбағалликни бартараф этиш борасида салмоқли чоралар амалга оширилганига қарамасдан, у бугунга қадар умумжаҳон тенденцияси сифатида сақланиб қолмоқда. Жаҳон банкининг 2018 йилда тақдим қилинган маърузасида таъкидланишича, бугунги кунда сайёра аҳолисининг қарийб 46 фоизи, яъни 3 миллиард 400 миллион киши камбағалликда кун кечирмоқдалар¹⁰⁴. Ўзбекистонда узок йиллар давомида ушбу муаммо жиддий эътибордан четда бўлиб келди. 2020 йилга келибгина давлат раҳбари мамлакатда 4-5 миллионга яқин камбағал фуқаролар мавжудлигини маълум қилди.

Лекин бундан мамлакатда камбағалликни бартараф қилишга хизмат қиладиган механизмлар мутлақо мавжуд эмас, деган хулоса келиб чиқмайди. Узок йиллар давомида мазкур муаммони кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар бериш, алоҳида эътиборга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам пули тўлаш, нафақа ва тўловлар миқдорини ошириш орқали ҳал этишга интилинди. Кам таъминланган аҳолининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ фуқароларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам қатор аҳамиятли тадбирлар амалга оширилди. Табиийки, бу чора-тадбирлар мамлакатдаги камбағаллик меъёри ортишининг олдини олди.

Шунга қарамасдан, ўтган чорак аср давомида камбағалликни ўткир ижтимоий муаммолар рўйхатидан чиқаришнинг иложи бўлмади. Камбағалликни аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилмагани, уни бартараф

¹⁰⁴ Қаранг: Всемирный банк рассказал об уровне бедности в мире.// <https://iz.ru/801291/2018-10-17/vsemirnyi-bank-rasskazal-ob-urovne-bednosti-v-mire>

этиш билан боғлиқ ягона давлат дастурининг мавжуд эмаслиги, кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш чораларининг тизимлаштирилмаганлиги, иш ҳақи миқдорининг пастлиги, минимал истеъмол корзинасининг аниқланмаганлиги ва шунга ўхшаган қўллаб-қувватлаш сабаблар бунга имкон қолдирмади. Энг муҳими, кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлашда, асосан, ижтимоий механизмлардан фойдаланилди, камбағаллар сонини кескин камайтиришга хизмат қиладиган иқтисодий механизмлар эса эътибордан четда қолиб кетаверди. Натижада иқтисодий ислохотларнинг энг аҳамиятли натижалари ҳам жамиятдаги камбағалликни камайтиришга хизмат қилмади. Мазкур сабабларни инобатга олган ҳолда, жамиятдаги камбағаллар сонини камайтириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятларидан жамиятдаги камбағалликни камайтиришда фойдаланишнинг чуқур ўйланган, муттасил такомиллаштириб бориладиган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш лозим.

Иккинчидан, давлат раҳбари ташаббуси билан тайёрланаётган “Камбағалликни камайтириш дастури”да мазкур мақсадларга хизмат қиладиган иқтисодий механизмларни аниқ белгилаб бермоқ даркор.

Яқин келажакда ушбу чораларнинг изчиллик билан амалга ошириши жамиятда шахснинг хавфсиз турмушини таъминлаш учун пойдевор яратади.

3. Узлуксиз таълим тизими имкониятлари билан ижтимоий ислохот мақсадлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва сақлаш. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳаси тараққиёти охир-оқибатда кадрлар масаласига бориб тақалиши бизга маълум. Амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳам кўп жиҳатдан турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий маҳорати, маданий савияси ва фуқаролик позициясига боғлиқ. Бундай фазилат ва хислатларга эга бўлган кадрларни тайёрлашдек муҳим ижтимоий вазифани фақатгина таълим тизими бажара

олади, холос. Таълим тизими мазкур вазифани муваффақиятли ўтай олса, нафақат ижтимоий тараққиёт суръатлари жадаллашади, балки шахс учун жамиятда ўз ўрнини топиш, ўз салоҳиятини жамият манфаатлари сари сафарбар қилиш имконияти юзага келади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда барча мамлакатларда таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини замонавийлаштириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, ёшларни мустақил таълим олишга одатлантириш, инновацион таълимни шакллантириш – ҳар қандай ривожланаётган, муайян ислохотларни амалга ошираётган мамлакатнинг стратегик вазифалари туркумига киритилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг ўзига хос модели шаклланди. Кейинги пайтларда мазкур модель турли танқидий ёндашувларга сабаб бўлаётганига қарамасдан, шуни эътироф этиш зарурки, у қатор ижобий натижаларга ҳам олиб келди. Биринчидан, бу модель узоқ давр давомида коммунистик мафкура таъсири остига тушиб қолган мамлакат таълим тизимини мафкуравий исканжадан халос қилди. Иккинчидан, у миллийликдан бир қадар йироқлашган Ўзбекистон таълим тизимига миллий тус беришнинг уддасидан чиқди. Учинчидан, жорий қилинган модель миллийлик билан умумбашарийликни, анъанавийлик билан замонавийликни уйғунлаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Бироқ жамият эҳтиёжлари, амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар талаблари билан таълим тизими имкониятлари ўртасидаги номутаносиблик бугунга қадар сақланиб қолмоқда. “Авваламбор, - деб таъкидлади давлат раҳбари, - ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”¹⁰⁵. Афсуски, таълим тизимининг бугунги аҳволи ва имкониятлари бундай салмоқли вазифани бажариш имконини бермаяпти.

¹⁰⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

Бунинг оқибатида шахс жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятларидан бебаҳра қолиб кетмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг ижтимоий ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, таълим сифатини ташкил этувчи муҳим элементларни (профессор-ўқитувчилар илмий-интеллектуал салоҳияти, талабалар савияси, берилаётган билим мазмуни ва ҳажми, уларни етказиш услублари, таълим муассасаси моддий-техника базаси) уйғунликда ривожлантириш зарур.

Иккинчидан, мамлакатда турли мулкчилик шакллариغا асосланган нодавлат таълим муассасаларини, давлат ва хусусий сектор шерикчилигига асосланган таълим масканларини шакллантириш тадбирлари билан барча вилоятларни қамраб олиш керак.

Ушбу чоралар шахсни ижтимоий фаолиятга тайёрлашга, унинг том маънодаги хавфсизлигини таъминлашга қодир таълим тизимини яратиш масаласига стратегик аҳамият бахш этади.

4. Ижтимоий-маданий инфраструктура фаолияти ва функцияларини аҳоли маънавий эҳтиёжларига мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш. Бундай инфраструктура ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, ташкилий, молиявий, иқтисодий, ахборот-услубий ва бошқа шарт-шароитларни ўз ичига олади. Қайсики жамиятда ижтимоий-маданий инфраструктуранинг институционал (театрлар, музейлар, кинотеатрлар, клублар, дам олиш масканлари ва шу кабилар) ва ноинституционал (аҳолининг дам олишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тўғараклар, уюшмалар ва шу кабилар) тузилмалари самарали фаолият олиб борса, бу тузилмалар фаолияти аҳолининг барча қатламларини қамраб олса, мазкур инфраструктурани бошқариш ишлари оқилона йўлга қўйилса, шу жамиятда шахсни жамиятнинг узлуксиз тарбиявий таъсири остида сақлаш, унинг маънавий қиёфасини юксалтириш, имкониятлари ҳам кенгайди. Мазкур инфраструктуранинг бесамар фаолияти охир-оқибатда шахс деградациясига олиб келади.

Ўзбекистонда қарор топган ижтимоий-маданий инфраструктурани қудратли таъсир кучига эга бўлган тизим сифатида баҳолаш мумкин. Бу инфраструктурани маблағ билан таъминлаш ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Бироқ, биз аввалги параграфда таъкидлаб ўтганимиздек, уларнинг фаолияти билан боғлиқ икки муаммо кўзга ташланади. Биринчидан, мазкур инфраструктуранинг аҳоли яшаш пунктлари бўйлаб жойлашиши рационал характерга эга эмас. Иккинчидан, ушбу инфраструктура тузилмаларининг аҳоли орасидаги нуфузи пастлигича қолмоқда. Тадқиқотчи В.Алексеевнинг ёшлар орасида ўтказган социологик сўровларнинг натижаларига қараганда, респондентларнинг атиги 15,6 фоизи Алишер Навоий номли театрни, 9,4 фоизи Муқимий номли театрни хуш кўрадилар, холос. Сўровда иштирок этганларнинг бор-йўғи 29,5 фоизи Темурийлар тарихи давлат музейи, 4,4 фоизи Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 3,5 фоизи Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ҳақида маълумотларга эга, уларга ташриф буюрганлар сони эса бундан ҳам кам. Ҳар ўн респондентлар икки-учтасигина кинотеатрларга, 38,4 фоизи концертларга бориб турадилар¹⁰⁶. Бинобарин, ижтимоий-маданий инфраструктура фаолияти билан боғлиқ ана шу икки муаммони бартараф этиш орқали уларнинг шахс хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини кучайтириш мумкин бўлади.

Ижтимоий-маданий инфраструктура фаолияти ва функцияларини аҳоли маънавий эҳтиёжларига мутаносиб равишда такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ижтимоий-маданий инфраструктура объектларини мамлакат минтақалари бўйлаб оқилона жойлаштира бориш сиёсатини йўлга қўйиш даркор.

Иккинчидан, ижтимоий-маданий инфраструктура тузилмалари фаолиятини тубдан модернизация қилмасдан, аҳолига маданий хизмат

¹⁰⁶ Алексеева В. Современные формы проведения досуга молодежи в Узбекистане // Общественное мнение. Права человека, 2019, – №1. – С.83-85.

кўрсатишнинг инновацион турларини жорий этмасдан туриб, кишиларнинг замонавий маънавий эҳтиёжларини қондириб бўлмайди.

Бундай чоралар жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-маданий инфраструктурани аҳолига шунчаки маданий хизмат кўрсатувчи масканлар мажмуидан шахс маънавий қиёфасини юксалтирувчи, унинг хавфсизлигини таъминловчи қудратли тизимга айлантиради.

5. Маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушишига сабаб бўладиган омилларни изчил бартараф этиб бориш. Маҳаллий ҳокимият органлари аҳолига таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, йўл қурилиши, сув ва газ таъминоти билан боғлиқ хизматларнинг кўрсатилишини бошқариб боради. Тилга олинган соҳалардаги вазиятнинг муттасил ёмонлашиб бориши, бир томондан, аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлади, иккинчи томондан эса, маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушишига, уларга бўлган ишончнинг камайишига олиб келади. Тўғри, тилга олинган соҳалардаги аҳвол кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг имкониятларига мутаносиб бўлади. Бироқ ҳар қандай мамлакатда аҳоли бу борадаги муаммоларни асосан маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан боғлашга одатланган.

Ўзбекистондаги маҳаллий ҳокимият органларига бўлган муносабат ҳам айнан шу мантиқ бўйича шаклланди. Ижтимоий муаммолар тўплана боргани сайин кишиларнинг маҳаллий ҳокимият органларига муносабати салбий тус ола борди. Бинобарин, масаланинг ечимини ҳам айнан шу нуқтадан излаш керак. Маҳаллий ҳокимият органларини шахснинг хавфсиз ҳаёти ва фаолиятини таъминлашга қодир механизмга айлантириш вазифасини кўяр эканмиз, уларнинг нуфузини ошириш орқали жойлардаги ижтимоий муаммоларни бартараф этишдаги имкониятларини кенгайтириш лозим бўлади.

Маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушишига сабаб бўладиган омилларни изчил бартараф этиб бориш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган давлат функция ва ваколатлари децентрализацияси жараёнларини ниҳоясига етказиш, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, йўл қурилиши, сув ва газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни марказий ҳокимият иштирокисиз бартараф этиш имконини берадиган механизмни шакллантира бориш зарур бўлади.

Иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта экспертизадан ўтказиш, уларни замон талаблари, ривожланган мамлакатларнинг аҳамиятли тажрибалари асосида такомиллаштириш керак.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси филиаллари негизида маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг интеллектуал ва маданий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган ўқув курслари ташкил қилиш лозим.

Бундай чора ва тадбирлар маҳаллий ҳокимият органларининг шахс хавфсизлигини таъминлашдаги, унинг ижтимоий тузумга бўлган муносабатини қарор топтиришдаги ролини янада кучайтиради.

6. Ҳаққоний сиёсий плюрализм тамойилларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш. Том маънодаги сиёсий плюрализм жамиятда мавжуд бўлган сиёсий кучлар ўртасида рақобатнинг мавжуд бўлишини таъминловчи муҳим принципдир. Сиёсий плюрализм, мазкур тушунчани илмий муомалага киритган немис файласуфи Х.Вольфнинг фикрига кўра, ҳуқуқий жамиятнинг муҳим атрибути ҳисобланади¹⁰⁷. У жамиятдаги барча сиёсий манфаатларни, ижтимоий тараққиёт мўлжаллари ҳақидаги тасаввурларни инобатга олиш, фуқароларнинг мақсад-муддаолари ва интилишларини ягона махражга келтириш имконини беради. Албатта, сиёсий плюрализм узоқ муддат давомида демократия норма ва принциплари асосида ривожланиб борган жамиятнинг атрибутидир. Уни сунъий ҳолда ташкил этиб ёки муайян сиёсий прода асосида вужудга келтириб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда

¹⁰⁷ Хоруженко К.М. Культурология. Энциклопедический словарь. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1997. – С.383.

демократия норма ва принципларига амал қилиш тажрибаси ошгани сайин сиёсий плюрализм тамойилига содиқлик ҳам мустақамланиб боради.

Бизнинг жамиятимизда сиёсий плюрализм мустақиллик йилларида қарор топа бошлаган сиёсий принциплардан бири ҳисобланади. Совет ҳокимияти йилларида сиёсий плюрализм назарияси капиталистик дунё идеологлари “кашф этган” мафкуравий афсона сифатида талқин қилинди. Бу тушунча буржуа демократияси инқирозини яшириш учун ўйлаб топилган баҳона дейилди¹⁰⁸. Бундай ёндашув жамиятда ҳаққоний сиёсий плюрализмнинг шаклланишига тўсқинлик қилди, тоталитар жамият тамойилларининг кенг илдиз отишига замин яратиб берди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина жамият сиёсий борлиғи плюрализм тамойиллари асосида ташкил қилина бошланди, хусусан, турли сиёсий манфаатларни ифодалаш имкониятлари юзага келди, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизим қарор топди, сиёсий сайловлар турли партияларнинг тенг ҳуқуқли иштироки асосида ўтказила бошланди. Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган сиёсий модернизация замонавий демократик сиёсий институтлар фаолиятини янада такомиллаштирмоқда ва шунинг билан сиёсий плюрализм тамойилларига амал қилиш тажрибасини юксалтирмоқда.

Шунга қарамасдан, жамиятимизда сиёсий плюрализм тамойиллари тугал қарор топиб бўлди, деб таъкидлашга ҳали эрта. Сиёсий фаолиятга иштирок этувчи субъектларни ташкил қилиш механизми такомилга муҳтожлигича қолмоқда. Жамиятдаги сиёсий манфаатлар билан амалда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ўртасида муайян номутаносиблик мавжуд. Сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат, биз таъкидлаб ўтганимиздек, аксар ҳолларда имитацион характерга эга бўлиб қолмоқда. Бундай вазият шахсининг жамият сиёсий борлиғи, сиёсий ҳокимиятдан бегоналашуви хавфини туғдирмоқда.

¹⁰⁸ Кузьмин Э.Л. Демократия: некоторые вопросы теории, методологии и практики. – М.: 1986. – С.50-53.

Ҳаққоний сиёсий плюрализм тамойилларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, сиёсий партияларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятига рухсат бериш механизмини муттасил такомиллаштириб, эркинлаштириб бориш лозим.

Иккинчидан, жамиятда мавжуд бўлган сиёсий манфаатларни сиёсий партияга айлантириш механизмини вужудга келтириш керак.

Мазкур чоралар, бир томондан, сиёсий плюрализм тамойилларининг жамиятдан мустақкам ўрин олишига хизмат қилади, иккинчи томондан эса, шахс сиёсий манфаатларини инобатга олиш, уларни рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтиради, унинг ижтимоий тузум ва сиёсий ҳокимиятдан розилигини оширади.

7. Гуманизм ғояларини тарғиб қилишга хизмат қиладиган ижтимоий механизмни такомиллаштира бориш. Гуманизм ёки инсонпарварлик ғоялари, мазкур ғоялар тарғиботи муаммолари барча замонларда ҳам мутафаккирларнинг диққат марказида бўлиб келган. Масалан, бир неча асрлар муқаддам Тертуллиан, Лактанций каби файласуфлар инсоннинг олий қадрият эканлигини, уни улуғлаш кераклигини эътироф этган эдилар. Марказий Осиёда ижод қилган қарийб барча файласуфларнинг асарларида инсонпарварлик ғоялари талқинига доир мулоҳазаларни учратиш мумкин. Ўн тўққизинчи асрнинг охирларидан бошлаб мазкур тушунча инсонни яхлит гармоник мавжудот эканлигини ифодалашда, ўтган асрдан бошлаб эса ижтимоий тараққиёт мақсадларининг инсон манфаатларига мутаносиблиги даражасини аниқлашда қўлланила бошланди. Хулласи калом, кишилиқ жамиятида, жумладан, бизнинг мамлакатимизда гуманизм ғоялари тарғиботи бир дақиқа бўлса-да тўхтагани йўқ. Шу боисдан ҳам, бир қарашда, масалани бу тарзда кун тартибига қўйишнинг, бунинг устига уни шахс хавфсизлиги муаммолари билан боғлашнинг ҳожати йўқдек кўринади. Бироқ бугунги кунга келиб ахлоқсизлик, индивидуализм, эгоцентризм, зўравонлик ғояларини тарғиб қилувчи оммавий маданият маҳсулларининг кундан-кунга

кўпайиб бораётгани нафақат ташвиш уйғотадиган ҳолга, балки шахс маънавий қиёфасига тўғридан-тўғри таҳдид соладиган омилга айланмоқда. Ушбу ғояларнинг шахс маънавий қиёфасига таъсирини камайтиришнинг ягона йўли – уни гуманизм ғоялари билан қуроллантириш, ижтимоий фаолиятини эса прогрессив ва инсонпарвар мақсадларга йўналтиришдир.

Сирасини айтганда, Ўзбекистонда ушбу масалалар билан шуғулланувчи ижтимоий механизм шаклланиб бўлган. Республика Маънавият ва маърифат маркази бир неча йиллардан буён мамлакат миқёсида гуманизм ғоялари тарғиботи билан бевосита ёхуд билвосита шуғулланиб келмоқда. 2017 йилнинг 28 июлида “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорининг қабул қилиниши бу борадаги фаолият самарасини ошириш имкониятларини янада кенгайтди.

Лекин гуманизм ғояларини тарғиб қилиш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ахлоқсизлик, индивидуализм, эгоцентризм, зўравонлик ғоялари тарғиботининг авж олиб бораётгани инсонпарварлик ғояларини турли давраларда мунтазам ва тизимли равишда тарғиб қилувчи ижтимоий механизмни такомиллаштириш заруриятини туғдирмоқда. Шундай бир вазиятда мамлакатимизда айрим ҳолларда эзгулик ва гуманизм ғоялари тарғиботи аҳолига давлат сиёсатининг устувор йўналишларини тушунтириб беришга, диний экстремизм, одам савдоси, миссионерлик каби ижтимоий хавф-хатарларидан воқиф қилишга бағишланган тадбирлар соясида қолиб кетмоқда. Натижада шахснинг турли вайронкор ғоялардан бохабарлиги даражаси ошаётган бир пайтда унинг инсонпарварлик ғояларини ўзлаштирганлиги даражаси пастлигича қолмоқда.

Мазкур муаммоларни инобатга олган ҳолда гуманизм ғояларини тарғиб қилишга хизмат қиладиган ижтимоий механизмни такомиллаштириб бориш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, инсонпарварлик ғояларини мунтазам ва тизимли равишда тарғиб қилувчи ижтимоий механизмни такомиллаштириш давлатнинг маънавий маданиятни юксалтириш борасида олиб бораётган сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи лозим.

Иккинчидан, гуманизм ғоялари тарғиботига бағишланган тадбирларни ташкил қилиш Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятининг алоҳида йўналишига айлантирилмоғи даркор. Бу тадбирлар нафақат анъанавий тарғибот шаклларида, балки инновацион, замонавий, оригинал русумда ташкил этилмоғи ва амалга оширилмоғи керак.

Гуманизм ғояларини узлуксиз ва тизимли равишда тарғиб қилувчи ижтимоий механизмнинг муттасил такомиллаштириб борилиши шахс маънавий қиёфасини вайронкор ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш имконини яратади.

8. Мафкуравий бефарқлик муҳитини бартараф этиш ва миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантиришни стратегик ижтимоий вазифага айлантириш. Жамиятда мафкуравий бефарқлик муҳитининг ҳукм суриши шахс маънавий қиёфасига салбий таъсир ўтказиши ҳақида аввалги параграфда батафсил фикр юритдик. Бундай муҳитнинг бартараф этилиши шахс маънавий хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун реал шарт-шароит яратади.

Миллий истиқлол ғоясининг ишлаб чиқилиши ва тарғиб этилиши, янги аср бошларига келиб ғоявий-мафкуравий ишларга муносабатнинг ўзгариши бу борадаги вазиятни ижобий томонга ўзгартирди. Бизнинг кузатишларимизга қараганда, 30 ёшгача бўлган фуқароларнинг мутлак кўпчилиги “ғоя” ва “мафкура” тушунчаларининг мазмунини ифодалаб бера олади, бугунги кунда жаҳонда мавжуд бўлган бунёдкор ва вайронкор ғоя ҳамда мафкуралар тўғрисида етарли даражада маълумотга эга, миллий истиқлол ғоясининг мазмунини яхши ўзлаштирган. Фуқаролар мафкуравий билимларининг кенгайиши жамиятдаги мафкуравий бефарқликнинг

камайишига замин яратди. Буни кейинги 20 йил мобайнида жамиятимизда амалга оширилган ғоявий-тарбиявий ишларнинг асосий ютуғи деб баҳоламоқ керак, албатта. Қабул қилиниши кутилаётган “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” мафкуравий ишлар самарасини янада оширишга хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Бироқ жамиятдаги мафкуравий бефарқлик муҳити тугал барҳам топди, дейиш қийин. Қатор жараёнлар бундай муҳитни бартараф этишга ҳалал бермоқда. Масалан, жаҳон майдонларида деидеологизация жараёнлари бошланаётган, мафкуравий кураш кескинлашаётган бир пайтда фуқароларнинг мафкуравий билимлари даражасини юксалтириш зарурияти ошиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда эса мафкуравий таълим тизими замон талабларидан ортда қолаётир. “Миллий ғоя” туркумидаги фанларга бўлган эътиборсизлик, ўқув режаларида ижтимоий фанлар учун ажратилган соатларнинг қисқариб бораётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Бундай тизимнинг бесамарлиги нафақат мафкуравий бефарқлик муҳитини бартараф этишга, балки шахс мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга ҳам ҳалал бермоқда. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи А.Исманова ўтказган сўровларда респондентларнинг 59,2 фоизи маҳалладошларида мафкуравий иммунитет ўртача даражада шаклланганлигини, 30 фоизи бундай иммунитет кучсиз эканлигини таъкидладилар¹⁰⁹.

Мафкуравий бефарқлик муҳитини бартараф этиш ва миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, жамиятдаги мафкура таълим тизимини янги воқелик асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштира бориш даркор.

Иккинчидан, қабул қилинаётган “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”ни амалга

¹⁰⁹ Исманова А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ижтимоий институтларнинг роли ҳамда профилактик имкониятлари // Ижтимоий фикр, – 2017, – №1. – С.151.

оширишнинг асосий вазифаларидан бирини фуқароларда миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантириш билан боғламоқ лозим.

Мазкур чоралар, фикримизча, жамиятни мафкуравий бефарқлик муҳитидан суғурта қилишга хизмат қилади ва шахснинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратади.

Хулоса қиладиган бўлсак, янги асрда жаҳонда содир бўлаётган ўзгаришлар Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концептуал асосларини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Бу асослар шахс, давлат, жамият хавфсизлигини таъминлашга доир стратегик муддаоларни камраб олмоғи керак. Жумладан, шахс хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар ишсизлик даражасининг камайиб боришига тенденциявий тус бериш, камбағаллар сонини кескин камайтиришга хизмат қиладиган иқтисодий механизмлардан унумли фойдаланиш, таълим тизими имкониятлари билан ижтимоий ислоҳот мақсадлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва сақлаш, ижтимоий-маданий инфраструктура фаолияти ва функцияларини аҳоли маънавий эҳтиёжларига мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш, маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушишига сабаб бўладиган омилларни изчил бартараф этиб бориш, ҳаққоний сиёсий плюрализм тамойилларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, гуманизм ғояларини тарғиб қилишга хизмат қиладиган ижтимоий механизмни такомиллаштириб бориш, мафкуравий бефарқлик муҳитини бартараф этиш ва миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантиришни стратегик ижтимоий вазифага айлантириш билан боғланмоғи лозим.

§2. Давлат хавфсизлиги – миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳати

Миллий хавфсизлик триадасида давлат хавфсизлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки давлат хавфсизлигининг таъминланиши, унга таҳдид солиб турган омилларнинг бартараф этилиши шахс ва жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам замин ҳозирлайди. Аксинча, давлат хавфсизлигига

рахна солувчи ҳар қандай омил охир-оқибатда шахс ва жамият хавфсизлигини ҳам емиради, шахс маънавий деградациясига ва ижтимоий бошбошдоқликка олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асосларида ушбу йўналишдаги стратегик муддаолар алоҳида аҳамият касб этмоғи даркор.

2018 йилнинг мартада “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, давлат хавфсизлик хизматининг ташкил қилиниши бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги bosқичга олиб чиқди. Мазкур Қонунга кўра, “Давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, худудий яхлитлигини ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдан, қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашдан, шунингдек давлат хавфсизлик хизматининг ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат”¹¹⁰. Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистонда давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаоларни тўлақонли рўёбга чиқара бориш имконини берадиган самарали тузилма фаолият кўрсатмоқда.

Давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаоларни эса қуйидагича тасаввур этамиз:

1. Конституциявий тузумнинг ҳимояланганлиги даражасини кучайтира бориш. Мамлакатлар конституциявий тузумига таҳдид соладиган омиллар барча замонларда бисёр бўлган. Масалан, ҳар қандай мамлакатда Конституцияда эътироф этилган ҳуқуқий нормаларнинг декларатив характер касб этиши, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти мустақиллигининг чекланиб қолиши, иккиҳокимиятчиликнинг юзага келиши, мамлакат сиёсий маконида экстремистик характердаги сиёсий ташкилотларнинг пайдо

¹¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида // <https://lex.uz/docs/3610935>.

бўлиши ва ҳоказолар ҳукм сураётган конституцион тузумга таҳдид сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай омиллар мамлакат конституцияси асосида жорий этилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муносабатларга путур етказди.

Бироқ таҳдид кўлами нуктаи назаридан мазкур омилларнинг иерархияси муттасил ўзгариб боради. Айтайлик, ижтимоий тараққиётнинг муайян палласида уларнинг бир туркуми жиддий хавф туғдира бошласа, бошқа даврда ўзгача характердаги таҳдидлар мажмуи аҳамият касб этиши мумкин. Шу боисдан конституцион тузумга таҳдид солаётган омиллар доимий равишда таҳлил қилинмоғи, уларнинг хатарлилиги меъёри аниқлаб борилмоғи шарт. Бундай методологик ёндашув нафақат таҳдидларни муфассал аниқлаш, балки ўз вақтида уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги конституцион тузумга таҳдид солиб турган омиллар ҳақида аввалги параграфда батафсил мулоҳаза юритдик. Мамлакатда ҳукм сураётган конституциявий тузумнинг ҳимояланганлиги даражасини кучайтириш билан боғлиқ стратегик муддаони рўёбга чиқариш чоралари мазкур таҳдидларга мутаносиб бўлиши керак. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, диний экстремизмга қарши қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлик даражасини ошириш зарур. Мамлакатимизда диний экстремизмга қарши кураш бесамар ташкил қилинмоқда, дейиш адолатсизлик бўлар эди. Бу саъй-ҳаракатлар, асосан, икки йўналишда олиб борилмоқда. Бир томондан, мамлакат ҳудудида диний-экстремистик гуруҳлар фаолият кўрсатишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Иккинчи томондан эса, фуқаролар онгини диний-экстремистик ғоялардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда. Зарурий ҳуқуқий негиз яратилгани, масъул ташкилотларнинг унумли фаолияти натижаси ўлароқ биринчи йўналишда амалга оширилаётган тадбирлар самараси йил сайин ошиб бораётганини эътироф этмоқ зарур. Бироқ фуқароларни, айниқса,

ёшларни диний-экстремистик ғоялар таҳдидидан ҳимоя қилиш борасидаги тадбирлар такомилга муҳтожлигича қолмоқда. Бизнинг Қашқадарё вилоятида ўтказган 50 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирларимизда маълум бўлишича, фуқароларнинг аксарият қисми экстремизмнинг моҳияти ва ижтимоий хатари тўғрисидаги умумий билимлардан воқифлар, холос. Лекин уларнинг экстремистик гуруҳлар, уларнинг мақсад-муддаолари ҳақидаги билимларини, диний билимлари даражасини қониқарли баҳолаб бўлмайди. Шу боисдан ҳам экстремистик ғоялар таъсири остига тушиб қолганлар сони кўплигича қолмоқда. “Аксарият ҳолларда, - деб ёзади мавзуга доир илмий изланишлар ўтказган Вашингтон университети профессори Эдвард Лемон, - бундай жиҳодчиларнинг диний тарбияси бўлмайди ёки керакли диний тайёргарликдан ўтмаган бўладилар. Улар ўзлари учун исломни қайтадан кашф этадилар, такфирнинг содалаштирилган баёнини жуда тез ўзлаштирадилар. Унга кўра, ҳаётда яхши ва ёмон йигитлар бор ва ёмон йигитларни ўлдириш керак. Жиҳодчиларнинг диний билимларининг йўқлиги ҳамда исломнинг асл моҳиятини тушуниб етмаганлари уларни бу каби содда ҳикояларга тез ишонувчан ва берилувчан қилади”¹¹¹. Манфаатдор сиёсий давралар айнан ана шу адашганларни конституцион тузумга қарши курашчига айлантирадилар. Бинобарин, фуқароларни, айниқса ёшларни диний-экстремистик ғоялар таҳдидидан ҳимоя қилишга йўналтирилган тадбирларни мутлақо бошқа принциплар асосида ташкил қилиш, уларни мамлакатдаги конституцион тузумни ҳимоялашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг муҳим таркибий қисмига айлантириш лозим.

Иккинчидан, ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун Конституцияга хилоф бўлган йўллардан фойдаланишга мойил ноқонуний ташкилотларга қарши кураш механизмини такомиллаштира бориш керак. Умуман олганда, мамлакатимиз ҳудудида бундай ташкилотлар тузиш, унинг фаолиятини йўлга қўйишнинг олди олинган. Бироқ айрим сиёсий кучлар мамлакат ташқарисида

¹¹¹ Қаранг: Лемон Э. Марказий Осиё ва минтақа ташқариси: Россия, Туркия, Европа ва АҚШда терроризм хавфи // <https://uzanalytics.com/jamiyat/3452>.

ноқонуний ташкилотлар тузишни, уларнинг фаолиятини Ўзбекистондаги конституцион тузумни ўзгартириш сари йўналтиришни канда қилмаяптилар. Масалан, сиёсий раҳбарлари АҚШда жойлашиб олган “Бирлик” ҳаракатининг “Ҳаракатлар агентлиги” номи остида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаси ижтимоий тармоқларда фуқароларни майдонларга чиқишга, легитим ҳукумат сиёсатига норозилик билдиришга, оммавий намойишлар уюштиришга ундаб келади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”, - дейилган¹¹². Бинобарин, агентликнинг мазкур чақириқларини конституцияга хилоф бўлган саъй-ҳаракат сифатида баҳоламоқ даркор. Бундай ҳаракатларнинг олдини олиш учун эса мамлакатимиздаги ноқонуний ташкилотларга қарши кураш механизмини нафақат ҳуқуқий, балки мафкуравий, инфорацион, тарғибот чоралари билан бойитиш, уни муттасил такомиллаштириб бориш лозим.

Учинчидан, Конституцияга қатъий амал қилиш муҳитини шакллантира бориш керак. Бунинг учун фуқароларнинг Конституция ҳақидаги билимлари доирасини кенгайтириш зарур бўлади. Мамлакатимизда мазкур ишларга алоҳида эътибор бериб келинди. Лекин “ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.19-20.

институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган”¹¹³. Бундай ёндашув фуқароларнинг Конституция ҳақидаги билимларини талаб даражасида такомиллаштиришга халал берди. Мазкур билимларнинг етарли эмаслиги эса ўз-ўзидан асосий ҳуқуқий ҳужжатга амал қилиш муҳитига салбий таъсир ўтказди. Бинобарин, яқин келажакда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, оила, маҳалла, фуқаролик жамияти, бошқа институтларнинг Конституция ҳақидаги фуқаролар билимларини такомиллаштиришга доир ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини йўлга қўймоқ даркор.

Ўзбекистонда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақидаги билимлари савиясини баҳолаш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров¹¹⁴ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 75,3 фоизи мамлакатда конституция етарли даражада тарғиб қилинганлиги боис фуқароларнинг унинг ҳақидаги билимларини ижобий баҳоладилар.

2. Давлат суверенитетининг муҳофазаланганлик даражасини мустаҳкамлаб бориш. Умуман олганда, суверенитет давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил эканлигини ифодаловчи тушунчадир. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олинган ҳар қандай давлат учун у олий қадрият ва юксак масъулият деб баҳоланади. БМТ Уставида ва кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда давлат суверенитетини ҳурмат қилиш халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий принципи сифатида эътироф этилади. Давлат суверенитетининг муҳофазаланганлик даражасини кўрсатувчи қатор ички ва ташқи мезонлар мавжуд. Масалан, давлат ҳокимияти мустақил, мамлакат ичидаги ёки ташқарисидаги ўзга

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида // Халқ сўзи, 2020, 11 январь.

¹¹⁴ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

сиёсий кучлар таъсиридан холи бўлганидагина унинг муҳофазаланганлиги ҳақида гапириш мумкин.

Аввалги бобда баён этганимиздек, янги асрда давлат суверенитетига таҳдид солувчи омиллар ниҳоятда кўпайди. Биз уларни бартараф этишга хизмат қиладиган стратегик муддаоларни қуйидагилар билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, турли мамлакатлар ўртасидаги технологик тафовут ниҳоятда катталашиб кетаётган бир пайтда Ўзбекистон тараққиётини жадаллаштириш масаласи стратегик аҳамият касб қилмоқда. Мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиёти таъминланмаса, мазкур технологик тафовут йил сайин жиддий тус олиб бораверади. Бу вазифани эса мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ва кредитлар жалб қилиш орқали бажариш мумкинлиги бизга яхши маълум. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда турли иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилда “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди”¹¹⁵. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларидан олинаётган грант ва кредитлар ҳажми ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Буларнинг барчаси давлат ташқи қарзининг кўпайишига сабаб бўлади, албатта. Ташқи қарз салмоғининг ҳаддан зиёд ошиб кетиши эса давлат суверенитетига тўғридан-тўғри таҳдиддир. Бинобарин, мамлакат иқтисодиётига инвестиция ва кредитлар киритилиши, уларнинг сарфланишини назорат қилиш имконини берадиган механизмни такомиллаштириш зарур бўлади. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан давлат ташқи қарзи юқори чегарасининг белгиланиши, “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳам шунга хизмат қилади.

¹¹⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

Иккинчидан, “2008 йилда жаҳонда содир бўлган молиявий-иқтисодий инқироз ривожланган мамлакатлар орасида иқтисодий, молиявий, айниқса энергетик ресурслардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш, жаҳондаги вазиятни ўз манфаатларига мос тарзда ўзгартиришга уриниш кайфиятини кучайтирди”¹¹⁶. Жаҳоннинг турли минтақаларида етакчи геосиёсий кучлар манфаатлари тўқнашуви одатий ҳолга айланмоқда. Сирасини айтганда, Европа ва Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг туб моҳияти ана шу тўқнашувлар билан боғлиқ. Марказий Осиё ҳам геосиёсий манфаатлар туташган нуқтага айланиб бормоқда. Бугунги кунда айрим геосиёсий кучлар Ўзбекистонни ўз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий манфаатлари доирасига киритмоқдалар. Кейинги йилларда ўнлаб электрон ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг гоҳ Евроосиё иқтисодий ҳамкорлигига, гоҳ Халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлишининг фойдаси ҳақидаги мақолаларнинг, турфа “эксперт хулосаларининг” кўпайиб қолгани ҳам шундан. Ваҳоланки, фаолияти муайян геосиёсий куч томонидан мувофиқлаштириб борилаётган у ёки бу ташкилот, иттифоқ, альянсга аъзо бўлишининг ўзи давлат суверенитетига таҳдид деб баҳоланиши мумкин. Юзага келган вазиятда турли геосиёсий кучларнинг минтақадаги, хусусан, Ўзбекистондаги манфаатлари балансини сақлаб туриш механизмларини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, бундай механизмни қисқа муддатда, тор доираларнинг саъй-ҳаракатлари билан шакллантириб бўлмайди. Бироқ мазкур мавзуларга бағишланган илмий, амалий, сиёсий-ҳуқуқий изланишлар бугуннинг ўзидаёқ бошланмоғи даркор.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш зарурияти турли соҳаларга доир давлат дастурлари қабул қилишни ва амалга оширишни тақозо қилмоқда. Масалан, 2018 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига асос солинди. 2018 йилда бу борадаги қурилиш ва

¹¹⁶ Рустамов Р. Геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасидаги атрибутив ўзгаришлар, муаммолар ва ечимлар: фалс.ф. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.13.

ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилиб, 416 кишлоқ обод қилинган бўлса, 2019 йилда 6,1 триллион сўм маблағ ажратилиб, 479 кишлоқ ва овул қиёфаси ўзгартирилди¹¹⁷. Бироқ барча давлат дастурлари ҳам шу тариқа тўлақонли бажарилаётгани йўқ. Масалан, Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида” амалга оширишга оид Давлат дастурида 2019 йил мобайнида жами 274 банддаги тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, унинг 12 банди бажарилмаган қолган ёки қониқарсиз бажарилган. Жумладан, кишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 15010 та арзон уй-жойлар қуриш ва шаҳарларда 355 та кўп қаватли уйлар қуриш белгиланган бўлса-да, 2019 йилнинг 12 ойи давомида атиги 6517 та уй фойдаланишга топширилган. “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури доирасида 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган, амалда эса бу кўрсаткич 12011 тадан ошмаган¹¹⁸. Дастурларда назарда тутилган тадбирларнинг рўёбга чиқмай қолиши нафақат аҳоли норозиликка сабаб бўлади, балки давлат органларининг нуфузи ва эътиборига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини давлат суверенитетига дахлдор масала сифатида баҳоламоқ лозим.

Таклиф қилинган чоралар бир қарашда давлат суверенитетини муҳофаза қилишга бевосита дахли йўқдек туюлади. Аслида эса бу чоралар бир неча ўн йиликлар мобайнида изчиллик билан амалга оширилиши зарур бўлган, уйғун ҳолда рўёбга чиқарилганидагина давлат суверенитетини мустақкамлашга хизмат қиладиган стратегик муддаолардир.

3. Мамлакат ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни бартараф эта бориш. Бундай омиллар тўғрисида мулоҳаза юритганда одатда мамлакатнинг у ёки бу ҳудудига бўлган ҳарбий таҳдид, ўзга давлатларнинг муайян ҳудудга нисбатан даъволари, қўшни мамлакатларда жанговар ҳаракатларнинг бошланиши, сиёсий экстремизм ва

¹¹⁷ Қаранг: Депутатлар “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла” Давлат дастурлари ижроси билан яқиндан таништирилди // http://parliament.gov.uz/uz/events/other/30169/?sphrase_id=5510003.

¹¹⁸ Қаранг: 2019 йилги Давлат дастурининг бажарилмаган бандлари маълум қилинди // www.xabar.uz/tahlil.

шу кабилар тилга олинади. Албатта, санаб ўтилган омиллар ҳақиқатан ҳам таҳдид сифатида баҳоланмоғи лозим. Бироқ масаланинг нозик жиҳати шундаки, айрим ижтимоий жараёнлар, тенденциялар юзаки қараганда мамлакат ҳудудий яхлитлиги масаласига дахли йўқдек кўринади, лекин узок келажакда бу яхлитлик ва дахлсизликни емириб юбориши, заифлаштириши мумкин. Шу сабабдан ушбу омилларни тўғри идентификация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда давлатнинг ҳудудий яхлитликни таъминлашга қаратилган саясий-ҳаракати бир туркумдаги таҳдидларга қаратилиб, бошқаларини эътибордан четда қолдириши мумкин.

Биз мамлакат ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни бартараф этишга хизмат қиладиган стратегик муддаоларни қуйидагилар билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз:

2. Биринчидан, пойтахт ва вилоятлар ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётидаги тафовутни қисқартира бориш керак. Тўғри, мамлакатда бу тафовут инқирозли ҳолатда эмас. Лекин мавжуд вазиятдаги муаммоларга ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, 2018 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши Тошкент шаҳрида 108,1 фоизни ташкил қилган бўлса, бошқа вилоятларда, масалан, Самарқанд вилоятида 99,3 фоиздан, Қашқадарё вилоятида 101,0 фоиздан, Сурхондарё вилоятида 101,0 фоиздан, Сирдарё вилоятида 102,1 фоиздан иборат бўлган¹¹⁹. Иқтисодиёт тармоқлари ривож суръатларида ҳам тафовутлар мавжуд. Хусусан, 2017 йилда республиканинг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми Тошкент шаҳрида 19,6 фоизни, Андижон вилоятида 9,2 фоизни, Навоий вилоятида 9,1 фоизни, Қашқадарё вилоятида 7,5 фоизни, Фарғона вилоятида 6,7 фоизни, Самарқанд вилоятида 6,4 фоизни, Хоразм вилоятида 2,7 фоизни, Жиззах вилоятида 1,6 фоизни, Сурхондарё вилоятида 1,5 фоизни ташкил қилган¹²⁰. Таълим, соғлиқни

¹¹⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати // <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/1.pdf>.- Б. 4.

¹²⁰ Абдуллаев С. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тармоқлар ҳиссаси ва уларнинг ривожланиш тенденцияси // *Biznes-эксперт*, 2018, №12.

сақлаш, маданият муассасаларининг жойлашишида ҳам шундай тафовутлар кўзга ташланади.

Эътироф этиш лозимки, кейинги йилларда давлат раҳбари ва мамлакат ҳукумати ушбу муаммога алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳудудларни ўзаро алоқадорликда ва комплекс ривожлантириш масаласи иқтисодий соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар туркумига киритилди. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи, тараққиёти суръатларидаги тафовутни камайтириш давлатнинг махсус дастур асосида амалга ошириладиган стратегик вазифаси бўлмоғи даркор. Бу саъй-ҳаракатларнинг тенденциявий тус олиши мамлакат ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, мамлакат шаҳар ва қишлоқлари турмушидаги, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётидаги тафовутни қисқартира бориш лозим. Ўзбекистонда (бошқа мамлакатларда бўлгани каби) шаҳар ва қишлоқ турмуши ўртасида фарқ ҳамиша бўлган, албатта. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар шаҳар ва қишлоқлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ижобий томонга ўзгартиргани ҳам рост. Лекин бу ўзгариш суръатлари ҳар иккаласида турлилигича қолмоқда. Мамлакат шаҳарларининг ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларига оид кўрсаткичлари бирмунча жадал ўсиб бораётган бир пайтда қишлоқлардаги ўзгаришлар ундан ортда қолмоқда. Бу ҳол қишлоқ фуқароларининг турмуш тарзига, уларнинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имкониятларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Натижада ўзга ҳудудга (мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ёхуд хорижга) иш қидириб кетишга мойил қишлоқ фуқаролари сони ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган кенг миқёсли социологик сўровларда бундай кайфиятдаги қишлоқ фуқаролари сони 79,1 фоизни

ташқил қилиш маълум бўлди¹²¹. Бундай вазият мамлакатни яхлит организм сифатида тараққий топтиришга халал бермоқда. Кейинги йилларда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” каби давлат дастурларининг амалга оширилиши, қишлоқлардаги ижтимоий муаммоларга эътиборнинг кучайтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин мамлакат шаҳар ва қишлоқлари турмушидаги, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётидаги тафовутни қисқартиришга стратегик мазмун бахш этиш учун алоҳида давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур бўлади, шекилли. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи даркор.

Учинчидан, ҳар қандай сепаратизм тарғиботининг олдини олишга қодир механизмни шакллантириш зарур. Биз таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда мамлакат ичида сепаратистик кайфиятлар мавжуд эмас. Бироқ бундай кайфиятларнинг жаҳон бўйлаб кенг илдиз отиб бораётгани унга қарши турувчи самарали тарғибот механизмини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Тўғри, Ўзбекистонда чорак аср мобайнида салоҳиятли тарғибот тизими қарор топди. Бироқ ушбу тизимнинг асосий эътибори диний экстремизм, одам савдоси каби муаммолар моҳиятини, ҳукумат амалга ошираётган сиёсатнинг асосий йўналишларини фуқароларга тушунтириб беришга жалб қилингани боис сепаратистик кайфиятлардан суғурта қилувчи бирорта тадбир ўтказилгани йўқ. Дунёнинг турли минтақаларида сепаратизмни ёқловчи гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар, ундан манфаатдор кучлар пайдо бўлаётган бир шароитда мавзуга доир тарғибот тадбирларининг ташқил қилиниши ва ўтказилиши фойдадан холи эмас.

Аминмизки, сепаратистик кайфиятларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари Маънавият ва маърифат маркази амалга ошираётган тадбирларнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи даркор. Бу тадбирлар, фикримизча, аҳолига қуйидаги тезисларни асослаб бериши

¹²¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг январь-декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар // mehnat.uz/uploads/filemanager/source/3_Employment_Overview_Full_2018.pdf.

керак: а) бугунги кунда барқарор ижтимоий тараққиёт суръатларини дезинтеграцион эмас, интеграцион жараёнлар белгиламоқда; бундай вазиятда ҳар қандай сепаратизм охир-оқибатда таназзулга олиб келади; б) муайян ҳудуднинг мамлакатдан ажралиб чиқиши шу ҳудуд ижтимоий-иқтисодий имкониятларининг ўсишига эмас, камайишига, турмуш даражасининг юксалишига эмас, ёмонлашишига хизмат қилади; в) турли мамлакатлардан ажралиб чиққан ҳудудларнинг бирортасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳоллари кузатилмаган. Шундай йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишларигина мамлакатга сепаратистик кайфиятлар кириб келишининг олдини олади, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлайди.

4. Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб бориш. Мудофаа қобилияти давлат хавфсизлигини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида қолмоқда. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги Қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси”да таъкидланганидек, “глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги – геосиёсий қарама-қаршилиқнинг кучайиши, можаролар ва танг вазиятларни куч ишлатиб, ҳал этишга бўлган ёндашувнинг устунлик қилиши, куч ишлатиш, шу жумладан, оммавий қирғин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, ҳарбийлаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади”¹²².

Давлат хавфсизлигига таҳдид соладиган омилларнинг кўпайиб бораётгани боис барча мамлакатларда мудофаа қобилиятини муҳофаза қилиш имконини берадиган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборотга оид, ташкилий чоралар тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур мақсадларга йўналтирилган маблағлар салмоғи ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 2017 йилда АҚШнинг бу

¹²² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси // <https://lex.uz/docs/3495885>.

борадаги харажатлари 685 млрд. долларни, Хитой харажатлари 134,5 млрд. долларни, Буюк Британия харажатлари 55,3 млрд. долларни, Саудия Арабистони харажатлари 50,9 млрд. долларни, Россия харажатлари 48,5 млрд. долларни ташкил қилди¹²³. Стокгольм жаҳон муаммоларини тадқиқ этиш халқаро институти таҳлилчиларининг маълумотларига кўра, 2018 йилда дунёда мудофаа учун 1,8 триллион доллар харажат қилинган¹²⁴. Келгусида жаҳон мамлакатларнинг мудофаа учун сарфлайдиган маблағлари миқдорининг янада ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ҳам мудофаа қобилиятини мунтазам мустаҳкамлаб келмоқда. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ “миллий армиямизни барпо этиш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди”¹²⁵. Мазкур стратегияга мувофиқ, 2018 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси”да эса мудофаа сиёсатининг мақсад ва вазифалари, принцип ва йўналишлари янада такомиллаштирилди. Хусусан, доктринада қайд қилинишича, “Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мустақилликни, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш;
- давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш;
- Марказий Осиёда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни, хавфсизликни, барқарорликни ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш;
- давлатнинг ҳарбий ташкилотини мунтазам равишда ривожлантириш, уни Ўзбекистон Республикасини қуролли ҳимоя қилишга шай ҳолатда сақлаб туриш”¹²⁶.

¹²³ Қаранг: SIPRI: военные расходы в мире в 2018 году составили 1,8 трлн. Долларов // https://vpk.name/news/277112_sipri_voennye_rashody_v_mire_v_2018_godu_sostavili_18_trln_dollarov.html

¹²⁴ Қаранг: Назван топ-5 стран с наибольшими военными расходами // <https://www.gazeta.ru/army/2021/04/26/13573010.shtml>

¹²⁵ Мирзиёев Ш.М. Қуролли кучлар – Ватанимиз ва халқимизнинг мустаҳкам кўрғони // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.218.

¹²⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси // <https://lex.uz/docs/3495885>.

Мудофаа соҳасидаги оқилона сиёсат оқибати ўлароқ мамлакат Қуролли кучлари давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли омилига айланди. Бироқ жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий вазият жадаллик билан ўзгариб бораётгани туфайли мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш муттасил диққат марказида турадиган стратегик масалага айланмоқда. Биз давлат раҳбари ташаббусларига таянган ҳолда мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги стратегик муддаоларни қуйидагилар билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, мамлакат мудофааси ташкилий тизимини замон талабларига мутаносиб равишда такомиллашиб борадиган тизимга айлантирмоқ керак. Дастлабки босқичда, давлат раҳбари уқдирганидек, “ҳарбий қурилиш соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳар қайси ҳарбий округнинг таркибий тузилиши ва вазифаларини аниқлаш даркор. Бу борада улардан айнан қайси вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш кераклиги, қўшинларнинг қўлланиш ва, шунингдек, операцияларни ўтказиш йўналишлари бўйича ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур”¹²⁷. Бундай ёндашув нафақат мамлакат Қуролли кучларини такомиллаштиради, балки бутун мудофаа тизимини яхлит механизмга айлантиради, унинг ижтимоий тараққиёт тенденцияларига мутаносиб равишда ўзгариб ва ривожланиб боришига имкон яратади.

Иккинчидан, “қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш – бугунги ва истиқболдаги энг муҳим вазифамиздир”¹²⁸. Бунинг учун, давлат раҳбари таъкидлашича, шу мақсадга йўналтирилган маблағларнинг мақсадли, комплекс дастур миқёсида сарфланишига эришиш, ҳарбий-саноат мажмуасини барпо этиш зарур бўлади. Ушбу вазифаларни бажариш учун давлат раҳбари мудофаа саноати соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш зарурлигини уқдиради.

¹²⁷ Мирзиёев Ш.М. Қуролли кучлар – Ватанимиз ва халқимизнинг мустаҳкам қўрғони // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.225.

¹²⁸ Ўша ерда. – Б.227.

Учинчидан, мамлакат мудофаа қобилияти Қуролли кучларни такомиллаштириш эвазигагина мустаҳкамланмайди. Бунинг учун ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам тақозо қилинади. Ўтган йиллар давомида “униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётӣ позиция ва Ватанӣмиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди”¹²⁹. Лекин бугунги кунда ушбу тизим имкониятлари тўлиқ ва тўлақонли реализация қилингани йўқ. Келажакда ушбу тизим фаолиятини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири сифатида сақланиб қолмоғи даркор.

Хулоса қиладиган бўлсак, давлат хавфсизлигининг таъминланиши, унга таҳдид солиб турган омилларнинг бартараф қилиниши шахс ва жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам замин яратгани боис миллий хавфсизлик триадасининг мазкур элемети алоҳида эътиборни талаб этади. Ўзбекистонда давлат хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган самарали тузилма фаолият кўрсатмоқда. Бугунги мураккаб воқелик эса ушбу тузилма саъй-ҳаракатини конституциявий тузумнинг ҳимояланганлиги даражасини кучайтириш, давлат суверенитетининг муҳофазаланганлик даражасини мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни бартараф этиш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб бориш каби стратегик муддаоларни тўлақонли рўёбга чиқаришга йўналтиришни тақозо қилмоқда.

§3. Ижтимоӣ хавфсизлик – барқарор ижтимоӣ тараққиёт шарти

Янги асрда ҳар қандай кишилиқ жамиятининг барқарор тараққиёти, биринчи навбатда, ижтимоӣ хавфсизликни таъминлашни тақозо қилмоқда.

¹²⁹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан байрам табриги.// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.421.

Жамият иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга халал берадиган, ижтимоий низолар ва келишмовчиликларни келтириб чиқарадиган, ҳамжиҳатлик ва миллий бирдамликка путур етказадиган, маънавий-мафкуравий таназзулга сабаб бўладиган омиллар кўпайиб бораётган бугунги кунда миллий хавфсизлик триадасининг ушбу элементи, айниқса, ўзгача аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун турли мамлакатларда тайёрланган ва амал қилаётган миллий хавфсизлик концепцияларида жамият хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўзгача эътибор билан белгиланган. Бинобарин, Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари ҳам мазкур йўналишдаги стратегик муддаоларни ўзида мужассам қилмоғи даркор. Табиийки, ушбу муддаолар жамиятимизни ички ва ташқи иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлмоғи лозим. Биз Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ стратегик муддаоларни қуйидагича тасаввур этамиз:

1. Жамият хавфсизлигини ташқи ва ички иқтисодий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш. Бу механизм қуйидагиларни таъминлашга хизмат қилмоғи даркор:

Биринчидан, мамлакат иқтисодий манфаатларининг миллий миқёсда ҳимояланганлигини таъминлаш зарурияти мавжуд. 2016 йилдан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янги паллага кирди. Бу даврда турли бозор иқтисодиёти субъектларининг шаклланиши жараёни янада жадаллашди. Иқтисодий фаолият субъектлари кўпая боргани сайин жамиятдаги иқтисодий манфаатлар спектри ҳам бойимоқда. Бу субъектларнинг барчаси ҳам ўз манфаатларини фақат иқтисодий механизмлар ёрдамида қондиришга интилаётгани йўқ. Улар орасида давлат имкониятларидан фойдаланган ҳолда мақбул тариф ва квоталарни жорий этишга, имтиёзли субсидиялар олишга, муайян турдаги маҳсулотлардан фойдаланиш талабларини жорий қилишга, турли маъмурий тўсиқларни вужудга келтиришга, бир сўз билан айтганда, протекционистик усуллардан

фойдаланишга мойиллари ҳам топилади. Масалан, ана шундай усуллар ёрдамида Ўзбекистонда 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб импорт қилинадиган, ишлаб чиқарилганига 2 йил бўлган, эквивалентда 40 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ қийматга эга енгил автомобилларга божхона қийматининг 20 фоизи миқдоридаги имтиёзли ставка жорий қилинди, орадан бир йил ўтиб эса, бекор қилинди¹³⁰. Имтиёз амалда бўлган муддатда мамлакатга 600 премиум классдаги автомобиллар олиб кирилди¹³¹. Протекционизм бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ривожланаётган ҳар қандай мамлакат учун табиий ҳол, албатта. Бироқ айти пайтда жамиятда уни жиловлаб турувчи механизм мавжуд бўлмоғи, барча иқтисодий фаолият субъектлари учун бир хил шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Фақат ана шундай чоралар ёрдамида турли субъектлар манфаати билан умуммиллий иқтисодий манфаатлар ўртасидаги зиддиятнинг олди олинадиган, мамлакат иқтисодий манфаатларининг ҳимояланганлиги даражаси ошади.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодий манфаатларининг халқаро миқёсда ҳимояланганлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги кунда халқаро иқтисодий алоқалар барқарор иқтисодий тараққиёт суръатларини таъминлашнинг муҳим омилига айлангани бизга маълум. Ҳар қандай мамлакат бундай алоқаларни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиши ҳам тушунарли ҳол. Бинобарин, Ўзбекистон ҳам халқаро аренада мамлакат иқтисодий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиб бормоғи даркор.

Мамлакат иқтисодий манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш зарурияти Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиши масаласи муҳокамасида, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Ўзбекистон иқтисодий манфаатлари “жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишни”

¹³⁰ Қаранг: Заманов О. 2020 йил 1 январдан импорт бўйича ставкалар янгиланади // https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/2020_yil_1_yanvardan_import_buyicha_stavkalar_yangilanadi

¹³¹ Қаранг: Льгота на импорт дорогих иномарок отменяется // <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/10/auto-excise>

тақозо қилмоқда¹³². Ваҳоланки, “бизнинг ташқи савдога чиқадиган юкларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортнинг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон хиссасига тўғри келади”¹³³. Бу ҳол Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ундайди, албатта. Бироқ айти пайтда ушбу иттифоққа аъзоликнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ҳар томонлама ўрганилмоғи лозим. Ана шу омилларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иттифоқ фаолиятига кузатувчи сифатида иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинди. Бундай ёндашув халқаро миқёсда мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун прецедент юзага келтирди. Ўзбекистоннинг келгусидаги ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ушбу прецедент муҳим роль ўйнаши аниқ.

Бироқ бу масаланинг бир томони, холос. Бугунги халқаро иқтисодий алоқалар характери шундайки, вақти-вақти билан Ўзбекистон иқтисодий манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар, жараёнлар, тенденциялар юзага келиб туради. Бинобарин, мамлакат иқтисодий манфаатларини улар таъсиридан ҳимоя қилувчи механизм ҳам мавжуд бўлмоғи даркор. Давлат раҳбари ташаббуси билан тайёрланаётган “Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепцияси”да бундай механизмнинг асосий мақсади ва вазифалари, омиллари ва воситалари, йўналишлари ва соҳалари аниқ белгилаб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Учинчидан, мамлакат энергетик хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда энергетика соҳаси жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки миллий иқтисодий тараққиёт суръатлари кўп жиҳатдан энергетика соҳасининг ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Шу боисдан мустақиллик йилларида бу соҳа ислоҳоти алоҳида эътибор марказида бўлди. Масалан, 1991-2016

¹³² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

¹³³ Ўша ерда.

йилларда биргина нефть ва газ ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 30,7 миллиард долларни ташкил қилди¹³⁴. 2016-2021 йилларда умумий қиймати 30,4 миллиард доллар бўлган углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосидаги тайёр экспортга йўналтирилган маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича дастур амалга оширилмоқда¹³⁵.

Бироқ янги асрга келиб энергетик ресурслардан оқилона фойдаланишга, бу соҳани жадал ривожлантиришга халал берадиган муаммолар ҳам вужудга келмоқда. Масалан, мамлакат энергетик имкониятлари билан аҳолининг тобора ўсиб бораётган энергетик эҳтиёжлари ўртасидаги мувофиқликни сақлаб туриш йил сайин қийинлашиб бормоқда. Жаҳон нефть ва газ бозоридаги ўзгаришлар, турли геосиёсий кучларнинг энергетик ресурсларни ўзлаштиришга бўлган интилишлари ҳам мамлакат ёқилғи-энергетика тармоғини такомиллаштиришга тўсиқ бўлмоқда. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 4 феввалида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ягона энергетика сиёсатини юритиш” ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди¹³⁶. Бизнинг фикримизча, ушбу ижтимоий аҳамиятли вазифаларни бажариш учун “Ўзбекистон Республикасининг энергетик хавфсизлик концепцияси”ни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

¹³⁴ Қиличева Ф. Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда соҳадаги амалга оширилаётган ишлар // Иқтисодиёт ва таълим, 2018, – №1. – Б.61.

¹³⁵ Ўша ерда. – Б.62.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2019, 5 февраль.

Ўзбекистонда энергетик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ аҳамиятли тажриба шаклланганлигини биз ўтказган социологик сўров¹³⁷ иштирокчилари ҳам эътироф этдилар. Хусусан, респондентларнинг 67 фоизи мамлакатдаги бундай тажрибаларни етарли даражада деб, баҳоладилар.

Тўртинчидан, мамлакат саноати хавфсизлигини таъминлаш замон талабига айланмоқда. Умуман олганда, мамлакатда саноат ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Масалан, 2000-йилдан кейинги даврда бутун саноат тармоғи маҳсулоти 3,7 баробарга, жумладан машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 14,2, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати 13,4, озиқ-овқат саноати 7,2, енгил саноат 4,6, кимё ва нефть кимёси саноати 4,3, металлургия саноати 3,9 баробарга ўсган¹³⁸. Бундай ўсиш натижасида саноатнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 23,1 фоиздан 32,9 фоизгача ошди¹³⁹. Кейинги йилларда 12 етакчи тармоқда модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурларининг жадал амалга оширилиши¹⁴⁰ саноатнинг янада тараққий этиши учун реал имкониятларни кенгайтди.

Бироқ мамлакат саноатининг барқарор ривожига таҳдид солувчи омил ва тенденциялар ҳам йўқ эмас. Ана шундай тенденциялардан бири башорат қилинаётган тўртинчи саноат инқилоби билан боғлиқ. Хусусан, 2011 йилда Германия ҳукумати “Индустрия 4.0.” номли немис саноатини ривожлантиришнинг стратегик режасини қабул қилди. Мазкур режада мамлакат саноат ускуналарини ахборот тизимлари билан бирлаштириш кўзда тутилган. Хужжат муаллифларининг фикрига кўра, бундай ёндашув инсоннинг ишлаб чиқаришдаги иштирокини камайтиради ва саноат

¹³⁷ Социологик сўров муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг 2021 йил 3 февралдаги, ижтимоий фанлар факультети кенгашининг 2021 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган анкета асосида 2021 йилнинг март ойида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 235 респондент орасида ўтказилган. Сўров натижалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил ва талқин этилган.

¹³⁸ Мамбетжанов Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилиши ва унинг ўзгариш тенденциялари // Иқтисодиёт ва таълим, 2018. – №1. – Б.45.

¹³⁹ Ўша ерда. – Б.43.

¹⁴⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

ускуналарининг ўзаро алоқадорликда ишлашни таъминлайди. Мутахассислар ушбу режа асосида Германияда, кейинроқ эса ундан ўртак олган Европанинг бошқа мамлакатларида амалга оширилаётган чоралар охири-оқибатида тўртинчи саноат инқилобига олиб келишни башорат қилмоқдалар. “Саноат инқилобининг тўртинчи босқичи заводлардаги жараёнларга “киберфизик тизимларнинг” жорий этилиши билан характерланади. Тахмин қилинишича, бу тизимлар ягона тармоққа бирлашади, тармоқ элементлари ўзаро реал вақт режимда алоқада бўлади, ўз-ўзини сошлаш ва янги ҳаракат моделларини ўзлаштириш имконига эга бўлади”¹⁴¹. Бундай вазиятда мамлакат саноат тараққиёти суръатларининг жаҳон саноати ривожидан ортда қолиши хавфи юзага келмоқда. Бундай вазиятда “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”¹⁴². Давлат раҳбарининг бу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш ва саноат хавфсизлигини таъминлаш учун энг замонавий рақамли билимлар ва ахборот технологияларини ўзлаштиришга, мамлакат саноатини ахборот тизими билан уйғунлаштиришга хизмат қиладиган махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Бешинчидан, барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги жамият хавфсизлигининг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Ушбу элементнинг ижтимоий аҳамияти шу қадар баландки, қарийб барча мамлакатларда уни таъминлаш билан боғлиқ фундаментал ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилади. Жумладан, Ўзбекистонда 1997 йилда “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Бироқ жаҳонда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тамойиллари ўзгариб бораётган, айрим

¹⁴¹ Тарасов И. Индустрия 4. 0: понятие, концепции, тенденции развития // Стратегии бизнеса, 2018. – №6. – С.59.

¹⁴² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотлари турли сиёсий муддаоларни рўёбга чиқариш воситасига айланаётган бугунги кунда масалага мутлақо янгича методологик ёндашувни шакллантириш зарурияти туғилмоқда.

Мутахассислар озиқ-овқат хавфсизлигини турли тизим ости таркибларини ўз ичига олувчи яхлит тизим сифатида тасаввур қиладилар. Масалан, рус олими В.Назаренконинг фикрига кўра, у қуйидаги тизим ости таркибларидан иборат:

- озиқ-овқат мустақиллиги (озиқ-овқатга бўлган аҳоли эҳтиёжларини ички манбалар ҳисобига қондириш имконияти);
- ижтимоий барқарорлик (озиқ-овқат маҳсулотлари билан барча ижтимоий гуруҳларнинг таъминланганлиги);
- демографик барқарорлик (жамият аъзолари соғлиғини сақлашга хизмат қиладиган овқатланиш маданияти, озиқ-овқат таъминоти мавжудлиги);
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси (сифатли аҳоли турмушининг таъминланганлиги даражаси)¹⁴³.

Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ томонидан “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун ижросининг ўрганилиши натижалари кўрсатишича, мамлакатимизда тилга олинган барча йўналишлар бўйича жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда¹⁴⁴. Бу муаммоларни бартараф қилиш учун “Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги Доктринаси”ни ишлаб чиқиш, унда қуйидаги стратегик вазибаларни бажаришни кўзда тутиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1) озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солувчи ички ва ташқи омилларни башорат қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш механизмини шакллантириш;

¹⁴³ Назаренко В. И. Продовольственная безопасность (в мире и в России). – М.: Памятники исторической мысли, 2011. – С.38.

¹⁴⁴ Қаранг: Хидиров Қ. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муаммолар таҳлили // <https://xs.uz/uzkr/post/oziq-ovqat-khavfsizligi-sohasidagi-muammolar-tahlili>.

2) мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қодир маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

3) соғлом турмуш тарзи талабларига жавоб берадиган рационал овқатланиш нормаларини қарор топтириш;

4) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш.

2. Жамият хавфсизлигини ижтимоий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш. Бу механизм, жумладан, қуйидагиларни таъминлашга йўналтирилмоғи даркор:

Биринчидан, иқтисодий ўсиш суръатлари билан аҳоли турмуши фаровонлигининг ошиши суръатларини мутаносиблаштириш зарур. Расман тақдим қилинган статистик маълумотларга асосланиб фикрлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 2016 йилда 7,8 фоизга¹⁴⁵, 2017 йилда 5,5 фоизга¹⁴⁶, 2018 йилда 5,1 фоизга¹⁴⁷, 2019 йилда 5,6 фоизга¹⁴⁸ ошган. Олтин-валюта захираларининг 28,6 миллиард долларга етгани¹⁴⁹ ҳам мамлакат иқтисодий имкониятларининг кенгайиб бораётганидан далолат беради. Бироқ, биз аввалги бобда келтириб ўтганимиздек, республикадаги камбағаллар, кундалик эҳтиёжларини қондиришда чекланган имкониятларга эга бўлган фуқаролар кўплигича қолмоқда. Кишиларнинг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатадиган хизматлар (газ, сув, электр энергияси таъминоти, маиший хизмат тизими ва ҳ.к.) тақдим этилишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Тўғри, кейинги йилларда аҳоли реал даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган қатор самарали давлат дастурлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Шунга қарамасдан, мамлакатдаги иқтисодий ўсиш аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтиришда туб ўзгаришларга олиб

¹⁴⁵ Қаранг: 2016 йилда Ўзбекистонда ЯИМ 7,8 фоизга ўсди // <https://www.gazeta.uz/uz/2017/01/16>.

¹⁴⁶ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 76.

¹⁴⁷ Қаранг: Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2018 йилда 5,1 фоизга ўсди // <https://sof.uz/post>.

¹⁴⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

¹⁴⁹ Ўша ерда.

келганича йўқ. Давлат раҳбари айнан ана шу вазиятни инобатга олган ҳолда ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида: “Худудларда, айниқса, кишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас,”- деб таъкидлади¹⁵⁰. Бундай вазият жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид соладиган омиллар туркумига киради.

Шунинг учун ҳам мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларидан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фойдаланиш узоқ муддатли стратегик муддао сифатида кун тартибида турмоғи лозим. Мазкур масалага бағишланган махсус илмий-тадқиқот ишларининг амалга оширилиши эса мавзуга доир аҳамиятли чора-тадбирларни аниқлаш имконини берган бўларди.

Иккинчидан, турли аҳоли қатламларининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳалардаги имкониятлардан тенг фойдаланишини таъминлаш масаласи ҳам кун тартибида турибди. Биз аввалги бобда кўрсатиб ўтганимиздек, мазкур муассасаларнинг мамлакат бўйлаб жойлашиши мутаносиб эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда Самарқанд вилоятида 1245 мактабда 719684 та, Қашқадарё вилоятида 1144 мактабда 627328 та, Фарғона вилоятида 942 мактабда 660780 та, Навоий вилоятида 364 мактабда 178060 та, Сирдарё вилоятида 309 мактабда 155981 та, Тошкент шаҳрида 307 мактабда 436048 та ўқувчи таҳсил олмоқда¹⁵¹. Оддий ҳисоб-китоб Самарқанд вилоятида бир мактабга 578 та, Қашқадарё вилоятида 548 та, Фарғона вилоятида 701 та, Навоий вилоятида 489 та, Сирдарё вилоятида 504 та, Тошкент шаҳрида 1420 та ўқувчи тўғри келишини аниқлаш имконини беради. Олий таълим муассасалари, маданият масканлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг жойлашишида ҳам шундай номутаносибликни кузатиш мумкин. Бундай вазият, турли аҳоли қатламларининг таълим, соғлиқни

¹⁵⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.

¹⁵¹ Қаранг: Халқ таълими рақамларда: умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони.// <https://www.uzedu.uz/uz>.

сақлаш, маданият ва бошқа соҳалардаги имкониятлардан тенг фойдаланишига халал бермоқда.

Шунинг учун ҳам яқин келажакда мазкур муассасалар фаолиятини аҳолининг мамлакат бўйлаб жойлашиши хусусиятларига мослаштириб йўлга қўйиш, ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришга бағишланган махсус концепция қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тўғри, ушбу мақсадга эришиш узок муддатли барқарор иқтисодий тараққиётни, салмоқли молиявий харажатларни, мамлакатнинг турли минтақаларидаги илмий-педагогик, тиббий, маданий-маърифий салоҳиятни юксалтиришни тақозо қилади. Бирок мазкур масалани ҳал қилишга бугуннинг ўзидаёқ киришилиши яқин келажакда фуқароларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳалардаги имкониятлардан фойдаланишида сифатий ўзгаришлар ҳосил қилади. Бундай ўзгаришлар эса жамият хавфсизлигини таъминлашдек стратегик муддаога эришиш имконини яратади.

Учинчидан, ижтимоий вазиятни издан чиқарувчи технологиялардан ҳимояланиш механизмини мустаҳкамлаш лозим. Кейинги 20 йил давомида ўнлаб мамлакатларда содир бўлган инқилоб ва ихтилофлар таҳлили бундай технологиялар манфаатдор сиёсий кучлар томонидан самарали қўлланилаётганидан далолат беради. Улар мутахассислар томонидан “рангли инқилоб технологиялари” деб номланди. Сирасини айтганда, ижтимоий вазиятни издан чиқарувчи технологиялар бугуннинг кашфиёти эмас. Уларни амалда қўллашга қодир илк ассоциация ва ташкилотлар турли махсус хизматларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ вужудга келган эди. Янги асрга келиб бу ташкилотлар ягона тармоққа бирлаштирилди. Одатда бу тармоқнинг бир аъзоси рангли инқилоб менежерларини тайёрлаш билан, бошқаси инқилоб сценарийсини тайёрлаш ва ижтимоий-сиёсий вазиятни мониторинг қилиш билан (аналитик марказ), учинчиси инқилобни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган маблағларни тўплаш билан (молиявий кластер) машғул бўлади. Бугунги кунда бундай тармоқ таркибида USAID (United States Agency for International Development), USIP

(The United States Institute of Peace), NED (National Endowment for Democracy), ICNC (International Center on Nonviolent Conflict), Freedom House, The Jamestown Foundation, Heritage Foundation, The Aspen Institute, The Albert Einstein Institution, Open Society Foundations (OSF) каби ассоциациялар фаолият кўрсатмоқда¹⁵².

Ҳар қандай рангли инқилобнинг асл мақсади дастлабки босқичда мамлакатдаги сиёсий элитани ўзгартириш, охир-оқибатда ташқи сиёсий кучлар таъсирида фаолият кўрсатадиган бошқарув тизимини вужудга келтиришдан иборат. Кўзланган мақсадга эришиш учун узоқ муддат тайёргарлик кўрилади. Хусусан, ижтимоий норозиликка сабаб бўладиган муаммо аниқланади, унинг асосида ихтилофли вазият юзага келтирилади, бу вазиятга тартибли тарзда иштирок этувчилар шакллантирилади, вазиятни бошқариб боровчи нодавлат ташкилотлари ташкил қилинади.

Ижтимоий вазиятни издан чиқарувчи технологиялардан жамиятни муҳофаза қилиш мумкин ва бундай тажрибалар мавжуд. Бугунги вазифа ушбу тажрибаларни рангли инқилобларни амалга ошириш технологияларига қарши турувчи яхлит механизмга бирлаштириш, фаол фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари имкониятларини мазкур технологик лойиҳаларнинг олдини олишга сафарбар қилишдан иборат. Энг муҳими, рангли инқилоб технологияси муайян ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларга асосланишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бинобарин, яқин келажакдаги стратегик муддаоларимиздан бири ана шундай ижтимоий-сиёсий шарт-шароитни юзага келтирмаслик билан боғлиқ бўлмоғи даркор.

3. Жамият хавфсизлигини маънавий-мафкуравий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш. Бу механизм, жумладан, қуйидагиларни таъминлашга йўналтирилмоғи даркор:

Биринчидан, миллий урф-одат, анъаналарнинг ҳимояланганлиги даражасини ошириш зарур. Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча

¹⁵² Вердиханова З. «Цветные революции»: теории и технологии // Регионология, 2016, – №1, – С.33-40.

соҳаларига таъсир кўрсатгани каби миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг табиати, характерида ҳам из қолдирмоқда. У турли миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини Ғарб қадриятлари тизимига мутаносиб равишда универсаллаштирмоқда. Бунинг натижасида миллий анъаналаримиз янги ва янги маданий элементлар эвазига тўлишиб бормоқда. Афсуски, бу элементларнинг барчасини миллий хусусиятларимизга мос, оқилона характерга эга, дея олмаймиз. Масалан, “сўнгги йилларда халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда”¹⁵³. Бунинг натижасида ушбу анъаналар “бизнинг давримизга келиб, жамиятдаги камбағалликни бартараф этишга халал берувчи, меҳнат миграцияси кўламини оширувчи, ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилга айланди”¹⁵⁴. Шу боисдан миллий урф-одат ва анъаналардаги ўзгаришларга панжа ортидан қараб бўлмайди.

Ўзбекистонда миллий урф-одат ва анъаналарни ҳимоялаш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати кенгаши қўшма қарорининг қабул қилиниши, мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши шундан далолат беради. Бироқ миллий урф-одат ва анъаналарнинг ҳимояланганлиги даражасини ошириш учун тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини миқдорий тартибга солишнинг ўзи кифоя эмас. Бу ўринда миллий урф-одат ва анъаналардаги

¹⁵³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг кенгаши қўшма қарори. “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”// <http://xs.uz/uzkr/post/tojlar>.

¹⁵⁴ Қаранг: 2019 йил экспертлар нигоҳида.// <https://uzanalytics.com/jamiyat/6330>.

миллийлик билан умумбашарийликни, анъанавийлик билан замонавийликни уйғунлаштириш масалалари хусусида ҳам бош қотиришга тўғри келади. Бу муҳим вазифани удалаш учун махсус илмий-тадқиқотлар ўтказиш, замонавий тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг рационал сценарийларини тарғиб қилиш лозим бўлади.

Иккинчидан, жамият хавфсизлигига маънавий-мафкуравий таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бугунги кунда оилавий кадриятларнинг ижтимоий-тарбиявий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарурияти ортмоқда. Кишилиқ жамиятининг барча даврларида оила жамиятнинг энг катта ижтимоий аҳамиятга молик институтларидан бири саналган, ундаги кадриятлар шахснинг шаклланишига салмоқли тарбиявий таъсир кўрсатишга қодир омил ҳисобланган. Бугунги кунда ҳам оилавий кадриятлар жамиятда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтиришда катта роль ўйнайди. Бироқ оила, унинг кадриятлари мазкур муҳим ижтимоий вазифани бажара олиши учун унинг ўзини турли деформациялардан сақлаш зарур. Ривожланган мамлакатларда турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий жараёнлар таъсири ўлароқ оила институти емирилиб бораётган, оилавий кадриятлар таназзулга юз тутаётган бугунги шароитда бу муддао янада долзарб аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистонда оила институтини, ундаги кадриятларни асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жумладан, 2018 йил 2 февралда давлат раҳбарининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг ташкил этилиши оилани, оилавий кадриятларни янада мустаҳкамлаш учун реал шарт-шароит яратди. Фикримизча, мамлакатимизда оила институти таназзули, ундаги кадриятлар обрўсизланишининг олдини олувчи таъсирчан механизм шаклланиб бўлди. Эндиги вазифа оилавий кадриятларнинг тарбиявий имкониятларини жамият хавфсизлигини таъминлаш сари буриб

юборишдан иборат. Бу вазифани фарзандларга жамият манфаатлари ҳақида тасавурлар уйғотиш, Ватанга хизмат қилиш – энг олий саодат эканлигини сингдириш орқали уддалаш мумкин. Шу муносабат билан ота-оналарнинг оилавий кадриятлар ҳақидаги тасавурларини кенгайтирувчи, бу кадриятларнинг тарбиявий имкониятлари тўғрисидаги билимларини ривожлантирувчи услубий қўлланмалар мажмуининг чоп этилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Масалага бундай ёндашув жамият маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашда оилавий кадриятларнинг тарбиявий қудратидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Учинчидан, жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига тизимли тус бериш зарур. Бизнинг давримизга келиб, “ахборот оддий маълумот ёки билим эмас, балки у ёхуд бу тизимни бошқариш имконини берадиган миқдорий меъёр, шунингдек стратегик ва геополитик ресурсга айланди”¹⁵⁵. Бинобарин, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар характерини ўзгартиришга ҳам фурсат етди. Бу ўринда гап нафақат жамиятни негатив ахборотлар оқимидан ҳимоя қилиш, балки ундан стратегик ресурс сифатида фойдаланиш ҳақида бормоғи даркор. Бунинг учун миллий ахборот технологияларининг тайёрланишини йўлга қўйиш, жамият аъзоларининг зарурий ахборот ва билимларни олиш имкониятларини кенгайтириш, миллий ахборот ресурсларини яратишга қодир инфраструктураларни шакллантириш, илмий-технологик жараёнларни жадаллаштирувчи ахборот ҳажмини тўплаш, бошқарув соҳаларини автоматлаштириш, рақамли иқтисодиётни қарор топтириш зарур бўлади. Миллий хавфсизлик концепциясида мазкур вазифаларнинг констатация қилиниши, уларни бажаришга доир махсус ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ушбу стратегик муддаони рўёбга чиқариш учун замин ҳозирлайди.

¹⁵⁵ Қаранг: Чориев С. Глобаллашув шароитида ахборот жамиятининг қарор топиши.// <http://library.ziyouet.uz/static/lib/reader-pdf/web/viewer.html?file=http://library.ziyouet.uz/uploads/books/49959/5de8aec003e5e.pdf>

Хулоса қиладиган бўлсак, янги асрда жамият иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга халал берадиган, ижтимоий низолар ва келишмовчиликларни келтириб чиқадиغان, ҳамжиҳатлик ва миллий бирдамликка путур етказадиган, маънавий-мафкуравий таназзулга сабаб бўладиган омиллар кўпайгани туфайли жамият хавфсизлигини таъминлаш муддаоси ўзгача аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ушбу мақсадга йўналтирилган қатор чоралар амалга оширилганига, тегишли тажрибалар тўпланганига қарамасдан, жамият хавфсизлигини ташқи ва ички иқтисодий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш масаласи стратегик муддао сифатида кун тартибда қолмоқда.

3-боб хулосалари

Учинчи боб мулоҳазалари асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. XXI аср воқелиги Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий концептуал асосларини шакллантириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бу асослар миллий хавфсизлик триадаси тизим ости таркибларига мутаносиб равишда қуйидагиларни ўзида мужассам қилмоғи даркор: а) шахс хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар; б) давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар; в) жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар.

2. Шахс хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз: а) ишсизлик даражасининг камайиб боришига тенденциявий тус бериш; б) камбағаллар сонини кескин камайтиришга хизмат қиладиган иқтисодий механизмлардан унумли фойдаланиш; в) таълим тизими имкониятлари билан ижтимоий ислоҳот мақсадлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва сақлаш; г) ижтимоий-маданий инфраструктура фаолияти ва функцияларини аҳоли маънавий

эхтиёжларига мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш; д) маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушишига сабаб бўладиган омилларни изчил бартараф этиб бориш; е) ҳаққоний сиёсий плюрализм тамойилларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш; ж) гуманизм ғояларини тарғиб қилишга хизмат қиладиган ижтимоий механизмни такомиллаштириб бориш; з) мафкуравий бефарқлик муҳитини бартараф этиш ва миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантириш.

3. Давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз: а) конституциявий тузумнинг ҳимояланганлиги даражасини кучайтириш; б) давлат суверенитетининг муҳофазаланганлик даражасини мустаҳкамлаш; в) мамлакат ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни бартараф этиш; г) мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб бориш.

4. Жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз: а) жамият хавфсизлигини ташқи ва ички иқтисодий омиллардан ҳимоя қилувчи механизмни такомиллаштириш; б) жамият хавфсизлигини ижтимоий омиллардан ҳимоя қилувчи механизмни такомиллаштириш; в) жамият хавфсизлигини маънавий-мафкуравий омиллардан ҳимоя қилувчи механизмни такомиллаштириш.

ХУЛОСА

Муаммо юзасидан илмий изланишларимиз интиҳосида куйидаги хулосаларга келдик:

1. XXI асрда барча мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш механизмлари билан хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар ўртасида номутаносиблик юзага келди. Шахс маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатадиган, давлат ва жамият яхлитлигига раҳна соладиган омил ва воситалар, методология ва технологияларнинг кўпайиб бораётгани миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий механизмни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Бунинг учун, энг аввало, “Миллий хавфсизлик концепцияси”нинг янги таҳририни тайёрлаш зарур.

2. “Миллий хавфсизлик концепцияси”нинг назарий асосини миллий хавфсизлик ҳақидаги илмий мулоҳазалар ташкил этади. Миллий хавфсизлик деганда шахс, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги даражаси, бу таҳдидларга бардошлилиги меъёри, уларга қарши турувчи ижтимоий механизмнинг мавжудлиги тушунилади. У тизим сифатида куйидаги тизим ости таркибларини ўз ичига олади: а) шахс хавфсизлиги; б) давлат хавфсизлиги; в) жамият хавфсизлиги. Тизим ости таркибларининг ҳар бири кўплаб элементлардан таркиб топади.

3. Ҳар қандай миллий хавфсизликни таъминлаш концепцияси мамлакатнинг географик ҳолати, тарихий тараққиёти, ижтимоий тараққиёти мўлжаллари, хавфсизлигига таҳдид солаётган омиллар характериға монанд равишда тайёрланади ва муттасил такомиллаштириб борилади. Уларнинг такомиллашуви жараёнида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, инкорни инкор қонуни, тизим ва элемент диалектикаси, мазмун ва шакл диалектикаси, сабаб ва оқибат диалектикаси ўзига хос тарзда намоён бўлади.

4. Ўзбекистонда кейинги чорак аср мобайнида миллий хавфсизликни таъминлаш масалаларига куйидагиларни ўз ичига олувчи концептуал

ёндашув шаклланди: а) мамлакат хавфсизлигини таъминлаш; б) Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш; в) юртнинг барқарор тараққиётини кафолатловчи омиллардан миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш.

5. Миллий хавфсизлик масалаларига ўзига хос концептуал ёндашув қуйидаги йўналишлардаги тажрибаларни жамлаш имконини яратди: а) минтақавий можароларнинг олдини олиш; б) диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашиш; в) миллатлараро зиддиятларга барҳам бериш; г) коррупция ва уюшган жиноятчиликни камайтириш; д) маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликни бартараф қилиш; е) экологик муаммоларни ҳал этиш; ж) маънавий таҳдидларнинг олдини олиш.

6. Янги аср воқелиги мазмунан мураккаб, шаклан турли-туман, тизимли характерга эга, кўлами кенг янги таҳдид омилларини вужудга келтирмоқда. Улар туркумига қуйидагилар киради:

- шахс хавфсизлигига таҳдидлар: а) ишсизликнинг шахс ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилга айлангани; б) ишлаётган камбағаллар сони салмоқчилиги; в) узлуксиз таълим тизими имкониятлари билан ижтимоий ислоҳот мақсадлари ўртасидаги диспропорция; г) ижтимоий-маданий инфраструктура турғунлиги; д) маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушиб бораётгани; е) сиёсий плюрализм имитацияси; ж) ахлоқсизлик ва зўравонлик тарғиботи; ж) жамиятдаги мафкуравий бефарқлик муҳити;

- давлат хавфсизлигига таҳдидлар: а) диний экстремизм; б) мамлакатлар ўртасидаги технологик тафовутнинг катталашаётгани; в) мамлакат минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти суръатларида тафовутнинг мавжудлиги; г) жаҳонда сепаратистик кайфиятларнинг кучаяётгани;

- жамият хавфсизлигига таҳдидлар: а) халқаро рақобатнинг кескинлашаётгани; б) иқтисодиёт тармоқлари технологик базасининг қоқоқлиги; в) хуфиёна иқтисодиёт кўламининг юқорилиги; г) ижтимоий

табақалашув жараёнини рационал меъёрларда сақлаб туришнинг қийинлашаётгани; д) мафкуравий курашнинг авж олаётгани.

7. Бугунги кунда миллий хавфсизликка таҳдид солаётган омилларнинг кўпайиб ва мураккаблашиб кетгани мамлакатимизда миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Мазкур концептуал асослар шахс, давлат, жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаоларни ўзида мужассам қилмоғи даркор.

Давлат раҳбари ташаббуси билан тайёрланаётган янги “Миллий хавфсизлик концепцияси”да шахс хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар сифатида қуйидагиларни қайд этишни тавсия қиламиз:

1. Жамиятдаги ишсизлик даражасининг камайиб боришига тенденциявий тус бериш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун яратилаётган янги иш ўринлари сони билан ишга жойлаштириш зарур бўлган кишилар миқдори ўртасидаги номутаносибликни бартараф қилиш механизмини яратиш, яратилган ва қисқартирилган иш ўринлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, муносиб маош билан таъминлашга қодир иш ўринлари яратиш масаласини кун тартибига қўйиш керак.

2. Жамиятдаги камбағаллар сонини кескин камайтиришга хизмат қиладиган иқтисодий механизмлардан унумли фойдаланиш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятларидан жамиятдаги камбағалликни камайтиришда фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш, давлат раҳбари ташаббуси билан тайёрланаётган “Камбағалликни камайтириш дастури”да мазкур мақсадларга хизмат қиладиган иқтисодий механизмларни аниқ белгилаб бериш даркор.

3. Узлуксиз таълим тизими имкониятлари билан ижтимоий ислохот мақсадлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва сақлаш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун таълим сифати элементларини уйғунликда ривожлантириш, турли мулкчилик шаклларига асосланган нодавлат таълим

муассасаларини, давлат-хусусий сектор шерикчилигига асосланган таълим масканларини шакллантириш тадбирлари билан барча вилоятларни қамраб олиш керак.

4. Ижтимоий-маданий инфраструктура фаолияти ва функцияларини аҳоли маънавий эҳтиёжларига мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун ижтимоий-маданий инфраструктура объектларини мамлакат минтақалари бўйлаб оқилона жойлаштира бориш сиёсатини йўлга қўйиш, ижтимоий-маданий инфраструктура тузилмалари фаолиятини модернизация қилиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг инновацион турларини жорий этиш зарур.

5. Маҳаллий ҳокимият органлари нуфузининг тушишига сабаб бўладиган омилларни изчил бартараф этиб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган давлат функция ва ваколатлари децентрализацияси жараёнларини ниҳоясига етказиш, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, йўл қурилиши, сув ва газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни марказий ҳокимият иштирокисиз бартараф этиш механизмини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта экспертизадан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси филиаллари негизида маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг интеллектуал ва маданий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган ўқув курслари ташкил қилиш лозим.

6. Ҳаққоний сиёсий плюрализм тамойилларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун сиёсий партияларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятига рухсат бериш механизмини муттасил эркинлаштириб бориш, жамиятда мавжуд бўлган сиёсий манфаатларни сиёсий партияга айлантириш механизмини вужудга келтириш керак.

7. Гуманизм ғояларини тарғиб қилишга хизмат қиладиган ижтимоий механизмни такомиллаштира бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун

инсонпарварлик ғояларини мунтазам ва тизимли равишда тарғиб қилувчи ижтимоий механизмни такомиллаштириш, гуманизм ғоялари тарғиботига бағишланган тадбирлар ташкил қилиш даркор.

8. Мафкуравий бефарқлик муҳитини бартараф этиш ва миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантиришни стратегик ижтимоий вазифага айлантириш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун жамиятдаги мафкура таълим тизимини такомиллаштириш, қабул қилинаётган “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”ни амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бирини фуқароларда миллий ғояга содиқлик руҳини шакллантириш билан боғлаш лозим.

Янги “Миллий хавфсизлик концепцияси”да давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар сифатида қуйидагиларни қайд этишни тавсия қиламиз:

1. Конституциявий тузумнинг ҳимояланганлиги даражасини кучайтира бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун диний экстремизмга қарши қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлик даражасини ошириш, ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун Конституцияга хилоф бўлган йўллардан фойдаланишга мойил ноқонуний ташкилотларга қарши кураш механизмини такомиллаштириш, Конституцияга қатъий амал қилиш муҳитини шакллантириш керак.

2. Давлат суверенитетининг муҳофазаланганлик даражасини мустаҳкамлаб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун мамлакат иқтисодиётига инвестиция ва кредитлар киритилиши, уларнинг сарфланишини назорат қилиш имконини берадиган механизмни такомиллаштириш, турли геосиёсий кучларнинг Ўзбекистондаги манфаатлари балансини сақлаб туриш механизмларини топиш, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ва амалга оширилаётган давлат дастурларининг бажарилишини давлат суверенитетига дахлдор масала сифатида баҳолаш лозим.

3. Мамлакат ҳудудий яхлитлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни бартараф эта бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун пойтахт ва вилоятлар ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётидаги тафовутни қисқартира бориш, мамлакат шаҳар ва қишлоқлари турмушидаги, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётидаги тафовутни қисқартириш, ҳар қандай сепаратизм тарғиботининг олдини олишга қодир механизмни шакллантириш зарур.

4. Мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун мамлакат муҳофааси ташкилий тизимини замон талабларига муносиб равишда такомиллашиб борадиган тизимга айлантириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш мақсадига йўналтирилган маблағларнинг комплекс дастур миқёсида сарфланишига эришиш, ҳарбий-саноат мажмуасини барпо этиш, ватанпарварлик тарбиясини замонавийлаштириш зарур бўлади.

Янги “Миллий хавфсизлик концепцияси”да жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги стратегик муддаолар сифатида қуйидагиларни қайд этишни тавсия қиламиз:

1. Жамият хавфсизлигини ташқи ва ички иқтисодий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун мамлакат иқтисодий манфаатларининг миллий ва халқаро миқёсда ҳимояланганлигини таъминлаш, мамлакат энергетик, саноат, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш керак бўлади.

2. Жамият хавфсизлигини ижтимоий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун иқтисодий ўсиш суръатлари билан аҳоли турмуши фаровонлигининг ошиши суръатларини муносиблаштириш, турли аҳоли қатламларининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳалардаги имкониятлардан тенг фойдаланишини таъминлаш, ижтимоий

вазиятни издан чиқарувчи технологиялардан ҳимояланиш механизмини мустаҳкамлаш лозим.

3. Жамият хавфсизлигини маънавий-мафкуравий омиллардан ҳимоя қилувчи яхлит механизмни шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш. Бу муддаони рўёбга чиқариш учун миллий урф-одат, анъаналарнинг ҳимояланганлиги даражасини ошириш, жамият хавфсизлигига маънавий-мафкуравий таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бугунги кунда оилавий кадриятларнинг ижтимоий-тарбиявий имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига тизимли тус бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида // <https://lex.uz/docs/3610935>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси // <https://lex.uz/docs/3495885>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Замонавий мактаб” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида // <https://regulation.gov.uz/ru/document/3506>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида // Халқ сўзи, 2020, 11 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2019, 5 февраль.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати кенгашининг қўшма қарори. “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”// <http://xs.uz/uzkr/post/tojlar>.
8. “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси // <https://regulation.gov.uz/uz/document/9413>.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. Т.:Ўзбекистон, 2018.

10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. Т.: Ўзбекистон, 2018.
11. Мирзиёев Ш.М. “Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида” мавзuidaги халқаро конференция иштирокчиларига.// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2. Т.: Ўзбекистон, 2018.
12. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. Т.: Ўзбекистон, 2017.
13. Мирзиёев Ш.М. Куролли кучлар – Ватанимиз ва халқимизнинг мустаҳкам кўрғони // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. Т.: Ўзбекистон, 2017.
14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қoidаси бўлиши керак.// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. Т.: Ўзбекистон, 2017.
15. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.
16. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган олий баҳодир. Ж.2. Т.: Ўзбекистон, 2018.

II. Монография, рисола ва мақолалар

17. Абдулқосимов Х. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.: Академия, 2006.
18. Абдуллаев С. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тармоқлар ҳиссаси ва уларнинг ривожланиш тенденцияси // Biznes-эксперт. – Тошкент, 2018 - №12.
19. Аверченков В., Ерохин В., Голембиовская О. История развития системы государственной безопасности России. – М.: Изд. Флинта, 2016.

20. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001.
21. Алексеева В. Современные формы проведения досуга молодежи в Узбекистане // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2019. - №1.
22. Аристотель. Политика. // Соч. в четырёх томах. – Т. 4. М.: Мысль, 1984.
23. Ата-Мирзаев О. Жизненные позиции молодежи Узбекистана.// Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2018. - №4.
24. Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Тошкент конференцияси декларацияси // [https:// uza.uz /uz /posts /af-oniston-b-yicha-tinchlik-zharayeni-khavfsizlik-so-asida-a-28-03-2018](https://uza.uz/uz/posts/af-oniston-b-yicha-tinchlik-zharayeni-khavfsizlik-so-asida-a-28-03-2018)
25. Аюпова З. Права человека и гарантии их защиты // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. - №1.
26. Бабакалонов З., Бахрамов Х. Фуқаролик жамияти институтларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки // ЎЗР ИИВ Академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2012. - №1.
27. Безопасность личности. Охрана труда (Информационный ресурс) // ohrana-bgd.ru/bgdobsh.
28. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. – М.:Academia, 2004.
29. Бердяев Н. Судьба России. Опыты по психологии войны и национальности. – М., 1918.
30. Беседы и суждения Конфуция. – СПб.: Издательство «Кристалл», 1999.
31. Болтер Дж.А. Человек тьюринга: западная культура в компьютерный век // Социология культуры: современные зарубежные исследования. – М.: Наука, 1987.
32. Борзова А.Ю. Подходы Бразилии к проблемам национальной и региональной безопасности // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Международные отношения. 2014, - №2.
33. Бьюкенен П. Смерть Запада. М.: АСТ, 2007.

34. Вердиханова З. «Цветные революции»: теории и технологии // Регионология, 2016, - №1.
35. Вознесенская О. Безопасность личности в чрезвычайных ситуациях: философско-политологический анализ: Дисс...канд. филос. наук. – М., 2000.
36. Воронов А. Общественная безопасность: административные информационно-правовые проблемы обеспечения: автореф. дисс. ... докт. юрид. н. – М., 2006.
37. Выступление Б. Алиханова. Материалы международного «круглого стола» «Внешнеполитическая и внешнеэкономическая деятельность Узбекистана в рамках Стратегии действий на 2017-2021 // Халқаро муносабатлар. Тошкент, 2017. - №4.
38. Ганиева М., Ахмедов Х. Социальное самочувствие молодежи как важный индикатор качества жизни // Жамият ва бошқарув. 2017, - №1.
39. Гоббс Т. Сочинения. Том 2. – М.: Мысль, 1991.
40. Голуб Ю., Алексеев Д. Европейская безопасность в новых условиях взаимодействия России и Запада // Современная Европа, 2017, - №2.
41. Горшенина Е.В. Занятость и безработица // Экономические исследования, 2017, - №3.
42. Грицанов А. Новейший философский словарь. Сост. А.– Минск, 1999
43. Достоевский Ф. М. Полн. собр. соч. Т. 28. Ч. 1.
44. Евлампиев И.И. История русской философии. – М.: Высш. шк., 2002.
45. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. Т.: Академия, 2007.
46. Заманов О. 2020 йил 1 январдан импорт бўйича ставкалар янгиланади // <https://www.norma.uz/uz>.
47. Зиновьев А.А. Запад. Феномен западнизма. – М.: Наука, 1995.
48. Илларионов А. Кредиты МВФ не делают экономику растущей // <https://delo.ua/economyand-politicsinukraine/> / <https://delo.ua>

/economyandpoliticsinukraine/kredity-mvf-ne-delajut-ekonomiku-rastuschej-285041/

49. Ирошников Д. Принципы правовой политики России в сфере государственной безопасности // Право и государство: теория и практика, – Москва. 2010. - №7. - С. 143
50. Исаджанов А. Ўзбекистон: барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик омиллари // Халқаро муносабатлар, – Тошкент, 2017. №4.
51. Исакулов Ш. Проблемы выработки идеологического иммунитета трудовых мигрантов // Общественное мнение. Права человека. – Тошкент, 2018. - №1.
52. Исманова А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ижтимоий институтларнинг роли ҳамда профилактик имкониятлари // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2017. - №1.
53. Исманова А. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида бузғунчи ғояларга қарши педагогик профилактикани такомиллаштириш // Педагогика. – Тошкент, 2016. - №5.
54. Исмоилов Б. Бағри бутунлик белгиси // Маънавий ҳаёт. – Тошкент, 2018. - №2.
55. Каримов Б. Гармонизация взаимоотношений государства, общества и человека как основа справедливого общества // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2011. - №1.
56. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
57. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
58. Каримов Ф. Давлат ва жамият хавфсизлиги ва унга таъсир этувчи асосий омиллар // Шарқ машъали. – Тошкент, 2017. - №2.
59. Каримов Ф. Хавфсизлик масалаларини ўрганиш борасида айрим концептуал қарашлар.// Шарқшунослик. – Тошкент, 2016. - №1.

60. Каримова Г. Замонавий дунёда “исломophobia” муаммоси (танқидий таҳлил) // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2018 - №2.
61. Карпов В., Павлов Д. Основы теории обеспечения безопасности личности, общества и государства. – М.: Юридич.инс-т., 2010.
62. Кеннеди П. Вступая в XXI век. – М.: Весь мир, 1997.
63. Кокунов К.А. Вызовы и угрозы национальной безопасности России в условиях глобализации: Дисс. на соиск. уч.степ. канд. полит. наук. – М.: Акад. МИД РФ, 2009.
64. Концепция национальной безопасности Азербайджанской Республики // <http://eurasian-defence.ru/?q=node/30535>.
65. Концепция национальной безопасности Грузии // <https://sputnik-georgia.ru/spravka/20100509/213153512.html>.
66. Концепция национальной безопасности Республики Беларусь // https://www.mil.by/ru/military_policy/basic/koncept.
67. Концепция национальной безопасности Российской Федерации // <https://flot.com/nowadays/concept/conceptdoc1>.
68. Крючек Н., Кузнецов М. Личная безопасность в чрезвычайных ситуациях. – М., НЦ ЭНАС, 2010.
69. Кузьмин Э.Л. Демократия: некоторые вопросы теории, методологии и практики. М., 1986.
70. Кутырев Г.И. Стратегия национальной безопасности и военное строительство Испании: в условиях новых вызовов.// Проблемы европейской безопасности, 2018, №1.
71. Лемон Э. Марказий Осиё ва минтақа ташқариси: Россия, Туркия, Европа ва АҚШда терроризм хавфи// <https://uzanalytics.com/jamiyat/3452>.
72. Лукашева Е.А. Право. Мораль. Личность. – М.: Наука, 1986.
73. Люшев Ф. Конституционная защита прав и свобод личности. – М.: Прогресс, 1993.
74. Макиавелли Н. Государь // Избр. соч. – М.: Мысль, 1982.

75. Мамадалиев Ш., Тожибоев М. Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий асослари // ЎзР ИИБ Академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2011. - №2.
76. Мамбетжанов Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилиши ва унинг ўзгариш тенденциялари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2018. - №1.
77. Марин А. Стратегия национальной безопасности США // Зарубежное военное обозрение. – Москва. 2015. - №6.
78. Махов С. Безопасность личности: основы, принципы, методы. Межрегиональная академия безопасности и выживания. – Орел. 2013.
79. Назаренко В. И. Продовольственная безопасность (в мире и в России). - – М.: Памятники исторической мысли, 2011.
80. Назаров Н. Ўзликни англаш ва миллатлараро муносабатлар тадқиқида жамоатчилик фикри трансформацияси // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2018. - №3.
81. Небренчин А.С., Небренчин С.М. КНР – сверхдержава XXI века: российско-китайские перспективы. – М.: АНО ЦСОиП, 2017.
82. Общая теория национальной безопасности // Под общ. ред. А.А. Прохожева. – М.: Изд. РАГС, 2005.
83. Овсепян Л. Реформы Совета национальной безопасности Турции в контексте демократических преобразований // Проблемы национальной стратегии – Москва. 2010. - № 2 (3)
84. Перевалова А.А. Белая книга международной безопасности и обороны перспективы Италии в североатлантическом альянсе // Известия Уральского федерального университета. Сер. 3. Общественные науки, 2017, - № 1.
85. Пермякова Д.В. Монополизация международных рынков крупнейшими транснациональными корпорациями // Молодой ученый. Казань. – 2015, - №16.
86. Платон. Диалоги. – Харьков: “Фолио”, 1999.

87. Поздышов А. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности: теоретико-методологические проблемы: Автореф. дисс. докт. юрид. н. – М., 2003.
88. Расулов А. Хуфёна иктисодиёт ва иктисодий хавфсизлик. – Т.: Академия, 2006.
89. Расулов М. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза//https://uz.m.wikipedia.org/wiki/ijtimoiy_himoa.
90. Раҳманкулов М. Обеспечение верховенства Конституции, надежная защита прав и свобод человека – важнейший приоритет государственной политики.// Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2017. - №2.
91. Раҳмонбоева Л. Мактабгача таълим: муаммолар ва уларнинг ечимлари.// <https://kun.uz/67777797>.
92. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре// Трактаты. – М.: Канон-пресс – 2000.
93. Рустамов Р. Геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот тизимидаги атрибутив ўзгаришлар, муаммолар ва ечимлар: фалс.ф. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019.
94. Саидов А. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга коррупциянинг таъсири.// Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2017. - №2.
95. Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро:Дурдона, 2018. – Б.171.
96. Самойлов Д. Основы личной безопасности. – М.: Элита-Стиль, 2012.
97. Тарасов И. Индустрия 4. 0: понятие, концепции, тенденции развития.// Стратегии бизнеса. – Санкт-Петербург. 2018 - №6.
98. Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. – Москва: АЙРИС ПРЕСС, 2006.
99. Тоффлер Э. Шок будущего. – М.: АСТ, 2003.
100. Туманов Г., Фризко В. Общественная безопасность и ее обеспечение в экстремальных условиях // Советское государство и право. – Москва. 1989. - №5.

101. Тўраев Б. Шахсинг ахборот-психологик хавфсизлиги социал муаммо сифатида // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2013, - №3.
 102. Узбекистан: общественное мнение.// Общественное мнение. Права человека. – Тошкент, 2017. - №1.
 103. Фалсафа. Қомусий луғат // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: “Ўзб. файл. миллий жам. нашр”, 2004.
 104. Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: Акад. проект, 2007.
 105. Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. – М. АСТ, 2007.
 106. Хайек Ф. Дорога к рабству. – М.: Фонд Либерал. миссия: Новое изд-во, 2005.
 107. Хайрутдинов Я. Глобализация и ее влияние на уровень жизни населения. // Общественные науки в Узбекистане. – Тошкент, 2004. - №2-3.
 108. Халқ таълими рақамларда: умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони.// <https://www.uzedu.uz/uz>.
 109. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М: АСТ, 2006.
 110. Хидиров Қ. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муаммолар таҳлили.// <http://xs.uz/uzkr/post>.
-
111. Хоруженко К.М. Культурология. Энциклопедический словарь. – Ростовна-Дону: Феникс, 1997.
 112. Хўжаев Ғ. Олий таълим муаммолари: таққос ва статистика // <https://kun.uz/67316320>.
 113. Чориев С. Глобаллашув шароитида ахборот жамиятининг қарор топиши // ҚарДУ хабарлари, – Қарши, 2014. - №3.
 114. Чориев С. Оламга негатив муносабат: хавфсизликка таҳдид.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Респ. илмий-наз. конф. мат. – Қарши: Насаф, 2007.
 115. Чориев С. Ҳозирги замоннинг мафкуравий қиёфаси. – Т.: Ижод дунёси, 2003.

116. Шумов В. Государственная и общественная безопасность. Моделирование и прогнозирование. М.: URSS, 2016.
117. Юнусов М., Икромов Э. Фуқаролик муҳофазаси. – Т.:Академ, 2002.
118. Юрченко В.П. Египет: проблемы национальной безопасности. – М.: Институт изучения Израиля и Ближнего Востока, 2003.
119. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг январь-декабрь ойларидаги (йиллик) ҳисоб-китоб балансига шарҳлар.// mehnat.uz/uploads/filemanager/source/3_Employment_Overview_Full_2018.pdf.
120. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.// <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/1.pdf>.
121. Қиличева Ф. Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда соҳадаги амалга оширилаётган ишлар.// Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2018. - №1.
122. Қирғизбоев М. Афғонистон хавфсизлиги – Ўзбекистон, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё барқарорлиги ҳамда тараққиёти гарови.// Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2018. - №2.
123. Ҳайдаров А. Жаҳон нигоҳидаги диёр.// Театр. – Тошкент, 2017. - №1.
124. National Security Strategy.– Washington D.C.: The White House, February 2015.//https://www.whitehouse.gov/sites/default/files/docs/2015_national_security_strategy.pdf.